

ӘМАР БУРХАНОВ, ТҮЛКИН АТАМУРАДОВ

ДАВЛАТ ХАРИДИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УМАР БУРХАНОВ, ТҮЛҚИН АТАМУРАДОВ

ДАВЛАТ ХАРИДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 35:004 (075)

КБК 65.42 (5Ў)

Б95

У. Бурханов, Т. Атамурадов. Давлат хариди. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 152 бет.

Ўқув қўлланмада давлат хариди тизимини ташкил этиш, унинг моделлари, давлат харидини ташкил этишнинг халқаро тажрибалиари ўрганилган. Шунингдек, тендер савдоларини ташкил этиш, давлат хариди мониторинги, стратегияси ва қўлланиладиган электрон технологиялар илмий-амалий жиҳатдан талқин этилган.

Давлат харидини ташкил этишда қўлланиладиган тушунчаларга таърифлар берилган, статистик маълумотлар жадвал ва чизмалар шаклида келтирилган.

Ўқув қўлланма барча иқтисодий йўналишда таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва мутахассис амалиётчиларга мўлжалланган.

УДК: 35:004 (075)

КБК 65.42 (5Ў)

Илмий муҳаррир:

Т.БАЙМУРАТОВ – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

иқтисод фанлари номзоди, доцент – **А.ШЕРНАЕВ**;

иқтисод фанлари номзоди, доцент – **Э.ХОШИМОВ**

ISBN 978-9943-10-659-8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида давлат хариди тизимини бошқаришни ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларини шаффоғлигини таъминлашга қаратилган, жумладан, харидни амалга оширишда тендер жараёнларидан кенгрок фойдаланиш йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, нафақат, давлат маблағларидан фойдаланишининг самарали ҳисоб ва назоратини ташкил этиш, балки давлат буюртма-чиларининг шартномавий-ҳукуқий тартибга риоя этиш даражасини ошириш, хариднинг самарали бошқарув тизимини шакллан-тиришдан иборатdir.

Давлат харидини ташкил этишнинг янгича тамойилларга асосланган тизим шакллантирилар экан, табиий равишда, бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор мавжуд муаммолар мавжудлигини кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- давлат харидини амалга оширишнинг мавжуд тизими мамлакатимиз миқёсида давлат эҳтиёjlари учун товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатларни оптималлаштириш имконини бермайди;
- давлат хариди тизимини бошқариш бўйича меъёрий-ҳукуқий базани етарли даражада ривожланмаганлиги;
- бюджет харажатларини бошқариш услубиётидаги айrim камчиликларнинг мавжудлиги;
- давлат харидини амалга оширувчи ва уни назоратини таъминловчи малакали кадрларнинг этишмаслиги;
- харид тизими ҳамда унинг механизмларини шаффоғ эмаслиги;
- давлат харидини бошқаришнинг замонавий электрон тизимининг етарлича ривожланмаганлиги;

- кичик ва хусусий тадбиркорликнинг давлат хариди тизимида иштироки бўйича тажрибаларнинг етишмаслиги;
- давлат харидини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишининг зарурлиги ва бошқалар.

Давлат хариди тизимини бошқаришни ислоҳ этиш комплекс ёндошувни талаб этади. Ислоҳотлар фақатгина маҳсус қарорлар қабул қилиш ва давлат хариди бўйича ваколатли агентликни ташкил этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки турли хил давлат органлари ўртасида ҳамкорликда ҳаракатни йўлга қўйиш, улар ўртасида ваколатларни тақсимлаш, тизимда кучлар нисбатини тенглигини таъминловчи ўз-ўзини бошқариш механизmlарини шакллантиришни талаб этади.

Шундай экан, республикамида давлат хариди тизимини бошқаришни такомиллаштириш, унинг яқин ва узоқ муддатли стратегияларини шакллантириш ҳамда ушбу жараёнларда кичик бизнес субъектларини иштирокни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат харидни бошқариш ва давлат харажатларини амалга оширишнинг айrim назарий-амалий ҳамда услубий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олимларидан А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, Г.Қосимова, М.Оллоёров, Д.Холмурадов кабиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Давлат харидини ташкил этишнинг амалий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Молия вазирлиги ҳамкорлигидаги «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳотлари» лойиҳаси катта ҳисса қўшди. Жумладан, мазкур лойиҳа доирасида ҳаммуаллифлардан У.Бурханов томонидан «Давлат хариди» ўкув қўлланмаси тайёрланган эди. Ўқувчиларга ҳавола этилаётган мазкур қўлланма Тошкент молия институти, Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳамкорлигига ва ҳаммуаллифлардан Тошкент иқтисодиёт университети тадқиқотчиси Т.Атамурадов томонидан қайта ишланиб, сўнгги амалий ўзгаришлар назарий-услубий жиҳатдан бойитилди.

Шу сабабли, музалифлар юқорида номлари келтирилган ташкилот раҳбарлари ва экспертларига, шунингдек, мазкур кўлланмани тайёрлашда иштирок этган барча мутахассисларга, тақризчиларга ўзларининг чукур миннатдорчилигини изҳор этадилар.

Музалифлар.

I боб. ДАВЛАТ ХАРИДИНИНГ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Давлат тизими ва бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар натижасида харажатларни бошқаришнинг янги ҳуқуқий тизими шакллантирилмоқда. Бу ўз навбатида, давлат маблағларини сарфланиши самарадорлигини таъминлашга, унинг замонавий бошқарув механизмларини амалда татбиқ этишга имкон беради.

Халқаро миқёсда юзага келган янги иқтисодий вазият, давлат маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга оширишда ҳукуматлар олдига қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини оширмоқда.

Маълумки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилишга, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга, ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Умумдавлат харажатлари, асосан, давлат бюджети ва давлатнинг бошқа марказлаштирилган фондлари орқали молиялаштирилади.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган, давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англаатади.

Давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида давлат хариди алоҳида ўринга эга.

Товар ва хизматларни харид этиш дунё ривожланиш амалиётида муҳим ўрин эгаллади, фондлар ҳамда инвестицияни самарали ўзлаштиришга йўналтирилган узлуксиз жараён ҳисобланади. Ўзбек тилидаги «харид» термини (инглизчада, procurement - прокюрмент) «сотиб олиш» маъноси билан бир маънода ишлатилиб, замонавий тушунчаларда маҳсулотларни, бажарилган ишларни ёки кўрсатилган хизматларни маълум ҳақ эвазига олиш демакдир (инглизчада, procurement of goods, works and services).

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишdir¹.

Давлат харидини бошқаришга тизимли ёндошув тўғрирок бўлади. Шундай экан, давлат эҳтиёжлари учун харидни режалаштириш ва амалга ошириш ҳамда назорат этиш билан боғлиқ барча жараёнлар *давлат хариди тизимини* юзага келтиради.

Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин:

- иқтисодий инфратузилма (транспорт, майший хизматлар, кундалик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи бўлган инфратузилмалар);
- ижтимоий инфратузилма (мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, ёки бошқача айтганда, жамият кундалик ҳаёти учун бирламчи инфратузилмалар). Ижтимоий соҳаларга Давлат харидини амалга ошириш зарурати умумжамият манфаатларидан келиб чиқади. Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларга инвестициялар ва давлат хариди мавжуд қонуний-меъёрий актлар орқали тартибга солинади.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми

¹ У.Бурханов. Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf.

сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш, давлат харажатлари самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги элементлардан фойдаланиш самарали йўналиш ҳисобланади: давлат харидини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш; давлат хариди сиёсатини давлатнинг иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқлаштириш; давлат хариди соҳасидаги амалга оширилаётган сиёсатни мониторинг ва баҳолашни татбиқ этиш.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмининг самарали бўлиши, кўп жихатдан, давлат хариди учун қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг квалификация даражаси, профессионал тайёргарлиги ва ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳукуматнинг зиммасига юклатилган вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан юқоридаги кўрсатилган йўналишлардаги муаммоларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда ва давлат харидини амалга оширишда иштирок этувчи бошқа субъектлар иштироқида, давлат хариди жараёнининг механизмларини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, давлат хариди тизимини бошқариш бўйича тизимили ёндошувга бўлган талаб ҳамда давлат харидининг иқтисодиётнинг айрим соҳаларига бўлган таъсир этувчи механизм сифатида фойдаланиш стратегиялари шакллантирилмоқда.

Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМни шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади².

² О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент,2008.

Ушбуни инобатга олиб давлат харидини амалга ошириш соҳасида олиб борилган оқилона сиёсат макроиктисодий сиёсатга жиддий таъсир этувчи инструмент сифатида юзага чиқади:

- давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ривожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этади;
- очиқ тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантиришга таъсир этади;
- сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талабларга тенглаштириш орқали, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиши мумкин;
- кичик бизнес вакиллар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнесни ва рақобатни ривожлантиришга таъсир этиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар фақатгина мамлакат даражасида давлат харидини бошқаришнинг самарали механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон хукумати давлат хариди инструментидан турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ўрта маҳсус таълим тизимини ислоҳотлар нафақат ўқув бинолари сонини ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта туртки берди. 2000 йиллар бошида қурилиш компаниялари ночор аҳволда бўлган бўлишса, ҳозир улар қурилиш-монтаж ва лойиҳаларнинг турли туманлиги ва сифат бўйича хорижий компаниялар билан рақобат қилишмоқда. Шунинг билан бир вақтда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг турлари ҳам кенгайди. Капитал қурилиш соҳасига давлат буюртмаси аҳоли бандлиги оширишда ҳам муҳим рол ўйнади. Худди шундай

мисолни мебел ишлаб чиқариш саноатига нисбатан ҳам келтириб ўтиш мумкин³.

Ўзбекистон Республикасида *давлат харидининг субъектлари* бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

Давлат буюртмачилари: бюджет маблағларини олувчилар ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тақсимловчилар:

- бюджет маблағлари олувчи ташкилотлар;
- бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг ижроий дирекциялари;
- Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, вилоятлар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи хизмати;
- ҳукумат кафолати остида халқаро грант ва қарз олган ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан давлат харидини амалга ошираётган ташкилотлар;
- давлат мулки иштирокида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари.

Ташқи назорат органлари (Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси);

Ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси);

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари (назоратни ташкил этувчи органлар):

- Молия вазирлиги;
- Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги;
- Давархитекқурилиш;

Товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар: товарлар (хизматлар, ишлар) етказиб берувчи хўжалик субъектлари.

Харидни ташкил этиши жараёнига кўмаклашувчи ташкилотлар:

- хизмат кўрсатувчи банклар;
- транспорт-экспедиторлик компаниялари;
- маслаҳат ва экспертиза ҳамда бошқа ташкилотлар;

³ У.Бурханов. Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf.

- мавжуд қонунчилик асосида эксперт баҳолаш хизматини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар.

Давлат харидининг предмети бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар ҳисобланади.

Европа мамлакатларида давлат харидини товарлар, ишлар ва хизматларга ажратиш бўйича ЮНСИТРАЛ⁴ томонидан таклиф этилган таснифлашга асосан:

Товарларга - хом-ашё, буюм, ускуналар, қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатдаги предметлар, электр энергияси, шунингдек, товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар қиймати (агар у товарнинг баҳосидан юқори бўлмаса) киритилади.

Ишлар деганда – қурилиш, таъмирлаш, бинони, иншоат ва объектларни бузиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ фаолият турлари, шунингдек, гурунтларни қазиш, янгидан қуриш, жиҳозлаш, монтаж учун қурилиш майдонларини тайёрлаш ва бошқа қурилиш ишлари (масалан, геодезия ва бурғалаш бўйича ишлар, аэро- ва сунъий йўлдош орқали суръатга олиш, сейсмик тадқиқотлар ўтказиш (агар ушбу хизматлар баҳоси асосий иш баҳосидан юқори бўлмаса) тушунилади.

Хизматларга эса – товар ва ишларга тааллуқли бўлмаган барча харид предмети тушунилади.

Хариднинг турли категориялари бўйича харидни қонуний тартибга солиш (ғолибни аниқлашда тендер шартлари ва усулларидан фойдаланиш) турлича бўлади

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобатнинг кучайиши, давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш заруратининг долзарблиги ва харид жараёнларини бошқариш соҳасида инновацион усулларнинг юзага чиқиши билан, давлат хариди тизимини бошқариш ҳар бир мамлакат ҳукуматлари олдида муҳим масала бўлиб қолмоқда.

⁴ (United Nations Commission on International Trade Law) –Халқаро савдо ҳукуки бўйича БМТнинг Комиссияси. 1966 йилда БМТнинг халқаро савдо ҳукуқини ягоналаштириш бўйича қарори асосида ташкил этилаган. 36 та давлат вакилларидан иборат (14 Европа ва бошқа давлатлар, 16 Афро-Осиё ва 6 Латиноамерикаси давлатлари). Штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг харажатлари қайси йўналишларда амалга оширилади?
2. Давлат харажатлари давлат харидидан нима билан фарқланади?
3. Давлат хариди мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига қандай таъсир этади?
4. Давлат харидининг предмети нима?
5. Давлат буюртмачилари кимлар?
6. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ислоҳ этиш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирларни тушунтириб беринг.

1.2. ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давлат харидини бошқариш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ажralmas қисми – бу давлат харидини бошқариш бўйича янги ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонунчиликни шакллантиришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидини бошқаришнинг мавжуд ҳуқуқий асослари қўйидагилардан ташкил топган:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (4-параграф «Давлат шартномалари асосида товарлар етказиб бериш»).
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:
 - 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги;
 - 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги;
 - 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги;
 - ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

- 2003 йил 3 июлдаги 302 –сонли «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадибирлари тұғрисида»ги;
- 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадибирлари тұғрисида»ги;
- 2000 йил 8 апрелдаги 136-сонли «2000 йил давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган озиқ-овқат асосий турлари тұғрисида»ги ва унга илова қилинган «Ижтимоий соҳа ташкилотлари, маҳсус истеъмолчилар ва давлат заҳираси учун асосий озиқ-овқат билан таъминлаш тартиби»;
- 1997 йил 26 сентябрдаги 454-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат етказиб беришни танлов асосида ташкил этиш тұғрисида» ва унга илова қилинган «Давлат эҳтиёжлари учун импорт озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тендерларини ўтказиш тартиби»;
- 2007 йил 20 мартағи 53-сонли қарорға илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тұғрисида» ги низоми;
- 1997 йил 14 августдаги 397-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини сотиб олиш тизимини такомиллаштириш тұғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа Қарорлари.

4.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидә рўйхатдан ўтган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар:

- 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари»;
- 2009 йил 16 апрелда рўйхатга олинган 1941-сонли «Мудофаа мажмуи ва хукуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа мағфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ғазна ижроси тартиби ҳақида низом»;
- 2009 йил 19 майда рўйхатга олинган 1969-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши

тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида» буйруғи;

- 2007 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтган 1746-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобварақларини юритиш қоидалари»;
- 2000 йил 5 августда рўйхатдан ўтган 305-сонли «Хукумат кафолати остида ва давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш обьектлари учун, буюртмачилар ва пурдат ташкилотлари томонидан сотиб олинадиган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг максимал нархларини ўрнатиш тартиби бўйича йўриқнома»;
- 2010 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги ПҚ-1475 сонли қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида «Давлат хариди тўғрисида» Конун қабул қилинмаган. Ўзбекистонда давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, хусусан, «Давлат хариди тўғрисида»ги Конунни қабул қилишнинг долзарблиги қўйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- давлат харидини ташкил этишда маълумотлар шаффоғлигини таъминлаш;
- давлат харидини амалга оширувчи давлат субъектлари ваколатларини тартибга солиш;
- харидни режалаштириш ва тартибга солиш;
- мол етказиб берувчиларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;
- тендер асосида савдоларда харид механизмаларини тартибга солиш ва шу каби бошқа муаммолар.

«Давлат хариди тўғрисида» Конуннинг қабул қилиниши билан қўйидаги долзарб масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш имконияти юзага келади:

- Ўзбекистон Республикасида давлат харидини амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий асосини шакллантириш;
- тартибга солиш соҳасини аниқ белгилаб олиш;
- ҳукумат ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий ваколатларини аниқ тартибга солиш;
- харид турлари ва уни ташкил этишнинг барча жараёнларини тартибга солиш;
- давлат буюртмачиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш;
- харид усули, қарор қабул қилиш, у ёки бу механизмни танлаш шартларини аниқлаштириш;
- давлат буюртмачисининг шартнома муддатлари ва молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширгмаган ҳоллардаги мажбуриятларини тартибга солиш;
- шартномаларни тузиш шартларини, шунингдек, шартномада акс эттирилиши лозим бўлган мажбурий меъёрлар, шартлар ва йўриқларни ўрнатиш;
- тендер ғолиби билан қайси ҳолларда шартнома бекор қилиниши тартибларини белгилаш;
- харид этувчининг ваколатли органлар олдидағи масъулияти ва айрим ҳолларда, жамоат олдида ҳисоб беришини тартибга солиш ва бошқа шу каби ҳолатлар.

Ҳозирда дунёning турли мамлакатларида давлат харидини амалга оширишга ҳуқуқий асос сифатида қўлланиладиган бирнечта ҳужжатлар мавжуд. Ушбу ҳужжатларни ўрганиб, мазкур мамлакатларда давлат харидини ўзига хослигини кўрсатиш мумкин.

Юнситрал «Товарлар ва хизматларни сотиб олиш тўғрисида» ги қонуни 1994 йил БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссиясининг 27-сессиясида қабул қилинган бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва жамоат учун харидни амалга ошириш бўйича халқаро тажрибани ўзида мужассамлаштиради.

Ушбу қонун, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда, хусусан, Шарқий Европа мамлакатларида давлат буюртмасини жойлаштириш бўйича модел сифатида ишлаб чиқилган.

Юнситрал шаклий қонунидан кўзланган мақсад рақобатни максимал даражада ривожлантириш, давлат харидини амалга оширишда мол етказиб берувчиларга нисбатан адолатли муносабатни таъминлаш, харид жараёнини очиқлилиги ҳамда объективлигини оширишдан иборат. Мазкур қонун, миллий хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидан ташқари, барча соҳаларда харидни амалга ошириш учун қўллашни назарда тутади.

Мазкур ҳужжатнинг асосий танловларига қўйидагилар киради:

1. *Очиқлилик ва шаффофлик* қисмида – харид тўғрисида ёзма шаклдаги ҳисбот юритилиши (ҳисботда танловни ёки бошқа турдаги харидни амалга оширувчи давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилган барча чора-тадбирлар ўз аксини топиши шарт), шунингдек, давлат буртмачисининг шартномани тузиши ҳақида оммавий эълон қилиши;

2. *Квалификация қисм* бўйича – мол етказиб берувчилар квалификациясига бўлган талабларни тартибга солиш, улар квалификациясини ўрганиш жараёни ва тартиби, шунингдек, бирламчи квалификацион танловларни амалга ошириш тартиби;

3. *Жарённи амалга ошириш сифатида* – очиқ танлов харидни амалга оширишнинг асосий усули эканлиги; оддий маҳсулотлар учун, нафақат очиқ, балки ёпиқ танлов йўли билан, яъни котировка сўровномаси ва ягона мол етказиб берувчидан харид қилиш; икки босқичли танлов ўтказиш, рақобатли музокара олиб бориш, мураккаб маҳсулотни ёки маслаҳат хизматларни сотиб олиш учун таклиф сўровномаси;

4. *Очиқ танлов жараёни*: савдо тўғрисида эълон нашр этиш; потенциал мол етказиб берувчиларга танлов шартларини етказиш; танлов аризаларини тайёрлаш, зарурий ўзгартиришлар ва тушунтиришлар киритиш; танлов аризаларини бериш; танлов аризаларини иштирокчилар олдида очиш; аризани баҳолаш; аризани қабул қилиш ва мол етказиб бериш тўғрисидаги шартномани қонуний кучга кириши; Қонун хариднинг бошқа турларини амалга оширишни деталлаштирган ҳолда келтириб ўтади (икки босқичли танловлар, таклиф сўровномаси ва рақобат музокаралари).

5. Юзага келадиган мунозараларни ҳал этиш бўлимида, мол етказиб берувчини давлат буюртмасини жойлаштириши бўйича юзага келадиган низоларни маъмурий, суд органлари орқали ҳал этиш мумкинлиги акс эттирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Юнеситрал намунавий қонунчлиги бўлиб, у модел қонун сифатида жуда катта рол ўйнади. Россия Федерацияси, Қозогистон, Қирғизистон ва Шарқий Европа давлатларининг давлат харидини тартибга солиш бўйича амалдаги қонунчлиги асосида мазкур ҳужжат тамойиллари ётади.

Халқаро савдо ташкилотида давлат хариди бўйича шартнома. 1994 йилда кўп томонлама савдо музокараларининг Уругвай раундида қабул қилинган Хукумат хариди бўйича Келишув (Agreement on Government Procurement), ўз аҳамиятига кўра, иккинчи муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. У Савдо ва тарифлар буйича умумий шартноманинг (ГАТТ) муҳим элементи ҳисобланади ва Халқаро савдо ташкилотига(ХСТ) иштирок этиш доирасида мамлакатлар томонидан имзо чекилади. Хукумат хариди бўйича Шартномани имзолаш ХСТга киришнинг шарти ҳисобланмасада, аммо кейинги йилларда ХСТнинг йирик иштирокчилари бўлган АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Канада, Истроил, Япония, Швейцария каби мамлакатлар номзод мамлакатлар учун ушбу ҳужжатни имзоланишини икки ёқлама музокараларнинг шарти сифатида қўймоқдалар. Аммо, 2008 йилга келиб, ХСТга аъзо бўлган 152 та давлатдан фақатгина 39 таси Хукумат хариди бўйича мазкур Шартномани имзолаганлар.

Шартнома миллий давлат хариди бозорини уни имзолаган мамлакатлардаги мол етказиб берувчилар учун очиб бериши ҳамда хорижий мол етказиб берувчиларни миллий мол етказиб берувчилар билан бир хил шартлар асосида фаолият юритишига имкон беришини назарда тутади. Мазкур ҳужжатдан кўзда тутилган асосий мақсад, халқаро савдони ривожлантириш, хорижий мол етказиб берувчиларни дискриминация қилишни олдини олиш, харид жараёнини тартибга солувчи қонунчиликни очиқлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу келишувга мувофиқ, давлат буюртмачиси алоҳида олинган мол етказиб берувчига (миллий белгисига кўра) давлат буюртмасини олишда имтиёзли шароит яратиб бермаслиги лозим. Шунингдек, сотиб олинадиган товарларга халқаро савдони чегараловчи техник талаблар қўйилмаслиги ёки товарлар ва хизматларга қўйиладиган барча техник талаблар халқаро меъёрлар асосида бўлиши шарт.

Хукумат харири Шартномасига кўра *давлат харидини жойлаштиришининг учта шакли* келтирилган: очиқ, *танланма*, чегараланган. Агар савдода барча қизиқиш билдирган товар ва хизматларни етказиб берувчилар иштирок этиши мумкин бўлса, бундай жараён очиқ ҳисобланади. Агар савдода фақатгина сотиб оловчи ташкилот томонидан таклиф олган мол етказиб берувчилар иштирок этадиган бўлса, бундай жараён *танланма* дейилади. Чегараланган жараёнда сотиб оловчи ташкилот товар ва хизматлар етказиб берувчи ташкилот билан шартномада келишилган шартлар асосида алоҳида алоқа ўрнатади.

Мамлакатимизда давлат харири тизимини тартибга соловчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб, «Давлат харири тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши долзарб масала эканлигини таъкидлаймиз. Фикримизча, ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан ҳозирда мавжуд бир-нечта қонуности ҳужжатларини унификация қилиш имконияти юзага келади. Шунингдек, у давлат харидини бошқаришнинг узоқ муддатли стратегиясини шакллантиришга имкон беради.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини тартибга соловчи, ёки у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий-меъёрий актларни санаб беринг.

2. Ўзбекистонда «Давлат харири тўғрисида» ги қонунни қабул қилишга зарурат нимада?

3. 2010 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Давлат харидлари

тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш түғрисида»ги ПҚ-1475 сонли қарори моҳиятини тушунтириб беринг.


4. Юнситрал нима?

5. Юнситрал томонидан «Товарлар ва хизматларни сотиб олиш түғрисида» қонун нимани ўзида акс эттиради ва унинг асл моҳияти нимада?

6. Халқаро савдо ташкилотида давлат хариdi бўйича шартномадан кўзланган мақсад нима?

1.3. ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ

Давлат харидини ташкил этиш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қуйидаги 1-чизмадан унинг турли моделлари мавжуд эканлигини кўриш мумкин.



1-чизма. Давлат харидини ташкил этиши моделлари

Марказлашган модел – бунда харид учун буюртмаларни жойлаштириш махсус ташкилот ёки ижроия ҳукуматнинг ягона таркибий бўлинмаси - харидни ташкил этувчи томонидан амалга оширилади. Марказлашган модел барча тармоқ ва бўлимлардан тушадиган харид аризалари жамланадиган харид марказини ташкил этишни назарда тутади. Агар, марказлашиш даражаси юқори бўлса, барча турдаги харидга жавобгар бўлган махсус идора (ёки йирик компанияларда харид департаменти) шакллантирилади.

Марказлашмаган (тақсимланган) модел – бунда давлатнинг бурютмачиси ўз ихтисослиги бўйича харидга буюртмани алоҳида амалга оширади. Тақсимланган моделда компаниянинг ҳар бир бўлими (вазирлик, департамент ва ҳ.к.) ўз эҳтиёжлари учун харидни мустақил тарзда амалга оширади. Шу мақсадда, унинг таркибида харидни амалга оширувчи махсус тузилма, бўлим ташкил этилган.

Иккала моделнинг ҳам ютуқ ва камчиликлари мавжуд: тақсимланган модел анча эгилувчан, аммо кўп харажат талаб этади. Ўз навбатида, марказлашган модел йирик ҳажмдаги улгуржи харид туфайли паст баҳоларни таъминлайди, аммо эгилувчан эмас ва ҳар доим ҳам товарлар ҳамда хизматларнинг аризада кўрсатилган хусусиятларини ўзида акс эттираслиги мумкин.

Қисман марказлашган моделда эса, харидга буюртмани жойлаштириш ваколати давлат бурютмачиси ва ихтисослашган ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам, давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни доимий тарзда такомиллаштириб бориш, давлат молия тизимининг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади.

Давлат харидини ташкил этиш жараёни, унинг ташкилий шаклларини аниқлаб олишдан бошланади.

Халқаро ва миллий қонунчиликда ўрнатилган меъёрлар асосида хариднинг қайси шакли қўлланилиши аниқланади ва зарурий-меъёрий жараёнлар буюртмачи томонидан бошқарилиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш халқаро ва миллий қонунчилик асосида тартибга солинади.

Давлат хариди тизимини бошқариш бир-бири билан узвий боғланган тўртта элементни ўз ичига олади (2-чизма). Бу элементлар комплекс тусга эга бўлиб, ҳар бир элементни муваффақиятли амалга ошириш, давлат харидини самарали бўлишини таъминловчи омил ҳисобланади.



2-чизма. Давлат харидини ташкилий элементлари

Давлат харидини режалаштириш – кейинги давр учун бюджетни тузиш ва қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция дастурини тузиш жараёнида амалга оширилади. Бу жараён ўз ичига:

- бюджет сўровномаларини шакллантириш ва уни молия органларига тақдим этиш;

- давлат бюджетини тасдиқлаш ва бюджет ажратмалари ҳажмини бюджет маблағлари олувчиларга етказиш;
- харажатлар сметасини сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар гурухлари бўйича рўйхатдан ўтказишни қамраб олади.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда давлат харидини режалаштириш амалиётини ўрганадиган бўлсак, давлат органлари ва ташкилотларнинг товарлар ва хизматларга бўлган талаби ҳакида ахборот оқимининг «пастдан-юқорига» механизмининг қонунчиликда кўзда тутилишига қарамасдан, ушбу эҳтиёжларни молиялаштириш ҳажмларини аниқлаш бир томонлама тартибда «юқоридан-пастга» кўринишда амалга оширилишини гувоҳи бўламиз. Бу давлат органлари ва ташкилотларининг эҳтиёжлар рўйхатидан «муҳим бўлмаган», «ортиқча» ва «асосланмаган» харажат бўлимларини чиқариб ташлаш (қисқартириш) орқали амалга оширилади. Бундай кўринишдаги режалаштириш механизми асосида, бюджет маблағларини тақсимловчилар эҳтиёжларини ҳамда унга етарли микдордаги молиялаштириш ҳажмларини аниқлашнинг *меъёрий-харажат* усули кўлланилади.

Бюджетни шакллантиришда асосий мезон бўлиб, бюджетнинг энг юқори имкониятларини аниқлаш, яъни товар ва хизматларга бўлган аниқ талабни инобатга олмасдан, харажатларнинг юқори лимитини белгилашдир. Бошқача қилиб айтганда, ажратиладиган молиявий маблағлар реал эҳтиёжларга нисбатан етарли микдорда эмас. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, молия йили охирида юзага келадиган профицит давлат органларининг молиявий эҳтиёжларини тўла қондирилганлигини ва ушбу ресурслар ортиқчалигини билдирамайди.

Давлат харидини режалаштириш мамлакат бюджетини тайёрлаш жараёнида амалга оширилади (инвестицион дастурни тайёрлаш жараёни бундан мустасно бўлиб, у Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 12 сентябрида 395-сонли қарорига асосан тайёрланади). Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган товар ва хизматлар, давлат органлари ва ташкилотларининг харажатлар бўлимларида мос равишда акс

эттирилади. Ушбу харажатлар ва улар учун зарурий молиявий манбалар чораклар бўйича тақсимланган ҳолда режалаштирилади.

Бюджетни шакллантириш пастдан-юқорига, яъни тумандан республика даражасига бюджет сўровномаларини тақдим этиш(тузиш) ва уни умумлаштириш орқали бирламчи бюджет лойиҳасини тузиш билан амалга оширилади. Шундан сўнг, бюджет лойиҳасини тузишда чегараловчи омиллар қўлланилади. Энг асосий чегараловчи омил – келгуси йил учун давлатнинг иқтисодиётга харажатларининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети даромадлари прогнозининг сўралган харажат моддаларини молиявий таъминлаш имкониятлари ҳисобланади (1-диаграмма). Маълумки, ушбу мезонларнинг қўлланилиши, бюджет лойиҳасида харажатларни қисқартиришга қаратилган сезиларли тузатиш киритишга олиб келади.

Давлат бюджетини шаклланишига таъсир этувчи омиллар

- 1- харажатларнинг сўралган миқдори
- 2- макроиқтисодий кўрсаткичлар билан чегараланган
- 3- давлат бюджети имкониятлари билан чегараланган
- 4- тасдиқланган бюджет



1-диаграмма. Давлат бюджетига таъсир этувчи омиллар⁵

⁵ О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент,2008.

Бундай қисқартириш харажатларни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш орқали амалга оширилади:

- давлат бюджетининг харажатлар қисмида у ёки бу моддаларни сақлаб қолиш;
- у ёки бу харажат моддаларини сўралган ҳажмларда молиялаштириш ҳамда бошқа мезонлар.

Харажатларни қисқартириш, биринчи навбатда, қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- ўтган йилдан қолган ва тўла тугалланмаган ҳамда келгуси молия йилида давлат устувор йўналишлар дастурида бўлмаган лойиҳаларни молиялаштиришдан воз кечиш;
- ҳар йил учун тузиладиган давлат устувор дастурига кирмайдиган янги лойиҳаларни молиялаштиришдан воз кечиш;
- харажат моддаларининг таркибиға тегмаган ҳолда, унинг умумий суммасини қисқартириш.

Давлат харидини самарали бўлишини таъминлаш нуқтаи назаридан, давлат харажатларини қисқартиришнинг кўриб ўтилган дастлабки икки усули катта салбий тусга эга. Чунки устувор йўналишларнинг ўзгариши ва натижада лойиҳани тўла молиялаштирмаслик, унинг сифатли бажарилишига ёки лойиҳа олдига қўйилган мақсадларга эришилмаслигига олиб келади. Бу ўз навбатида, олдин амалга оширилган харажатларнинг натижасиз ва фойдасиз эканлигини билдиради.

Харажатларни қисқартиришнинг сўнгги усулини қўллашда эса, харажатлар режасини тузиш пайтида лойиҳадан воз кечиш ва бўшаган маблағларни бошқа самарали йўналишларда сарфлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Давлат харидини режалаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари қуйидагилардир:

- бюджет тизимининг такомиллашмаганлиги – бюджетни шакллантириш фақат бир йил чегарасида бўлиб, унда ўтган йил бюджетида кўзда тутилган ва тугалланмаган лойиҳаларни молиялаштириш мажбурияти кўрсатилмайди;
- давлат бюджетини шакллантиришнинг услугий асосларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, яъни

даромад ва харажат моддаларини режалаштириш сифатининг
паст даражада эканлиги;

- давлат эҳтиёжлари учун харидни режалаштириш
услубиётининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Туманлар даражасидан бошлаб, харажатлар сметаси ҳажмини сунъий юқори даражада тузиш рискининг мавжудлиги, кўзланаётган харажат мақсадларини кўрсатишнинг сифат даражасининг пастлиги, шунингдек, сметани тўғрилигини ва кўрсатилган харажатларни асосланганлигини объектив тарзда текшириш усулининг етишмаслиги каби ҳолатлар, бюджетни шакллантиришда меъёрий-харажат усулидан фойдаланишга мажбур этади. Ушбу усулни қўллашнинг салбий жиҳати шундаки, у харажат ёки лойиҳани ўзига хослиги, шароитларини (масалан, кўпчилик ҳолларда айрим лойиҳалар объектив тарзда меъёрда кўзда тутилгандан ортиқ маблағлар талаб этиши мумкин) инобатга олмайди. Натижада, ушбу ҳолат давлат органлари фаолиятини етарли даражада молиялаштирилмай қолишига, улар фаолиятини ва вазифаларини бажариш учун зарурый моддий қимматликларни етарли миқдорда харид этилмаслигига олиб келиши мумкин.

Давлат инвестицион дастурини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан белгиланади.

Мазкур йўриқномага асосан манзилли дастурни тузиш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича тўла маълумот тайёрлаш, лойиҳаларнинг устуворлиги бўйича танлаш ва рўйхатини шакллантиришни ўз ичига олади⁶. Ҳар бир лойиҳа (loyiҳalap груҳи) бўйича маълумотлар буюртмачи томонидан тайёрланади ва бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда лойиҳа паспорти тақдим этилади. Лойиҳа паспортида куйидаги маълумотлар ўз аксини топади:

- лойиҳанинг техник тавсифи;
- атроф-муҳитга таъсири;

⁶Ўзбекистон Республикаси ВМининг 12 сентябрь 2003 йилдаги 395-сонли қарорининг 4-иловаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан.

- ижтимоий ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан амалга ошириш имконияти, самаралигини баҳолаш, ташкилий тадбирлар миқёси;
- маҳсулотга талабнинг ҳажми ва характеристи;
- муқобил ечимларнинг мавжудлиги, жумладан мавжуд корхоналарни қайта тиклаш;
- асосий материал ва ишчи кучи ресурсларининг етарлилиги;
- инвестицион харажатларни амалга ошириш тартиби.

Лойиҳани танлаб олиш қуидаги 2-жадвалда кўрсатилганидек, икки босқичда амалга оширилади:

- маълум ҳудуд ёки соҳани ривожлантириш устуворлигидан келиб чиқиб, лойиҳани бирламчи баҳолаш;
- ҳудуд ёки иқтисодиётнинг айрим соҳаларини ривожлантириш устуворлигидан лойиҳани танлаш.

Бу ерда шуни назарда тутиш лозимки:

- лойиҳани инвестицион дастурга киритиладиган маълумотларни тайёрлаш учун ҳар бир бўлим бўйича аниқ ва ойдин талабни акс эттирадиган услубиётини етишмаслиги сабабли, турли хил буюртмачилар томонидан тайёрланган лойиҳалар - маълумотлар мазмуни, акс эттириш формати, сифати ва объективлиги билан бир- биридан фарқ қилиши мумкин;
- лойиҳаларни баҳолаш услубиётининг мавжуд эмаслиги, инвестицион дастурга киритиш таклиф этилган лойиҳани таҳлил этиш сифатини инсон омилига (тажриба, кўнкма, таҳлилий қобилият, холис ёндошув, вижданан ишлашга мотивациянинг мавжудлиги каби) қарам қилиб қўяди;
- лойиҳаларни танлашнинг барча мезонлари (молиявий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустасно) ва уларни амалда қўллаш субъектив ҳамда баҳолаш натижалари турличадир; ушбу мезонларни қўллаш натижасида турли хилдаги хulosаларга келиш мумкин, яъни кўрилаётган лойиҳани инвестицион дастурга киритиш ҳам, киритмаслик ҳам мумкин.

Умумлаштирадиган бўлсак, ушбу омиллар инвестицион дастурга киритиш учун тақдим этилган ҳар қандай лойиҳани уни кўриб чиқаётган мутахассис (идора)нинг фикрига кўра ижобий ёки салбий баҳоланиши учун тенг имкониятга эга. Инвестицион дастурнинг идоралараро келишув асосида ташкил этилиши, танловда йўл қўйиладиган субъектив ёндошувни анча пасайтирасада, уни бутунлай бартараф эта олмайди. Жумладан, инвестицион дастурни ишлаб чиқиш чизмасига биноан, унга сўнгги тузатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекс(бўлим)лари томонидан берилган таклиф асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ВМининг 12 сентябрь 2003 йилдаги 395-сонли қарорининг 4-иловаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан киритилиши мумкин бўлган тузатишлар чегарасини, масалан, бошқа идоралар томонидан дастурдан чиқариб ташланган лойиҳаларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан қайтадан дастурга киритиш мумкинлиги, лойиҳа қийматини ёки бошқа кўрсаткичларини ўзгартириш киритиш имкониятларини аниқ белгилаб бермайди.

1-жадвал

Инвестицион лойиҳаларни тайлаб олиш босқичлари

Умумий мезонлар	1-босқич устуворлилик мезонлари	2-босқич уч йил муддатга иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш прогнозларини инобатга олевчи мезонлар
Лойиҳани амалга oshireshning maʼсадга muvofiqligi	Loyiҳani soҳani rivожлантириш strategiyasiga mosligi	Soҳa(худуд)ni istiқbolda yuşinining прогноз daражаси

Молиявий ва иқтисодий самарадорлиги	Молиявий ва иқтисодий самарадорлиги	Экспорт салоҳиятини ўсишининг прогноз даражаси
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий нуқтаи назардан лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги ва имконияти	Маҳаллий хом ашё ва бутловчи қисмлардан фойдаланиш даражаси	Соҳани Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири
Соҳани ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мослиги	Тайёр мутахассисларнинг мавжудлиги	Таркибий ўзгаришни амалга оширувчи омиллар
	Лойиҳани амалга оширишга тайёрлик даражаси	Олдин амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги
	Ишга туширилгандан сўнг эксплуатация харажатлар миқдори	Асосий фондлар ҳолати ва қувватларидан фойдаланиш даражаси
		Лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида *харидни ташкилий шакллари* Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли, товар етказиб берувчилар билан бир қаторда, мамлакатимиз корхоналарини, кичик бизнес субъектларини тендер савдоларида жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган қарори билан белгиланади.

Харидни ташкилий шакллари – сотиб олиш жараёни ва мол етказиб берувчини (хизмат кўрсатувчини) танлаш, давлат сотиб олувчи органи томонидан мустақил амалга оширилади (3-чизма).



З-чизма. Харидни ташкилий шакллари

Юқоридаги қарорга мувофиқ тендер савдолари 100 минг АҚШ доллариға тенг микдордан ортиқ битта шартнома бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда ўтказилади.

Қиймати 100 минг АҚШ доллариға тенг микдордан кам бўлган битта шартнома бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда, харидлар энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш асосида амалга оширилади. Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда «энг яхши танлов таклифлари»ни танлаб олиш жараёнини ва тартибини аниқ белгилаб берувчи, бирорта ҳам тартибга солувчи хужжат мавжуд эмас.

Куйидаги ҳолларда тендер(танлов) ўтказмасдан товар етказиб берувчилар (бажарувчилар, пурратчилар) билан шартномалар тузилиши мумкин:

1) товарлар етказиб бериш, табиий монополиялар субъектлари фаолияти соҳасига тегишли бўлганда;

2) товарлар биржа орқали харид қилинганда;

3) шартнома тузиш вақтида энг кам иш ҳақининг ўн бара-варидан ошмаган суммада товарлар сотиб олинганда;

4)тарих ва маданият ёдгорликлари сифатида давлат муҳофазасига олинган ҳамда давлат музей, кутубхона, архив фондларини, кино-фото фондини ва бошқа шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган тарихий, бадиий ёки бошқа маданият аҳамиятига молик маданий бойликлар (суратлар, ҳайкаллар, адабий асарлар ва бошқалар), шу жумладан, музей предметлари ва музей тўпламлари, шунингдек, нодир ва кимматли нашрлар ва қўлёзмалар, архив ҳужжатлари, жумладан уларнинг нусхаларини етказиб беришни амалга оширганда;

5)товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар харид қилиш мумкин бўлганда;

6) тузилган шартноманинг шартлари дастлабки шартнома умумий суммасининг 20 фоизидан ошмайдиган суммага тенг кўшимча ишларни бажариш мақсадида ўзгарганда;

7) бажариш ёки хизмат кўрсатишни амалга ошириш факат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ёки уларга бўйсунувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ мумкин бўлган ишлар ёки хизматларга эҳтиёж туғилганда;

8) енгиб бўлмас кучлар (табиий оғатлар, ёнгинлар, фалокатлар, авариялар ва ҳоказолар) оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун зарур бўлган муайян товарларга тезкор эҳтиёж туғилганда, бунинг натижасида вақтнинг йўқотилиши талаб қилинадиган бошқа буюртмани жойлаштириш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмагандага (тегишли молия органлари келишуви бўйича);

9)етказиб берувчиларнинг ёки шартномада уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида; агар буюртмачи узок туманларда жойлашган бўлса, буюртмачининг фаолият кўрсатиш ҳудудида ва яқин жойлашган туманларда фақат

битта етказиб берувчи мавжуд бўлса; шунингдек, бошқа жойлардан нарх котировкаларини олиш ҳеч қандай фойда олиш ёки иқтисод қилиш аниқланганда; транспорт харажатлари учун нархлар ошиб кетишига олиб келганда. Бунда ягона етказиб берувчига буюртмаларни жойлаштириш тегишли молия органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади⁷.

Енгиб бўлмас кучлар оқибатларини бартараф этиш (олдин олиш) учун товарларга шошилинч эҳтиёж вужудга келган тақдирда ёки шартномада уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли тендерни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида, буюртмачи тендер ўтказмасдан ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорни келишиш учун тегишли молия органларига ёзма мурожаат юборади.

Ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг келишиш муддати, тегишли молия органига келишиш тўғрисида мурожаат келиб тушган кундан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан тендер бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда уни келишиш учун тегишли молия органига мурожаатдан ташқари, тендер бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари ҳам тақдим қилинади. Бунда шартнома ягона етказиб берувчи билан фақат тендер ҳужжатларида назарда тутилган шартларда тузилиши мумкин, тузилган шартнома баҳоси тендер ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган шартноманинг дастлабки баҳосидан ошмаслиги керак⁸.

Тендер бўйича харидларда қатнашувчи мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) билан ҳисоб-китоблар сўмларда амалга оширилади. Қарорларни ошкора ва холисона қабул қилиш, мамлакатимиз товар ишлаб

⁷ ЎзР Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жихозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом»нинг 5-1 пункти.

⁸ ЎзР Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жихозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом».

чиқарувчилари (етказиб берувчилари) учун устуворликни сақлаган ҳолда тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Шартномани ижросининг сифати ва муддатларини баҳолаш сотиб олувчи томонидан мустақил амалга оширилади. Шартномалар бўйича тўловлар ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Давлат харидининг назорат тизими – ўз ичига бирламчи, жорий ва сўнгги назоратни олади.

Дастлабки назорат: харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиши жараёнида молия органлари томонидан; бюджетдан маблағ олувчиларнинг юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиши жараёнидан – ғазначилик бўлинмалари томонидан; танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказишида «Давархитектқурилиш» томонидан; инвестиция лойиҳалари учун лойиҳаларни танлаб олишида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Жорий назорат: импорт шартномаларини тузишида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги томонидан; шартномаларни рўйхатдан ўтказишида ғазначилик органлари томонидан; танловни ташкил этишдан объектни ишга туширишгача бўлган муддатларда Давархитекқурилиш томонидан амалга оширилади.

Сўнгги назорат: Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси; Прокуратура; Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида баҳолар мониторингининг ташкил этилишида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Яъни бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олганидан сўнг, шартномани акцептлайди (имзолайди) ва ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

Юридик мажбурият вужудга келиши учун, шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Ғазначилиқда юридик мажбурият вужудга келишидан аввал, *дастилабки назоратни* амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу нархлар мониторинги орқали таъминланади.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар нархи) муқобил етказиб берувчилар баҳолари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом ашё биржалари, бозорлардан маълумтономалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш. оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидағи маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Битта шартнома бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам суммага товар етказиб берилиши бўйича шартномаларни тузиш, 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари»га асосан тартибга солинади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, айнан, ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса, бевосита импорт қилувчидан товарларни юқори баҳоларда харид қилишни олдини олади⁹.

Ҳозирги кунда молия органларида баҳолар мониторингини ташкил этишнинг хуқуқий асоси бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом», 2000 йил 5 августдаги 305-сонли «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори; 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида капитал қурилишда конкурс савдолари

⁹ ЎзР ВМининг 2000 йил 5 августдаги 305-сонли «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан.

тўғрисида»ги қарори (ва ушбу қарорнинг иловаси) ҳамда Молия вазирлигининг тегишли буйруқлари асос бўлиб ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Давлат харидини ташкил этишнинг марказлашган модели, марказлашмаган модел билан қандай фарқли томонларга эга?
2. Давлат харидини ташкилий элементлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистонда давлат харидини ташкилий шакллари қандай эканлигини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда давлат харидини режалаштириш қандай амалга оширилади?
5. Давлат инвестиция дастурига киритиладиган инвестиция лойиҳаларини танлаш босқичларини тушунтириб беринг.
6. Давлат бюджетининг чегараланганигини изоҳлаб беринг.
7. Давлат харидининг назорат тизими нималардан иборат?

II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ

Давлат заҳираларини шакллантириш, давлат эҳтиёжлари учун жорий ва капитал харажатларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, саноат, қурилиш соҳаларида давлат маблағлари ҳисобидан харидни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришнинг долзарблиги ортмоқда.

Мазкур параграфда капитал қурилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат харидини ташкил этиш механизмилари ўрганилган.

Капитал қурилиши соҳасида давлат хариди. Курилишга, техник қайта куроллантириш, реконструкция, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича пудрат савдоларини ўtkазиш учун тайёрланган ҳужжатларнинг таркибида мажбурий тартибда танлов ҳужжатларининг техник қисмини ишлаб чиқиш учун асос бўлган лойиҳа ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси давлат экспертизасининг ижобий хulosаси бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш мажбурий босқич бўлиб, унда тақдим этилган барча зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлақонлилиги, баҳолаш мезонлари ва ғолибни аниқлаш жиҳатлари регламентга ва танлов савдоларини ўтказиш тартиботларига риоя этилганлиги текшириб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Танлов ва бошқа танлов савдосининг ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдолари ўтказиш усули ва услублари қўлланишининг мақсадга мувофиқлиги ва

асосланганлигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади («Давархитектқурилиш»)¹⁰.

Экспертизага тақдим этиладиган ҳужжатлар. Буюртмачи экспертизадан ўтказиш учун танлов савдоси ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларни ва матбуотда нашр этиш учун тайёрланган эълоннинг тўла матнини тасдиқланган ҳолда кузатув хати билан тақдим этади.



4-чизма. Танлов хужжатлари классификацияси

Техник қисм – бу талабгорлар ўз танлов таклифларини қийматини ҳисоб-китоб қилиши учун зарур ва етарли бўлган харид қилинаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ва характеристикасини, ишларнинг бажарилиш (товар етказиб бериш, хизматлар) муддати, шунингдек, танлов савдолари бир босқичда амалга оширилганда танлов савдолари буюртмачиси ва ғолиб томон ўртасида тузиладиган шартномадан сўнгги ҳисоб-китобларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлардан иборат ҳужжатлар йиғма жилди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида" 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси худудида капитал қурилишда танлов савдолари тўгрисида низом".

Икки босқичли танлов савдоларини ўтказишда техник қисми биринчи босқичда талабгорлар танлов таклифларини тайёрлашлари учун зарур ва етарли бўлган танлов савдолари предметини таҳминий характеристикасини ифодаловчи ҳужжатлардан таркиб топади.

Зарурат туғилганда эксперт органи ўз ваколатига доир масалалар бўйича буюртмачидан кўриб чиқиладиган танлов ҳужжатлари бўйича қўшимча маълумот ёки ҳужжатларни сўраб олиш ҳукуқига эга.

Экспертизада текшириладиган ва таҳлил қилинадиган асосий масалалар қўйидагилардан иборат:

- танлов ҳужжатлари, шу жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларнинг тўла ҳажмда мавжудлиги;
- бир хил ном, ягона атама ва уларнинг ифода этилишидан фойдаланилганлиги;
- савдо иштирокчиларига қўйиладиган талабларга амал қилинганлиги (лицензия, етарли иш тажрибасининг борлиги, молиявий ҳолати, техника билан жиҳозланиши, савдонинг аниқ иншоотларига қараб бошқа малака талаблари);
- таклифларни техник ва молиявий баҳолашда мезонларни қўллашнинг холисоналиги ва уларнинг аҳамияти;
- танлов ҳужжатларини ишлаб чиқишида «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қуроллантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарори (9.01.2008й. 1757-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 27.11.2007й. 9-сонли) Низомининг ҳамда танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиши, ташкил этиши ва қурилишда танлов савдоларини ўтказиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги текширилади ва таҳлил қилинади;
- танлов ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қилиш.

Танлов хужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов савдоси хужжатларини тасдиқлаш учун ёки унинг камчиликларини бартараф этиш учун камчиликлари кўрсатилган ҳолда қайта ишлашга тавсия этувчи экспертиза хulosаси тузилади.

Хulosса эксперт органининг раҳбари томонидан тасдиқланади ва буюртмачига юборилади.

Экспертизанинг ижобий хulosаси матбуотда танлов савдоси тўғрисидаги эълонни чоп эттиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Танлов савдоси хужжатларини экспертизадан ўтказиш муддати ўн кундан ортиб кетмаслиги лозим.

Қайта экспертиза кўригидан ўтказиш муддати экспертиза хulosасида кўрсатилган хатолар ва камчиликлар бартараф этилгандан ва буюртмачи (ташкилотчи)нинг қайтадан мурожаат этганидан кейин беш кундан ошмайди.

Танлов савдоси хужжатларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш буюртмачи (инвестор) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов хужжатларини экспертизадан ўтказиш шартнома асосида амалга оширилади.

Экспертиза хulosасининг амал қилиш муддати танлов хужжатлари таркибига кирувчи техник қисм ва рухсат берувчи хужжатларнинг муддатлари ҳамда танлов савдолари иштирокчилари учун Йўриқномаларнинг (иловалар ва қўйилмалар мазмунини ўзгартиришга) амал қилиш муддати билан чегараланди.

Экспертиза хulosасининг амал қилиш муддати, танлов хужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар натижасида техник қисмининг таркиби ўзгармаса ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хукукий хужжатлари «Давархитектқурилиш» томонидан узайтирилиши мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хариð этиши бўйича расмий маълумотларнинг

чегараланганлиги, ушбу соҳани таҳлил этишда комплекс ёндошувни амалга оширишни қийинлаштиради.

Ҳозирги пайтда Республикада қўйидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харидининг обьектлари саналади: пахта хом ашёси, ғалла, шоли ва ипак пилласи этиштириш.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва марказий банкининг «Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ва бўнак тўловларни ташкил этиш тартибини тасдиқлаш хақида»ги қарори кучга кирди.

Мазкур қарор давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёсини этиштиришни узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш ва пахта тозалаш саноати бошқарувини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, Агробанк янги ҳосил учун бўнаклар бериш ва этиштирилган ҳосил учун ҳисоб-китобларни амалга оширади. Давлат эҳтиёжлари учун харид ҳисоб-китоблари Молия вазирлиги қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб фонди орқали амалга оширилади.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган қарорда пахта хом-ашёси учун бўнаклар ажратиш ва охирги ҳисоб-китоблар учун тўловларни фонд томонидан амалга ошириш механизми кўрсатиб ўтилган.

Траншлар ҳажми маблағларга бўлган йиллик талаб ҳисоб-китоблари прогнози орқали аниқланади. Экиладиган уруғлик чигитлар қиймати бўнаклар ҳисобидан қопланади. Фонд ўзининг «Контрактация ва пахта учун ҳисоб-китоблар Марказ»ларида худудий инспекторлари ва Агробанк ҳамкорлигига маблағларни мақсадли ишлатилишини мониторингини амалга оширади.

Пахта ҳамда ғалла сотиш ва сотиб олиш соҳасида ҳукумат назорати сақланиб қолган бўлсада, ҳукумат, кейинги йилларда ушбу маҳсулотларни давлат хариди баҳоларини сезиларли даражада оширди ва ушбу маҳсулотларни муқобил сотиш йўллари кенгайтирилди.

Республикада ҳар йили пахта йиғиш мавсуми олдидан пахта хом ашёсининг давлат сотиб олиш баҳолари белгиланади. 2001 йилгача ушбу баҳолар Молия вазирлиги томонидан, 2001 йилдан бошлаб эса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Пахта толасининг улгуржи баҳолари ҳар йили, одатда, август ойида Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш учун ҳар йили давлат томонидан йирик миқдордаги маблағлар ва ажратмалар (ассигнования) ажратилади. Фақатгина ўтган 2008 йилда қишлоқ хўжалигининг муҳим турларини етиштиришга бир триллионга яқин маблағ йўналтирилган. Жумладан, пахта ишлаб чиқаришга – 800 млрд., ғалла учун – 200 млрд. сўм йўналтирилган. 2009 йилда бу мақсадлар учун 1,2 трлн. сўм маблағлар ажратиш кўзда тутилган¹¹.

Пахта республика жами экспортининг ҳажмида 12 фоиз улушга эга ва мамлакат валюта тушумларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади¹².

Пахтани экспорт қилиш учун, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган маҳсус лицензия талаб этилади. Пахта сотишида «Узмарказимпекс», «Инновация», «Узпроммашимпекс» каби йирик давлат корхоналари фаол иштирок этадилар. Амалда, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзпахтасаноатсотиш ассоциацияси пахтани экспорт этишини мувофиқлаштиради, ишлаб чиқариш ва экспорт ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Одатда, пахта тўғридан-тўғри (нақд операциялар) орқали ёки квази-бартер битимлари орқали сотилади. Квази-бартер битимлари орқали сотишида, хорижий ҳамкорга пахтани натурал тўлов эвазига олишга рухсат этилади, аммо амалиётда бу икки хил банк операциялари шаклида расмийлаштириллади. Масалан, пахтани ғаллага бартер йўли билан алмаштиришда, уларнинг

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . – Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 56-б.

¹² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . – Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 56-б.

мос қийматлари пул кўринишда иккита алоҳида иккиёклама операциялар шаклида пул кўринишида ўтказилади. Яъни масалан, пахта сотиб оловчи ўзбекистонлик ҳамкорига пахта учун пул тўлайди ва иккинчи операция – ўзбекистонлик ҳамкори ғалла учун пулни хорижий ҳамкорга ўтказиб беради. 1995 йилдан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида пахта ва галлага давлат буюртмасининг ҳажмини доимий пасайтириб бориш, мамлакат экспорт потенциалини ошириш, мамлакат ичидаги пахта толасига бозор баҳоларни жаҳон нархларига яқинлаштириш, хусусий секторни уруғлик етиштириш ва янги технологияларни кўллашга жалб этиш йўналишларида ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларида ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегияга биноан ғалла етиштириш ҳукумат сиёсатининг марказига айланди. Ғалла мустақиллиги озиқ-овқат хавфсизлигининг кафолати сифатида қабул қилинади.

2008 йилда дон маҳсулотларининг давлат хариди 2531,4 минг тоннани, шу жумладан, ғалла 2401,1 минг тоннани ташкил этди (2007 йилда бу кўрсаткич мос равишда 2426,2 минг тонна ва 2385,7 минг тоннани ташкил этган).

Шуни таъкидлаш лозимки, ипак курти етиштириш ҳамда шоли ҳамон давлат буюртмаси ва баҳо белгилаш тизимининг предмети ҳисобланади. 2008 йилда 23450,8 тонна ипак курти (2007 йилга нисбатан 109,2%) ва 110,4 минг тонна шоли етиштирилган¹³.

Давлат харидини режалаштириш ва сотиб олиш тизими, қишлоқ хўжалигида пахта ҳамда ғаллани ишлаб чиқариш ва даромад олишни кўзлайди. Ушбу маҳсулотларни давлат харидини давлат монопол ташкилотлари: «Ўзпахтасаноат» ва «Ўздонмаҳсулот» амалга оширади.

Мавжуд давлат хариди тизимидағи айрим омиллар, харид тизимини фермерлар учун фойдасиз қилиб қўяди: фермерлар фақатгина тайёрлов режаларини бажаргандан сўнггина ортиқча

¹³ Интернет маълумотлари асосида: www.gov.uz.

етиштирилган маҳсулотларни шартнома баҳоларда сотишга рухсат оладилар, ва амалда, кўпчилик фермерлар етиштирган барча ҳосилни давлат харид баҳоларида сотадилар.

Дон маҳсулотларининг қарийб ярми давлат харид баҳоларида сотилади, қолган қисми (қанча ҳажмда бўлиши ҳосил йигими яқинлашганда ўрнатилади) ўрнатилган шартнома баҳоларда (одатда давлат харид баҳоларидан 20% юқори) сотилади. Ҳосилнинг қолган қисми фермерлар ихтиёрида қолдирилади. Қайта кўриб чиқиладиган алмашув курслари мавжудлиги сабабли, жаҳон баҳолари ва маҳсулот сотиш баҳолари ўртасида сезиларли фарқ юзага келади.

Ўзбекистонда давлат харидининг предмети бўлган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда шоли етиштириш ва уни давлатга сотишнинг улуши барқарор равишда пасайтирилаётганлигини кузатиш мумкин.

Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозорида, пахта ва ғаллага харид квоталари тизими орқали таъсир этади (ушбу икки турдаги маҳсулот сотишнинг 50-80 % ҳажми давлат ҳиссасига тўғри келади). Харид жараёни максимал даражада марказлашган. Хариднинг режаси ва бажарилиш жадвали Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилади ва унинг доимий мониторинги амалга оширилади. Ҳар бир вилоят ва туманга хариднинг маълум квоталари ўрнатилади.

Қишлоқ хўжалик секторида ишлаб чиқарувчиларга бўнак тўловлари ажратиш ва товар кўринишдаги кредитлар бериш орқали, улар келажакдаги ҳосилни, давлат томонидан белгиланадиган баҳоларда сотишга рағбатлантирилади.

Харид квоталари, бўнак тўловлари, товар кредитлари ва экспортни тартибга солиш каби воситалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни маҳсулотларни давлатга тартибга соловчи баҳолар асосида сотишларини рағбатлантиради.

Давлат харидини амалга оширишнинг шаффоғлигини таъминлашда ва давлат маблағларидан манзилли фойдала-

нишни ташкил этишда, давлат ташкилотларининг мажбуриятларини рўйхатдан ўтқазиш муҳим жараёни ҳисобланади.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимиning жорий этилиши билан, дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ олувчилар билан биргаликда ғазначилик органларига ҳам юклатилади.

Бюджет маблағлари олувчиларининг мажбуриятларини ҳисобга олиш орқали, ғазначилик тизими, бюджет маблағларини мақсадли ва оқилона фойдаланиши устидан жорий молиявий назоратни амалга оширадилар.


Давлат харидини амалга ошириш бўйича хўжалик шартномаларини тузиш, уни амалга ошириш, ўзгартиришлар киритиш ва шартномани бекор этиш каби муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси(4-параграф), Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа хужжатлар асосида амалга оширилади.

Шартнома муносабатларида «мажбурият» тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. *Мажбурият* – бу одатда, ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хуқуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади.

Мажбурият, хуқуқий-меъёрий хужжатларга асосан, уни қабул қилиш хуқуқига эга бўлган шахс томонидан қабул қилинади.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимида уч асосий омил мавжуд (5-чизма). Бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган бошқа масъул шахслар, мажбуриятларни қабул қилиш хуқуқига эга бўладилар.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимидағи омиллар



5-чизма. Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимидағи омиллар¹⁴

Юридик мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг имзоланган шартномалар ва тегишли ҳукумат органининг қарори натижасида иккинчи шахс олдида юзага келадиган мажбуриятидир¹⁵.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишни асосий мақсади бюджет назоратининг самарадорлигини янада ошириш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йўл қўймасликдир.

Молиявий мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи, шунингдек, иш ҳаки бўйича ишчилардан қарздорлик (ҳисоб-китоб ҳужжатларидан ҳисобланган), суд қарорига асосан бюджет

¹⁴ Фукаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни асосида тадкиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ 2007 йил 5 декабрда 1746-сонли рўйхатдан ўтган, «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худуний бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобварақларини юритиш қоидалари». Молия вазирлигининг 2007 йил 17 октябрдаги 93-сонли буйругига илова.

тўловларидан қарздорлик ва бюджет ташкилотни маҳсулот етказиб берувчиларга ва тўловни олувчиларга пул ўтказишига мажбуровчи бошқа хужжатлар асосида юзага келади¹⁶ (6-чизма).

Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли хужжатлар билан тасдиқланиши талаб этилади. Масалан, ҳисобварак-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи қайдномалари ва бошқа шу каби хужжатлар. Мазкур хужжатлар тегишли ваколатга эга бўлган масъул шахслар томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши шарт. Томонлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи томон эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув *хўжалик шартномаси* дейилади.



6-чизма. Юридик ва молиявий мажбуриятлар

¹⁶ Юқоридаги манба.

1998 йил 29 августдаги 670-І-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни бу жараённи тартибга солувчи энг асосий қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида томонлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи томон уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиб олиш учун бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришнинг уч босқичли тизими

Офертани (таклифни) қабул қилиб олиш

Шартномани акцептлаш (имзолаш)

Шартномани ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказиш

7-чизма. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишини бошқариш¹⁷

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хуносасидан кейингина тузилади¹⁸.

Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб берувчилар билан, шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш буюртмалари бўйича шартномалари, ғазначилик

¹⁷ 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг газна ижроси коидалари» асосида тузилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Конуннинг 21-моддаси.

бўлинмаларидан рўйхатдан ўтишлари шарт ва шундан сўнггина, ушбу шартномалар кучга киради.

Бюджет ташкилотлари, шартномалар тузишда, амалдаги қонунчилик талабига кўра энг камида олдиндан 15 фоиз тўлов амалга оширилишини таъминланишига алоҳида эътибор қаратишлари талаб қилинади, агар қонунчиликда йўл қўйилган ҳолатлар бундан мустасно¹⁹.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонунинг мувофиқ, пеня ва жарималар тўлайдилар. Жаримани тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

Бюджет маблағлари олувчиларга товар (хизмат, иш)лар етказиб бериш бўйича тузиладиган шартномалар, 2009 йил 16 сентябрида 2007-сон билан рўйхатга олинган, Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидаларида кўзда тутилган тартибга асосан ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмиталари корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва ҳарбий қисмлари бюджет харажатларининг, шу жумладан, маҳфий харажатларнинг ғазна ижроси, шунингдек, республика ва худудий ғазна

¹⁹ ЎзР Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПП-594-сонли «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Карорининг 6-пункти.

ҳисобваракларни ишлатган ҳолда махфий тусга эга бўлган бюджет харажатларининг ижроси, 2009 йил 16 апрелда рўйхатга олинган 1941-сонли «Мудофаа мажмуи ва хукукни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақида низом» билан тартибга солинади.

Капитал қўйилмаларга харажатлар аралаш манбалар ҳисобидан, мисол учун, инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва Халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар)нинг кредитлари, қарзлари ва грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда, шартномалар, иш бажарилганини тасдиқловчи бирламчи ва бошқа ҳужжатлар халқаро шартномалар талаблари ва шаклларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, капитал қурилиш буюртмачилари ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун шартномаларнинг иккита асл ва бир кўчирма нусхасини тақдим қиласди, ғазначилик бўлинмалари уларни ўрнатилган тартибда текширгандан сўнг, уларни ғазначилик бўлинмасининг (биринчи ва иккинчи) имзо қўйиш хукуқига эга бўлган тегишли шахслари (кейинги ўринларда – мансабдор шахслар) имзоси қўйилган ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланган шартномалар нусхаларининг барча варақларига "Рўйхатга олинган" штампини қўйиш йўли билан рўйхатга олади.

Бошқа харажатларни амалга оширилишида ҳам бюджет ташкилоти томонидан тежамлилик, оқилоналий тамойилларига амал қилишни талаб этади.

Ғазначилик органларида пул маблағларини самарали бошқариш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш учун *харажатларни амалга ошириш рухсати* (ХАОР) жорий этилади. Бунда ҳар ҳафтада пул маблағларини бошқариш бўлинмаси касса режасини янгилайди ва ХАОР ҳажмини белгилайди. Кейин бюджет таснифига мувофиқ бюджет

ташкilotларига ХАОР берилади²⁰. ХАОРлар муайян муддатта ёзилади ва шу муддат ўтгандан сўнг улар ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкilotларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1999 й. N 9, 51-модда) мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гурухи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган:

I. Иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оиласарга нафақалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар (озик-овқат, дори-дармон, майший хизматлар ва бошқа харажатлар).

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари учун тўловлар, Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари(2007-сонли)да кўзда тутилган тартиб асосида амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан пул маблағларини ўtkазиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари, шартнома, ҳисобварак-фактура, аванс микдори ва бошқа керакли реквизитлар тўғри кўрсатилганда;

- курилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли обьектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобваракларидағи мавжуд ажратилган бюджет маблағлари суммалари доирасида бўлганда;

- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага асосан, оддин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаганди;

²⁰ ХАОР лар харажатларнинг устувор йўналишлари, масалан, дори-дармон воситаларини харид килиш ва бошқа шу кабилар учун маҳсус чиқарилади.

- буюртмачининг пудратчи олдиаги кредиторлик қарзининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактура ва ҳужжатлар, ёки буюртмачининг пудратчига аванс тўловларини ўtkазиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;
- тўлов топшириқномасида кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганда.

Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Капитал қурилиш соҳасида давлат хариди қандай амалга оширилади?
2. Қишлоқ хўжалик соҳасида давлат харидини амалга оширишдан кўзланган мақсад нимада?
3. Қишлоқ хўжалигига давлат харидини амалга ошириш механизми қандай?
4. Юридик ва молиявий мажбуриятлар нима эканлигини тушунтириб беринг.
5. Давлат бюджетидан гурӯхлар бўйича харажатларни амалга оширишни изоҳлаб беринг.
6. Капитал куйилмаларга харажатларни амалга ошириш манбалари қандай?

2.2. ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХАРИДНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАҲОЛАР МОНИТОРИНГИ

Тендер савдолари – дунё амалиётида товарлар, ишлар ва хизматларни харид этишнинг асосий инструменти сифатида қаралади. Савдоларни ташкил этишнинг тартиби ва шартлари

умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва қоидалар билан тартибга солиниб турилади. Ушбу қоидалар йирик халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, донорлик агентликлари томонидан харид этиш жараёнларида яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, тендерлар орқали товарлар ва хизматларни харид этиш усуллари ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги, соҳа меъёрлари ва бошқа мажбурий, тавсия этиладиган хужжатлар билан белгилаб берилади.


Тендер савдосидан кўзланган асосий мақсад, товарлар ва хизматларни паст баҳоларда ва оптимал сифат кўрсаткичлари асосида сотиб олишдан иборат. Бундан кўриниб турибдики, тендер савдоларида ғолибни аниқловчи асосий омил – номзод тақдим этган таклифда сифат ва баҳо кўрсаткичнинг нисбати хисобланади. Аммо ушбу икки кўрсаткичнинг нисбати савдо предметидан (товарлар ёки хизматлар) ва айрим олинган савдоларни ўтказишда ишлатиладиган тендер хужжатлари йўриқномаларидан келиб чиқиб, турлича бўлиши мумкин. Тендер савдоларининг, ёки ўзбек тилидаги нашрларда учрайдиган «танлов» асосида ташкил этиладиган савдоларнинг бир-нечта турлари мавжуд (куйидаги 8-чизма).

Савдолар иштирокчиларга кўра (очик, ёпиқ ва бошқалар), иштирок этишга рухсат берилишига кўра (квалификацион танлов асосида ёки ушбусиз), географик белгиларига кўра (халқаро, миллий, маҳаллий), танлаб олиш жараёнига кўра (оддий, соддалаштирилган) ва бошқалар. Шунингдек, савдоларнинг классификациясининг яна бир тури бу – унинг предметига қараб, масалан, товарлар етказиб бериш учун, бажариладиган ишлар ва хизматлар кўрсатиш учун каби турларга бўлинади. Мазкур классификация куйидагиларни назарда тутади:

Товарлар етказиб бериш учун савдолар – давлат ва хусусий сектор учун саноат ва бошқа товар маҳсулотларини харид этишда ишлатилади. Савдонинг предмети бўлиб, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиши, тайёрлаш, етказиб бериш, монтаж ва уни ишга тушириш, шунингдек, етказиб берилган товарларни кейинги эксплуатацияси билан боғлиқ қўшимча

вазифалар, масалан, техник хизмат күрсатиш, ремонт, персонални ўқитиш ва сотувдан кейинги харажатлар. Бунда, савдо иштирокчилари – буюртмачи ва мол етказиб берувчидан иборат.

Бажариладиган ишлар учун савдолар – пудрат савдолари сифатида маълум бўлиб, қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда пудратчиларни ёллаш ҳамда керакли хизматларни бажариш, масалан, кафолат муддати давомида объектни таъмиirlаб бориш, персонални эксплуатация хизматларига ўқитиш ва бошқалардан иборат. Савдо иштирокчилари – буюртмачи ва пудратчилардан иборат.



8-чизма. Танлов асосида ташкил этиладиган савдо турлари

Хизматлар кўрсатиш учун савдолар – техник-иктисодий, экологик ва турли экспертиза, лойиҳа ишлари, қурилиш

лойиҳалари, ишларни сифатини назорат этиш, маълум тадқиқотларни амалга ошириш кабилар учун инженер, юридик, молия-иктисодий ва бошқа хизматларга йўналтирилган бўлади. Савдо иштирокчилари – буюртмачи ва маслаҳатчилардан иборат. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, савдолар турли хил тусга эга. Санаб ўтилган савдолар учун, дунё амалиётида ўзига хос тендер ва шартнома хужжатлари мавжуд бўлиб, унинг таркиби ва маъноси, йирик халқаро молия ташкилотлари (Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа ҳамжамияти комиссияси, Осиё тараққиёт банки ва ҳоказолар) томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар, ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги, меъёрий ва услубий кўрсатмалари билан мувофиқлашган.

Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом (21.11.2000й., 456-сонли қарор билан тасдиқланган) давлат бюджети, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фонdlари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки грухи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, "KfW" банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса, ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби кўлланилмайди.

Тендерларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – бу, давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли фонд маблағлари фойдаланиш самарадорлигини орттириш ва сотиб олинаётган хом ашёлар, материалларнинг сифат даражасини оширишдан иборат.

Ўтказиш усулларига кўра тендерлар очик ёки ёпик бўлиши мумкин.

Тендер тури буюртмачи томонидан белгиланади

Очиқ тендерларда, мулкчилик шакиларидан қатъи назар, барча юридик шахслар қатнашиши мумкин

Ёпик тендерлар истисно ҳолларда ВМнинг тегишли комплекслари билан келишган Ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштироқида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади

9-чизма. Тендерларнинг ташкилий шакллари²¹

Тендер савдолари харидларнинг фақат манбаларнинг мавжудлиги ва маблағ билан таъминлаш микдорлари тўғрисида тасдиқномалар (молия органлари ёки бюджетдан ташқари жамғармаларни тасарруф этувчиларнинг билдириш хати, хорижий кредиторлар билан ҳуқумат кафолати остида имзоланган кредит шартномалари, хорижий грантлар бериш тўғрисидаги билдириш хати ва бошқалар) мавжуд бўлган ҳажми бўйича эълон қилиниши мумкин. Тендерлар тендерларни ўтказишнинг доимий, ёки вақтинчалик органи бўлган тендер комиссияси томонидан ўтказилади.

²¹ ЎзР Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи кисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом»га асосан.

Тендер комиссияси товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг миқдордан ошмайдиган битта шартнома бўйича амалга оширилганда харид қилувчи ташкилот («буюртмачи» деб аталади) томонидан тузилади. Товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг миқдордан ошадиган битта шартнома бўйича амалга оширилган тақдирда тендер комиссияси буюртмачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда тузилади.

Тармоқ вазирликлари ва идоралари рози бўлган тақдирда уларнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарорига илова қилинган «Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида»ги низоми талабларига риоя қилган ҳолда, тендер ўтказиш бўйича буюртмачилар бўлиши мумкин.

Тендер комиссияси аъзолари сони тоқ (одатда камида тўққиз, ўн бир киши), шу жумладан, унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

- буюртмачининг вакиллари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакиллари (зарур бўлганда);
- хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва мустақил эксперт ташкилоти вакиллари;
- буюртмачининг юқори ташкилотлари, вазирликлари, идоралари вакиллари;
- тендер савдолари хорижий товар етказиб берувчиларни жалб этган ҳолда ташкил қилинган тақдирда, транспорт-экспедиторлик компаниялари вакиллари.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, буюртмачининг ёки унга қарашли корхоналар ва ташкилотлар вакиллари сони тендер комиссияси таркибининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Тендер комиссияси аъзоларининг тайинланиши юзасидан буюртмачи жавоб беради.

Тендер комиссиясининг ишчи органи тендерларни ўтказишни (товар етказиб берувчиларни олдиндан малакали танлаш, тушадиган таклифларни эксперт баҳолаш, бинолар ва ёрдамчи ходимлар бериш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер комиссияси хужжатларини ва шу кабиларни амалга оширишни) амалда ташкил этувчи асосий орган ҳисобланади.

Буюртмачининг танлови бўйича шартнома асосида ихтинослашган ташкилот ёки буюртмачининг ўзи ишчи орган бўлиши мумкин, у зарур бўлганда шартнома асосида бошқа ташкилотлар мутахассисларини ҳам жалб этиши мумкин.

Товар етказиб бериш қиймати 1,0 млн АҚШ долларига тенг микдордан ошадиган битта шартнома бўйича амалга оширилганда ишчи орган буюртмачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда белгиланади.

Ишчи орган ихтинослашган ташкилотнинг, шунингдек, бошқа ташкилотлар мутахассисларининг ҳуқук ва вазифалари доираси шартномаларда белгиланади.

Давлат харидини ташкил этишда буюртмачи ва ишчи органнинг функцияларига эътибор берадиган бўлсак, тендерларни ўтказишда буюртмачи:


- тендерларни ўтказиш, уларнинг ўтказилиш санаси тўғрисида қарор қабул қиласи, сотиб олинадиган товарларнинг энг юқори баҳосини белгилайди ва расмий фармойиш чиқаради;
- ишчи орган фаолиятини назорат қилиб боради ва тендер комиссияси ишида қатнашади;
- тендер хужжатларини тайёрлаш шартларини белгилайди;
- тендерларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харатларни амалга оширади;
- тендер ғолиби билан шартнома тузади.

Ишчи орган буюртмачи билан келишган ҳолда:

- савдо ва уни расмийлаштириш тартибини белгилайди;
- тендер хужжатларини ишлаб чиқишини ташкил этади;
- оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки таклифномалар жўнатишни ташкил этади;

- жалб этиладиган экспертлар ва маслаҳатчилар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- даъвогарларни тендер хужжатлари билан таниширади;
- аризаларни қабул қиласи, уларнинг ҳисобга олиб борилишини, сакланишини ва маҳфийлигини таъминлайди.

Тендерларни ташкил этишининг асосий тамойиллари ошкоралик, қарорларни қабул қилишнинг объективлиги, тендер қатнашчиларига тенг шароит яратиш, шу билан бирга маҳаллий корхоналарга устуворлик бериш бўлиб ҳисобланади (куйидаги 10-чизма).



10-чизма. Тендерларни ташкил этиш тамойиллари²²

Давлат харидини амалга ошириш бўйича шартномаларни тузиш ва ижро этиши - икки босқичда амалга оширилади:

- шартномани тузиш;
- шартнома ижросининг сифати ва муддатларини баҳолаш.

Шартномани тузиш:

- тўғридан-тўғри шартномалар – иштирокчилар томонидан келишилган шартлар асосида тузилади;

²² ЎзР Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом» асосида ишлаб чиқилган.

- ярмарка ва биржа савдолари – ярмарка ва биржа савдоларининг ўрнатилган тартиблари асосида амалга оширилади (шартномани тузиш савдо ўтгандан кейинги 5 кун муддат ичидаги оширилади);

- очиқ ва ёпиқ танловлар – харидни айрим олинган турларини амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик актлари орқали амалга оширилади. Шартномаларни тузиш муддати ҳамма ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмаган. Фуқаролик кодексига мувофиқ шартномаларни имзолаш муддати 30 календар кундан ортмаслиги керак.

Тендер савдоларини бошқаришда баҳолар мониторингини амалга ошириш тартиби, қуйидаги соҳалар мисолида кўриб чиқилади:

- бюджет маблағлари олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш жараёнида;
- буюртмачилар томонидан капитал қурилиш (реконструкция ва таъмирлаш) бўйича харажатларни амалга ошириш жараёнида.

Бунда газначиликнинг худудий бўлинмалари томонидан, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоларининг мониторингини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг демонополизация, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш Давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Антимонополия қўмитаси) томонидан тақдим этиладиган, республика худудлари бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача ойлик баҳолари тўғрисидаги маълумотлари асосида амалга оширилади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Антимонополия қўмитаси томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган баҳолардан ортиқ бўлган баҳоларда тузилган шартномалар газначиликнинг худудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди. Антимонополия қўмитаси томонидан маълум худуд бўйича(туман, шаҳар), маълум вақт оралиғида тақдим этилган озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича баҳолар (xxxx) жадвалини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин:

Маҳсулот номи ²³	Баҳоси (сўм)
Ун	xxxx
Ўсимлик ёғи	xxxx
Сариёғ	xxxx
Нон	xxxx
Картошка	xxxx
Пиёз	xxxx
Сабзи	xxxx
Гуруч	xxxx
Гўшт	xxxx

Ушбу юқорида белгиланган ўртача баҳоларни ҳисобга олинган ҳолда, туман ғазначилик бўлинмасида ҳисоб ишлари олиб борилади. Яъни шартномалар ўртача баҳолар асосида тузилиб, ҳисобварак-фактуралар ҳам ушбу баҳолар доирасида қабул қилинади. Мазкур 9 хил озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари барча бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга эса, ҳудудий бозор ўртача баҳолари орқали белгиланади.

Баҳолар мониторингининг аҳамияти дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат қилинишини назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар сарфланишини назорат қилишилий юқори самара беришидан далолатдир.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид этиладиган бошқа турдаги маҳсулотлар баҳоларининг назорати 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари»га биноан ҳамда бошқа манбалардан

²³ Ушбу маҳсулотлар сони харид баҳолари назорат этиш учун янгидан киритиладиган маҳсулотлар ҳисобига ортиши (камайиши) мумкин.

олинган ўртача бозор баҳолари²⁴ билан солишириш орқали амалга оширилади.

Баҳолар мониторингини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – бу, асосланмаган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг юзага келишини олдини олиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни (тасдиқланган сметалар асосида, бюджет классификацияси моддаларига мос равиша) таъминлашдан иборат.

Маҳсулотлар(хизматлар, ишлар)ни харид этиш бўйича шартномалар тендер ёки конкурс (танлов) савдолари орқали амалга оширилади ва бундан кўзланган асосий мақсад оптимал баҳолардан сифатли маҳсулотларни харид этишдан иборатdir. Баҳолар оптималлиги ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш, амалга ошириладиган хариднинг юқори самарасини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасида баҳолар мониторинги тизимидағи мавжуд муаммолар сифатида куйидагилар аниқланди:

- товарлар ва хизматлар баҳоси тўғрисида тизимлашган тарзда ахборот олишнинг етишмаслиги (айниқса республика ҳудудлари бўйича);
- мавжуд баҳолар мониторинги товарларнинг ассортименти (сифати, техник ва бошқа муҳим тавсифлари)ни ҳисобга олмайди;
- баҳолар мониторингини амалга оширишда транспорт харажатларини ҳисобга олишни тартибга солувчи механизм етишмайди;
- айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича Антимонополия қўмитаси томонидан тақдим этилган баҳолар, жойларда ўрнатиладиган баҳолар билан кескин фарқланади.

Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишда баҳолар мониторинги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодстат вазирлиги ва «Давархи-

²⁴ Амалиётда турли хилдаги маҳсулотларнинг ўртача баҳоси ихтисослаштирилган ахборот манбалари (реклама журналлари, газета ва бошқалар), шунингдек, масъулиятли манбалар (маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодиёт бўлинмаларининг маълумотлари, ўхшаш маҳсулотларнинг бозор баҳолари ҳакидаги маҳаллий бозорлар маъмурияти томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ва бошқалар) асосида аниқланади.

тектқурилиш» қарори билан тасдиқланган «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва хукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори баҳоларини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низоми билан тартибга солинади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачилар ва, пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва хукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартибини назарда тутади (бундан кейин бинокорлик материаллари). Низом қурилиши тендер савдоларисиз ўтадиган ҳамда давлат бюджети маблағлари ва хукумат кафолатлари остидаги кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган ўтувчи объектлар бўйича барча буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан кўлланилиши керак. Бинокорлик материалларининг энг юқори нархи Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон Қарорига мувофиқ, ишлаб чиқарган корхонанинг улгуржи сотиш нархи (ёки импорт маҳсулотининг харид қиймати)дан келиб чиқиб, транспорт харажатларини ҳамда уларга нисбатан кўлланиладиган энг юқори тайёрлаш-омбор ва воситачилик устамаларини ҳисобга олган ҳолда, воситачилар сонидан қатъи назар, 20 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда шакл-лантирилади. Импорт маҳсулотининг харид қиймати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан келишилган Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартибининг (3.06.2000 йил, рўйхатга олиш рақами 931) 3.9-бандига мувофиқ белгиланади.

Бинокорлик материалларига ҳисоб-китоб хужжатлари (юкхатлар, ҳисобварап-фактуралар ва бошқалар)ни расмийлаштираётганда воситачилар қуйидаги қўшимча маълумотларни кўрсатишлари шарт:

- транспорт харажатларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарган корхонанинг улгуржи сотиш нархи ёки импорт маҳсулотининг харид қиймати;
- республикада тайёрланган бинокорлик материалларини ишлаб чиқарадиган корхона ёки импорт маҳсулотларини божхонадан ўтказиш пунктининг номи;
- республикада тайёрланган бинокорлик материалларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг уларни чиқариш санаси ёки импорт маҳсулотини божхонадан ўтказиш санаси;
- қўлланиладиган савдо устамаси (қўшимча ҳақ) миқдори.

Воситачи томонидан республика худудидаги бошқа воситачилардан бинокорлик материаллари харид қилинганида, уларнинг номи ва савдо устамаси (қўшимча ҳақ) кўрсатилади.

Ишлаб чиқарган заводнинг улгуржи сотиш нархи ошган ва буюртмачилар ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан воситачиларга бўнак тўловлари амалга оширилмаган бўлса, уларни сотиш чоғида бинокорлик материалларининг энг юқори нархи воситачилар томонидан уларни ишлаб чиқарган заводнинг улгуржи сотиш нархи даражасига етказилиши мумкин. Мазкур Низомга риоя этилмагандан, бунинг учун жавобгарлик қонунда белгиланган тартибда буюртмачилар ва пудратчиларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юкланди. Истиқболда, баҳолар мониторингини амалга ошириш сифатини яхшилаш мақсадида, Ғазначиликнинг дастурлар комплекси билан товарлар ва хизматлар бўйича маълумотлар тўпловчи ваколатли ташкилотларнинг (идора, агентлик) ахборот базалари ҳамда товарлар ва хизматлар баҳоси тўғрисида маълумотларга эга масъул ташкилотлар ахбортлар (биржалар, электрон ахбортлар) базасини интеграциялаш имкониялари кўриб чиқилмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Тендер савдосидан кўзланган мақсад нимада?
2. Тендерларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ўзбекистонда тендерлар ташкил этишни тартибига солиш қайси меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади?
4. Ўзбекистонда тендерларни ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
5. Давлат харидини амалга ошириш бўйича шартномаларни тузиш ва ижро этиш босқичларини тушунтириб беринг.
6. Тендер савдоларини амалга оширишда баҳолар қандай мониторинг қилинади?

2.3. ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҒОЛИБНИ АНИҚЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Тендер савдоларида ғолибни аниқлаш икки хил усул билан амалга оширилади – *баҳо асосида танлаш* (инглизчада, cost based selection - CBS) ва *сифат асосида танлаш* (инглизчада, quality based selection - QBS). Савдо натижаларини умумлаштиаркан, тендер ташкилотчилари, ушбу икки усулни биргаликда қўллаш орқали хулоса чиқарадилар. Бунда товарлар етказиб бериш таклифни баҳолашда баҳо ва сифат омилларининг нисбати, хизматлар кўрсатишдаги ушбу омиллар нисбатини баҳолашдан тубдан фарқ қиласи.

Савдо предметининг турличалигидан, баҳо ва сифат омилларини турли нисбатларидан фойдаланувчи баҳолаш усуллари мос равишда ишлатилади.

Тендер савдолари тарихида, фақатгина, энг паст сўралган баҳоларга асосланиб, ғолибни аниқлаш даврлари ҳам юз берган. Ушбу танлов усули жудда оддий ва самарали бўлган. Аммо буюртмачилар энг паст баҳолар бу талаб этиладиган сифат эмаслигини тезда тушуниб етганлар ва фақатгина, савдода иштирок этаётган мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва маслаҳатчилар буюртмачига ўзларининг юқори сифат кўрсаткичлари билан олдиндан маълум бўлган ҳолатгина

бундан мустасно. Шу сабабдан, тендер савдоларининг ривожланиб бориши билан, буюртмачилар танлов ҳужжатларида сифат кўрсаткичлари бўйича қатор талабларни кўйишга мажбур бўлдилар ва ушбу кўрсаткичлар кўпчилик ҳолатларда танловнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

Халқаро молия ташқилотларининг йўриқномалари ва товар ҳамда хизматларни харид қилиш бўйича намунавий ҳужжатларида, йирик харидлар учун тендерларни амалга оширишда баҳо омили билан бир қаторда сифат омилларига ҳам катта эътибор бериш талаб этилади.

Миқдорий ифодалаш мумкин бўлмайдиган харид турлари учун танловларда сифат омилининг нисбати анча юқоридир. Бошқача қилиб айтиладиган бўлса, харид предметини қанчалик аниқ ва тўлиқ ифодалаш мумкин бўлса, бундай ҳолатларда баҳо омилининг нисбати сифат омилига қараганда юқори бўлади. Тендер таклифларини баҳолаш амалиётида баҳо ва сифат нисбат қуидагича ифодаланади, масалан, 70:30, 80:20 ва ҳоказо. Айрим олинган савдо турлари учун бундай нисбат буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларида олдиндан белгилаб кўйилади ва натижаларни баҳолашда мажбурий мезон ҳисобланади. Ўз навбатида, савдо натижаларини баҳолашда бошқа баҳоловчилар дунё амалиётида қўлланилиб келинган тажрибаларга асосланган нисбатларни акс эттирувчи ўз услубиётларидан фойдаланадилар.

Товарлар ҳам миқдорий ҳам сифат кўрсаткичларини ифодалаш осон бўлган харид предмети ҳисобланади. Товарлар сотиб олиш учун тузилган тендер ҳужжатлари «Техник кўрсаткичлар» номли ҳужжатни ўз ичига олиб, унда сотиб олиниши мўлжаланаётган товарнинг барча кўрсаткичлари, унинг тўлиқ тавсифномаси, сифат параметрлари кўрсатилади. Талабгорлар учун йўриқномада товарни етказиб бериш усууллари ва товар билан боғлиқ зарурий хизматлар бўйича талаблар тўлиқ кўрсатилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, бу турдаги савдолар харидни қандай бўлиши зарурлигини тўликроқ акс эттиради ва унда ўзгарувчан ва номаълум ўлчовлардан нисбатан камроқ фойдаланилади. Мазкур ҳолат,

бир қарашда, сифат омилини алоҳида инобатга олишга зарурат йўқ, фақатгина баҳо омили бирламчи деган хulosани беради ва бу, кўпчилик ҳолларда, қайсиdir кўринишда тендер хужжатларида ўз аксини топади.

Шундай бўлса-да, Жаҳон банкининг «Жаҳон тикланиш ва тараққиёти банкининг (ЖТТБ) қарзлари ва Жаҳон ривожланиш ассоциацияси (ЖРА) кредитлари ҳисобига харид» йўриқномасининг 2.48 пунктида шундай кўрсатадики: «....шартнома энг паст баҳони таклиф этган иштирокчига тақдим этилади». Йўриқноманинг кейинги 2.51 пунктида: «....баҳодан ташқари бошқа омиллар ҳам аниқ кўрсатилиши шарт....ва таклифни энг паст баҳоларда эканлигини аниқлаш мақсадида, уларни (омилларни) ҳисобга олиш тартиби. Товарлар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш таклифларини кўриб чиқиша қуидагиларга эътибор бериш лозим... объектгача бўлган масофада ички ташиш харажатлари миқдори ва суғурта қилиш харажатлари... фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар миқдори, қуввати ва бошқа ускуналарга мос келиши, эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги ва техник хизмат кўрсатиш имкониятлари..., шунингдек, персонални ўқитиш, техник хавфсизлик ва атроф-муҳитга таъсири бирламчи даражада эътибор берилиши лозим».

Худди шундай кўрсатмалар Жаҳон банкининг намунавий тендер хужжатларида ҳам ўз ифодасини топган (WB Standard Bidding Documents). Ушбу хужжатнинг 26.4-пунктида «буюртмачи томонидан талабгорнинг хужжатларини баҳолашда, баҳога қўшимча тарзда.... қуидаги омилларнинг бири ёки бир-нечтаси инобатга олиниши шарт...: а) буюртмачининг мамлакатида товарни етказиб бериш билан боғлиқ ички транспорт, суғурта ва бошқа харажатлар..., б) етказиб бериш муддатлари..., в) тўловни амалга оширишда жадвалдан четга чиқиши..., г) компонентлар, зарурий эҳтиёт қисмлар ва хизмат кўрсатиш қиймати, д) буюртмачининг мамлакатида эҳтиёт қисмлар ва у сотишдан сўнгги хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги..., е) эксплуатация ва хизмат кўрсатиш учун кўзда тутилаётган харажатлар миқдори..., ж) асбоб-ускунанинг

ишончлилик даражаси ва қуввати...ва бошқа ўзига хос омиллар...».

Юқорида келтирилган иккала йўриқнома ҳам, агар буюртмачи учун муҳим бўлса, товарлар етказиб беришда нафақат баҳо, балки сифат омилларини ҳам инобатга олиш зарурлигини таъкидламоқда.

Товарларни етказиб беришда сифат омилларини ҳисобга олиш Жаҳон банки йўриқномасининг 2.51-пунктида «баҳолаш қийматининг энг паст миқдорини аниқлашда, баҳолаб бўлмайдиган омилларни иложи борича пул кўринишида ёки ялпи миқдор кўринишида аниқланади...». Энг паст баҳоларни аниқлашда, баҳоловчилар, талабгор мол етказиб берувчининг баҳоларига маълум суммаларни қўшиб ҳисоблайдилар (ўртacha ийллик эксплуатация харажатларини қўшиб ҳисоблаш мумкин), ёки пул кўринишида ифодалаб бўлмайдиган омилларни инобатга олиш учун тузатиш коэффициентларидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар харидини амалга оширишда тендер савдоларида ғолибни баҳолаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарорига илова қилинган «Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида низом»га асосан амалга оширилади. Халқаро амалиётда кузатилганидек, товарлар етказиб бериш учун тузиладиган тендерларда баҳо аниқловчи тусга эга эканлигини кузатиш мумкин: «...таклиф этилган нархларнинг ўртacha жаҳон ва консалтинг фирмаси ёки Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертиза қилиш республика маркази ёки Ташқи иқтисодий алокалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хulosалари бўйича бозор конъюнктурасида юзага келган нархларга мослигига асосан амалга оширилади» (юқорида қайд этилган Низомнинг 10-моддаси).

Аммо баҳо танловнинг ягона омили эмаслиги ва албатта, сифат кўрсаткичлари ҳам инобатга олинишига эътиборни қаратиш лозим, «...тақдим этилган тендер таклифларининг кўшимча техник, ташкилий ва тижорий устунликлари ҳамда тендер қатнашчисининг обрў-эътибори ҳам эътиборга олиниши мумкин».

Алоҳида эътиборли хусусият шундаки, республикада тендер савдолари бўйича талабгорлар таклифини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга баҳо имтиёzlари тақдим этилган: «...агар тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари иштирок этса, бу корхоналарга товарлар ва хизматлар давлат хариди... тендер савдоларида иштирок этганда 20 фоизгача микдорда нарх имтиёzlари берилади» (юқоридаги Низомга маҳсус X-I бўлим киритилган бўлиб, ушбу бўлимнинг 55-пунктида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида ғолибини аниқлашда баҳо имтиёzlарини тақдим этиш шартлари келтирилган).

Юқоридаги Низомнинг қуйидаги икки пункти, тендер ғолибини аниқлашнинг устувор мезони баҳо омили эканлигини кўрсатади: «мамлакатимизнинг бошқа корхоналари – ишлаб чиқарувчиларига нисбатан, лекин кўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нархдан ошмайдиган, олиб киришда кўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз қонун хужжатларида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича энг яхши нархни тақлиф этган мамлакатимиз корхонаси-ишлаб чиқарувчиси тендер ғолиби деб аниқланади». Ёки: «...мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра, кўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатилган энг яхши нархдан ошмайдиган нархни тақлиф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг

яхши нарх таклиф этган тендер иштирокчиси тендер голиби деб эълон қилинади».

Шундай қилиб, товарлар етказиб бериш бўйича тендер савдолари бўйича хulosа энг паст баҳолар асосида чиқарилиб, у мол етказиб берувчи аризасидаги баҳолар (баҳо омили), ҳамда баҳолашнинг бошқа коэффициент кўрсаткичлари ва тузатиш суммасини (сифат омили) инобатга олади. Баҳо ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги нисбат, буюртмачи мамлакат шартшароитлари, сотиб олинаётган товар хусусиятлари ва қатор бошқа ҳолатларни инобатга олиб, кўпчилик ҳолларда 80-70 (баҳо) ва 20-30 (сифат) нисбатда бўлади. Товарлар сотиб олиш билан боғлиқ тендерларни ташкил этишда, иштирокчи талабгорлар таклифини баҳолашда фақатгина улар томонидан, товар етказиб беришнинг аризада кўрсатилган кийматларига таяниб қолмаслик зарур.

Бажариладиган (пудрат) ишларининг комплекс тусга эга эканлиги, қатор номаълум ва ўзгарувчан ўлчамларнинг мавжудлиги сабабдан, ушбу ишларни батафсил ифодалаш анча мураккаб ҳолатдир. Пудрат ишлари савдолари бўйича тендер ҳужжатлари анча катта ҳажмда бўлади ва бир-нечта бўлимларни ташкил этади. Ушбу ҳужжат тўплами – тендерда иштирок этувчи талабгорлар учун йўриқнома, лойиҳа ечими (чизмаси), ишлар бажарилишининг техник шартлари, смета ва бошқа ҳужжатлардан ташкил топади. Савдоларга тайёргарлик пайтида бундай катта ҳажмдаги ҳужжатларни тайёрлаш анча катта ҳажмдаги меҳнат, қимматли ва узоқ муддатга чўзилувчи жараён ҳисобланади. Шунга қарамай, баҳога асосланган танловга имкон берадиган савдоларни ташкил этиш мақсадида, буюртмачилар бажарилиши талаб этиладиган ишларни иложи борича батафсил ифодалашга анча маблағ сарфлайдилар.

Жаҳон банкининг юқорида қайд этилган йўриқномасининг 2.52-пунктида: «....бажариладиган ишлар бўйича шартномалар учун таклифларни баҳолаш фақатгина пул кўринишида амалга оширилади....» деб аниқ келтириб ўтилган. Ва кейинги 2.58-пунктда: «...буюртмачи, ўрнатилган стандартларга мос имкониятлар ва ресурсларга эга бўлган савдо иштирокчиси

билин шартнома тузади. Бундай таклиф: 1) савдо ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши; 2) энг паст баҳолаш қийматига эга бўлиши зарур....».

Бу ерда ҳам биз энг паст баҳо (баҳолаш қиймати) тушунчасига тўқнаш келамиз. Аммо Жаҳон банкининг ишларни харид қилиш бўйича тендер намунавий ҳужжатларининг (Standard Bidding Documents – procurement of works) 31-пунктига «Таклифларни солиштириш ва баҳолаш» эътибор берилса, энг паст баҳо, бу ерда пудратчи томонидан аризада кўрсатилган баҳо, арифметик хатолар, кўзда тутилмаган харажатлар кабиларни кўзда тутувчи тузатишларни ҳисобга олиш билан аникланади. Бу таъриф, пудратчи томонидан таклиф этилиши мумкин бўлган сифат омилини инобатга олиш ҳақида кўрсатма бермайди.

«Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан молиялаштириладиган харид лойиҳалари учун қоида ва принциплар» (Procurement Policies and Rules for Projects financed by the European Bank for Reconstruction and Development) ҳужжатининг 3.30-моддасида шундай дейилади: «... ўз танлов аризасига кўра, баҳолашнинг аниқ мезонлари нуқтаи назаридан, танлов ҳужжатларида ўрнатилган талабларга жавоб берадиган ҳамда иқтисодий тежамкор, ва шунинг билан бирга, шартномани тўлиқ бажаришга қодир бўлган танлов иштирокчиси билан шартнома тузилади». Йўриқноманинг мазкур моддасининг эътиборли томони шундаки, унда нафақат баҳо мезони, балки танлов иштирокчисининг пудрат ишларини бажара олиш имконияти ҳам баҳоланади. Яъни баҳоловчилар пудратчи таклифининг техник жиҳатларини (иш жадвали ва уни ташкил этиш, асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳолати, бошқарув персоналнинг тажриба ва квалификацияси ва бошқалар) таҳлил этиши лозим. Халқаро савдолар амалиётида бундай таҳлил техник таҳлил сифатида маълум бўлиб, у сифат кўрсаткичларини солиштиришдан иборат ва айнан баҳо омилига алоқадор эмас.

Европа Комиссиясининг 1999 йилдаги «Комиссиянинг учинчи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ишлар,

товарлар ва хизматлар етказиб бериш учун тузиладиган шартномалари» (Manual of Instructions. Contracts for works, supplies and services concluded for the purposes of Community cooperation with third countries) йўриқномалар тўплами Европа Комиссиясининг ривожланаётган давлатларда амалга ошираётган лойиҳаларида кенг қўлланилади. Мазкур ҳужжатнинг 20.10.1-моддасида: «иктисодий жиҳатдан энг фойдали таклиф»ни тақдим этувчи, яъни техник баҳолаш пайтида техник талабларга мос деб топилган, бошқа таклифлардан қиммат бўлмаган таклиф берувчи муваффақиятли талабгор деб тушунилади». Бу ерда биз, Жаҳон банкининг ҳужжатларида учрамайдиган, тендер таклифларининг техник баҳолаш ҳақидаги кўрсатмага дуч келамиз.

Савдоларда, шунингдек, Инженер-маслаҳатчилар халқаро федерациясининг (Federation Internationale des Ingénieurs - Conseils) «Тендер жараёнлари» (tendering procedures) номли ҳужжати кенг қўлланилиб, ушбу ҳужжат ишларни харид этиш савдоларини ўтказиш тартибини белгилаб беради. Мазкур ҳужжатнинг 11.0-моддаси «Таклифларни баҳолаш» деб номланиб, у талабгор таклифини молиявий, техник ва шартномавий-административ баҳолашни кўзда тутади. Бундан ташқари, 4-модда «Тақдим этиладиган ҳужжатлар»ни тушунишиб, унда асосий тақдим этиладиган ҳажжатлар билан бир қаторда: субпурдатчилар ва улар бажарадиган ишлар ҳажми ҳакида ахборот, ишни бажаришга жалб этиладиган асбоб-ускуналар ва пурдатчининг асосий персонали ҳакида маълумотлар пурдатчи томонидан кўрсатилиши керак. Бу турдаги барча маълумотлар сифат кўрсаткичлари бўлиб, улар тендер таклифларини баҳолашда, талабгорнинг баҳо таклифи билан бир қаторда эътиборга олинади.

Шундай қилиб, Жаҳон банкининг тегишли йўриқномаларида баҳо кўрсаткичи асосида пурдатчилар таклифини баҳолаш ҳакида тавсия берилса-да, бошқа халқаро ҳужжатларда техник, яъни сифат кўрсаткичлари асосида ҳам баҳолашнинг зарурлиги таъкидланади. Бу савдоларни

ўтказишда пудратчиларни ҳам баҳо, ҳам сифат омилини эътиборга олиш зарурлигини кўрсатади.

Амалда конвертлар очилгандан сўнг, қисқа текшириш ва таклиф этилган баҳолар эълон қилинади ва баҳоловчилар хужжатларнинг тўлиқлиги, арифметик аниқлик, таклиф таркибида қўшимча шартлар ва муқобил вариантлар борлигини текширишга киришадилар. Шундан сўнг, таклифнинг танлов хужжатларида кўрсатилган шартларга мослиги аникланса, юқоридаги қоидаларда келтирилганидек, унинг баҳоланган қиймати аникланади ва баҳо кўрсаткичлари асосида ҳолат ўрганилади. Бундай ҳолатларда, тажрибали баҳоловчилар жуда юқори ва жуда паст баҳо таклиф этадиган иштирокчилар аризаларини кейинги кўриб чиқишни тўхтатадилар. Чунки охир оқибатда бундай аризалар ёки баҳо кўрсаткичи бўйича (энг юқори баҳо таклифи), ёки сифат кўрсаткичи бўйича (энг арzon баҳо таклифи) номақбул деб топилади. Энг паст баҳо таклифига нисбатан норасмий ҳисобланадиган бундай амалий қоиданинг мавжудлигининг ўзи ҳам, пудрат ишларини бажаришда баҳога асосланган танловнинг ҳал қилувчи эмаслигидан гувоҳлик беради.

Ушбу босқичдан сўнг, пудрат ишларини муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган, юқорида кўриб ўтилган сифат кўрсаткичлари кўриб чиқлади ва таклифни техник баҳолаш амалга оширилади. Шундай ҳолатлар ҳам маълумки, паст баҳоли таклифлар ҳам асосий воситаларнинг йўқлиги ёки эскирганлиги сабабли, баъзан, раҳбарлик ходимларининг паст квалификацияси туфайли муваффақият қозонмайдилар. Баъзи ҳолатларда пудратчи ўз таклифида қурилиш жараёнини етарлича асосли режалаштира олмаган ва уни амалга ошириш учун зарурий ташкилий тузилма ва тадбирларни олдиндан кўра олмаганлиги маълум бўлади. Ушбу сабабларнинг барчаси, паст баҳолар таклифи берилишига қарамасдан пудратчи таклифидан воз кечишига олиб келади.

Ўзбекистонда танлов хужжатларининг техник қисмига талабларни ҳамда марказлаштирилган манбалар (давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғарма ва

Хукумат қарорлари билан ташкил этилган алоҳида тармоклар ва ташкилотларнинг маҳсус жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати ёки унинг номидан жалб этиладиган чет эл кредитлари, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари) давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар ва хизматлар танлов ҳужжатларини баҳолаш, Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2003 йил 3 июлдаги 302-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида низом"га асосан амалга оширилади. Бундай турдаги танловда сифат омилиниң устуворлигини қўйидаги: «...савдо иштирокчилариға қўйиладиган талабларга амал қилингандиги (лицензия, етарли иш тажрибасининг борлиги, молиявий ҳолати, техника билан жиҳозланиши, савдонинг аниқ иншоотларига қараб бошқа малака талаблари)» ёки: «...таклифларни техник²⁵ ва молиявий баҳолашда мезонларни қўллашнинг холислиги ва уларнинг аҳамияти» пунктларда кузатиш мумкин.

Пудрат ишлари бўйича танловларни ташкил этишининг назарий ва амалий тажрибаси шундан далолат берадики, баҳолар асосида танлаш усули танловларда ғолибни аниқлайдиган ягона мақбул усул эмас, балки у баҳолашнинг сифат омиллари билан бирга қўлланилади. Ишларни харид қилиш бўйича савдоларда баҳо-сифат нисбати, одатда, 60:40, айрим ҳолларда – талабгорларга кўплаб кўшимча талаблар мавжуд бўлганда 50:50 ни ташкил этади.

Ўз-ўзидан, баҳо ва сифат ўртасидаги бундай нисбат шартли бўлсада, тендер савдоларида йирик ҳажмдаги пудрат ишлари таклифини баҳолаш, ҳеч қачон талабгор таклиф этган

²⁵ Техник қисм – бу талабгорлар ўз танлов таклифларининг қийматини ҳисоб-китоб килиши учун зарур ва етарли бўлган харид қилинаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ва характеристикасини, ишларнинг бажарилниш (товар етказиб бериш, хизматлар) муддати, шунингдек, танлов савдолари бир боскичда амалга оширилганда танлов савдолари буюртмачиси ва ғолиб томон ўртасида тузиладиган шартномадан сўнгги ҳисоб-китобларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлардан иборат ҳужжатлар йигмажилди.

баҳолар асосида эмас, балки баҳо ва сифат деярли тенг кўрсаткичларга эга бўлган, баҳо ва сифат омилларини биргаликдаги таҳлили асосида аниқланади.

Хизматлар кўрсатиш аниқ ифодалаш қийин бўлган савдо предмети ҳисобланади. Ташкилий ва бошқарув бўйича маслаҳатчилар, лойиҳачилар, иқтисодчилар, юристлар, назорат инженерлари хизматларини, кичик босқичларга ажратиш ва талабгорлар таклифини баҳолашда қўллаш мумкин бўлган бир хил қийматли тушунчалар асосида ифодалаш жуда мураккабдир. Шундай бўлса-да, савдонинг айнан шу турида «баҳо-сифат» нисбати йўриқномаларда аниқ кўрсатиб берилган – маслаҳатчиларни танлашнинг асосий омили бу *сифат* кўрсаткичидир. Баҳо, одатда, жуда кичик нисбатга эга, айрим ҳолатларда унга умуман эътибор берилмайди.

Бир-қанча ҳалқаро молиявий ташкилотлар харид ҳақидаги умумий қоидалар билан бир қаторда, фақатгина хизматларни харид этишга тааллукли бўлган алоҳида йўриқнома ва қоидаларга ҳам эгадирлар. Масалан, Жаҳон банки ушбу мақсадларда фойдаланиш учун «Жаҳон банки қарздорларининг маслаҳатчиларни танлаш ва ёллаш» (Selection and Employment of Consultants by the World Bank Borrowers), Осиё тараққиёт банкининг – «Осиё тараққиёт банки ва унинг қарздорлари томонидан маслаҳатчиларни таклиф этиш бўйича йўриқнома» (Guidelines on the use of consultants by ADB and its Borrowers) каби ҳужжатларга эга. Инженер-маслаҳатчиларнинг ҳалқаро федерацияси (ИМХФ) 1977 йилда «Маслаҳат хизматларини харид этишда сифат асосида танлаш» (Quality-based selection for the procurement of consulting services) қўлланмасини, 2003 йилда «Маслаҳатчиларни танлаш бўйича ИМХФ йўриқномаси»ни тажриба нашр сифатида чиқарди. Иккала ҳужжат ҳам ҳалқаро савдо амалиётида хизматларни харид этишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишиланган.

Нима учун маслаҳатчилар хизматини харид этишга шунча эътибор талаб этилади? Қисман бу ҳолат, юқорида айтилганидек, маслаҳатчилар хизматини худди товарлар ва ишлар савдосида бўлганидек, майда деталигача ифодалаш ва

баҳолаш анча мураккаблиги билан изоҳланади. Иккинчи омил эса, кўрсатилган хизматнинг сифати мутахассиснинг квалификацияси, тажрибаси ва таклиф этилган вақтига боғлиқдир. Хизмат қиймати(баҳоси)нинг пасайиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар бўйича хизмат кўрсатиш сифатининг пасайишини билдиради. Бундан ташқари, маслаҳатлар кўрсатиш бозори анча вақтлардан бери шаклланиб келмоқда ва баҳоларнинг нисбатан маълум даражада барқарорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам, савдоларни ўтказишда, халқаро маслаҳатчилар томонидан таклиф этиладиган баҳолар деярли бир хил даражада эканлиги намоён бўлади. Баҳолар асосида танлов ғолибларини белгилаш бўйича қилинган уринишлар натижасида, жуда паст сифатли хизматларга эга бўлинди. Савдолардаги бу тажриба, баҳолар асосида танлаш тақдим этилган хизматлар таклифларидан энг оптимальини танлаш усули эмаслигини исботлади. Шу сабабли, бугунги кунда хизматларни харид этиш бўйича халқаро савдоларни олиб боришда, сифат асосидаги танлов (QBS) ишлатилади ёки сифат ва баҳо асосидаги танловдан (QCBS) фойдаланилса-да, бунда баҳонинг нисбати аникловчи кўрсаткич бўла олмайди.

Сифат асосида танлов ўтказишда маслаҳатчиларнинг таклифи техник ва географик иш тажрибаси, ишларни бажариш учун кўзда тутилаётган усуллар, квалификация ва асосий мутухассисларнинг иш тажрибаси, лойиҳа бўйича ишни ташкил этиш, таъминот ва бошқа шу каби техник кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Бе техник баҳолаш дейилади. Тендер хужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бўйича баҳолаш баллари қўйилади, шундан сўнг савдода ғолиб чиқсан талабгор хизмат баҳосини келишиб олиш учун сухбатга таклиф этилади. Сифат асосида танлов ўтказишда, талабгорнинг аризада кўрсатган хизмат баҳосига эътибор берилмайди ва у фақатгина шартнома тузиш жараёнида муҳокама қилинади.

Сифат ва баҳо асосида танлов ўтказишнинг, сифат асосида танлов ўтказишдан фарқи шундаки, бошда техник таҳлил амалга оширилади ва у тугамагунча, молиявий кўрсаткичлар

инобатта олинмайди. Техник таҳлилдан сўнг, таклифни молиявий (баҳо) жиҳатдан баҳолаш амалга оширилади ва натижада ҳар бир таклиф маълум формула асосида аниқланадиган молиявий баҳолаш балини тўплайди. Кейинги жараён бу – техник ва молиявий балларга тендер ҳужжатларида кўрсатилган коэффициентлар бўйича тузатишлар киритилади (одатда бу 0,8 техник учун ва 0,2 молиявий балл учун) ва умумлаштирилади. Танлов ғолиби техник ва молиявий баллар бўйича аниқланади.

Юқоридагилардан кузатиш мумкинки, хизматларни харид этишнинг сифатга асосланган танловларида баҳо омили умуман эътиборга олинмайди (QBS усули) ёки умумий балларнинг фақатгина 20 фоизини ташкил этади (QCBS усули). Шундай қилиб, хизматлар кўрсатиш бўйича савдоларни ўтказишида «баҳо-сифат» нисбати ёки 0:100 ёки 20:80 ни ташкил этади. Айрим ҳолатларда, масалан, кўрсатиладиган хизматлар бир хиллик тусига эга бўлса ва аниқроқ ифодалаш мумкин бўлса, унда сифат ва баҳо асосидаги танлов нисбати 70:30 бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларда бу нисбат фақатгина назарий бўлиб қолмасдан, балки хизматларни харид этиш бўйича юқорида келтирилган қўлланмаларда ёки тендер ҳужжатларида расмий равишида қайд этилиши керак.

Шундай қилиб, хизматлар харид этиш бўйича савдоларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда сифат аниқловчи омил бўлса, баҳо эса иккинчи даражали ўлчов ҳисобланади.

Юқорида кўриб ўтилган уч турдаги тендер таклифларини баҳолашнинг ўзига хос жаҳатларини таҳлили шуни кўрсатадики, айрим олинган тендер турлари учун йўриқномалар баҳо омилини танловнинг ягона омили сифатида қайд этсада, сифат кўрсаткичлари қайсиdir нисбатда албатта, инобатга олинади. Таклифларни баҳолаш бўйича тажрибали мутахассислар, расмий ҳужжатларда сифат омилини баҳолашнинг аниқ белгиланган услубиёти йўқ бўлишига қарамасдан, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларни танлашда сифат омилини ҳисобга

оладилар. Маслаҳатчилар хизмати бўйича эса, бундай турдаги савдоларда сифат омили асосий рол ўйнайди.

Тендер савдоларини ташкил этишнинг узок давр давомида кузатилган тажрибаси шундан далолат берадики, фақат баҳо асосида танлов, харид қилинаётган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматларни зарурий сифат дараражасида бўлиши учун етарли бўла олмайди. Бу ўз навбатида, лойиҳа учун йўналтирилган инвестицияларни оптимал бўлишини таъминламайди. Шунинг билан бир вактда сифат омилини инобатга олиш, савдоларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш – товарлар, ишлар ва хизматларни энг паст баҳоларда оптимал сифат билан олиш имконини беради.

Назорат учун саволлар

1. Тендер савдосида баҳо ва сифат омили нима?
2. Қачон сифат омилининг нисбати танловларда юкори хисобланади?
3. Жаҳон банкининг намунавий тендер ҳужжатларида тендер ғолибини аниқлашда қайси омил устувор саналади?
4. Ўзбекистон Республикасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар харидини амалга оширишда тендер савдоларида ғолибни баҳолашда қайси меъёрий ҳужжатдан фойдаланилади?
5. Тендер савдоларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга баҳо имтиёзлари нима?
6. Тендер савдоларида ғолибни аниқлашнинг халқаро ва миллий амалиёти ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни тушунтириб беринг.

III боб. ДАВЛАТ ХАРИДИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ МАМЛАКАТЛАР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

3.1. Давлат харид тизимини бошқаришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси

Давлат харидини ташкил этиш жараёнларини бошқариш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат маблағларини самарали бошқариш, шунингдек, харид жараёнларида рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ушбу соҳага кенгроқ жалб этиш каби қатор мақсадларни кўзлайди.

Давлат ва маҳаллий органлар харидининг самараси амалдаги қонунчилик, давлат харидини тартибга солувчи органлар фаолиятининг самараси ҳамда харидни амалга оширувчи ходимларнинг профессионаллик даражаси каби омилларга бевосита боғлиқ²⁶.

Давлат харидини бошқаришнинг хорижий тажрибаси, хусусан, АҚШ, Австралия, Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланаётган давлатлар амалиётини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларини мамлакатимиз давлат хариди тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этишда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат харидини ташкил этишда АҚШ тажрибасини, ушбу мамлакатда давлат харидини давлат молияси таркибидаги ўрнини таҳлилидан бошлаймиз. {АҚШ ҳукумати мудофаани таъминлашга, таълимга, шифохонлар, йўл қурилиши ва бошқа умумжамият эҳтиёжларни молиявий таъминлаш учун давлат харажатларни амалга оширади. АҚШда штатлар ҳукумати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари товарлар ва хизматлар

²⁶Государственные закупки. <http://www.ebrd.com/russian/pages/sector/legal/procurement.shtml>.

сотиб олиш учун федерал ҳукуматга нисбатан ҳам кўпроқ харажатларни амалга оширади.

Куйидаги 1-жадвалда АҚШда давлат харажатларининг тақсимланиши акс эттирилган. Жадвал маълумотлари икки хил тартибда ажратилган: биринчидан – харажатларни федерал ва штатлар ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида ажратиб кўрсатилган; иккинчидан – давлатнинг умумий харажатлари ҳамда товарлар ва хизматлар сотиб олишга йўналтирилган қисми (яъни ижтимоий тўловларни ажратган ҳолда) акс эттирилган. Ижтимоий тўловлар (трансферлар) – бу уни оловчиларга товарлар ва хизматлар таклиф этилмасдан, тўланадиган маблағлардир.

1-жадвал²⁷

**АҚШ ҳукуматининг харажатлари ҳамда товарлар ва хизматларининг давлат хариди
(1986 й. ЯИМга нисбатан % да)**

	Барча даражадаги ҳукумат	Федерал	Штатлар, ўз-ўзини бошқариш органлари
жами харажатлар	37,8	24,5	13,3
товарлар ва хизматлар сотиб олиш	20,5	8,7	11,8

1986 йилда федерал ҳукумат харажатлари ЯИМнинг 24,5 фоизини ташкил этганлигига қарамасдан, товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланган маблағлар ҳиссаси ЯИМнинг 9 фоизи микдорини ташкил этган. Бу фарқ федерал ҳукумат харажатларининг кичик қисми товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланиши билан изоҳланади. Федерал харажатларнинг 2/3 қисмини аҳолига ижтимоий тўловлар тўлаш, штатлар ва ўз-ўзини бошқариш органларига субсидиялар ажратиш ташкил этади. Федерал ҳукумат ижтимоий

²⁷ С. Фишер и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995г. Стр 514.

тўловлари, ўз ичига, ижтимоий таъминот ва ишсизлик нафақасини олади. Товарлар ва хизматлар харидининг катта қисми федерал ҳукумат томонидан амалга оширилади ва ушбу харажатларнинг йирик улуши (ЯИМнинг 7 фоизи) мудофаа эҳтиёжлари учун амалга оширилади. Штатлар ҳукуматлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан товар ва хизматлар хариди, аксинча, таълим, йўл қурилиши, шифохоналар таъминотига сарфланади. Умуман, давлат сектори мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 20 фоизини харид қиласди.

АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофиқлаштириш – Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal Procurement Policy) томонидан амалга оширилади. Бу орган дастлаб, Бюджетни бошқариш бошқармасида маслаҳатчи орган сифатида 1974 йилда ташкил этилган, 1988 йилдан ҳукуматнинг доимий фаолият юритувчи органи сифатида фаолият юритмоқда.

Федерал харид агентликлари томонидан амалга ошириладиган барча харид 1984 йилда ишлаб чиқилган давлат харидини тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси (Federal Acquisition Regulation, FAR1) билан тартибга солинади. Унда харидни ташкил этишининг барча босқичлари – харидни режалаштириш, давлат харидини амалга оширишни бошқариш ва уни тугаллашгача бўлган барча босқичлар ўз аксини топган. FAR дан кўзланган асосий мақсад – давлат эҳтиёжи учун харидни амалга оширувчи барча федерал агентликлар томонидан ягона харид сиёсатини амалга ошириш ва ягона харид қоидаларидан фойдаланишни таъминлашдан иборат. FARнинг миссияси эса, харидни амалга оширишга бўлган вақт чекланганлигини инобатга олган ҳолда, давлат буюртма-чиларини энг оптималь баҳо/сифат муносабатини таъминлаган ҳолда товарлар ва хизматлар билан таъминлашдан иборат.

FAR га асосан АҚШда давлат харидига буюртмани жойлаштиришда қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

- очик савдолар;
- икки босқичли савдолар;

- музокаалар олиб бориш;

- харидни соддалаштирилган тартибда амалга ошириш.

Бошқа мамлакатлар амалиётида учрамайдиган соддалаштирилган тартибда амалга ошириш усули шартнома суммаси катта бўлмаганда (100 минг АҚШ доллари миқдоригача) ва йилига 5 млн АҚШ долларидан ортмаганда қўлланилади. Бунда сунъий равишда харид ҳажмини пасайтириш (майда қисмларга ажратиш орқали) тақиқланади. Соддалаштирилган усулга куйидагилар киради:

баҳо котировкалари сўровномаси;

жуда кичик ҳажмдаги (2500 долларгача) харидни амалга оширишда Корпоратив харид пластик карталаридан фойдаланиш;

харид учун буюртма жойлаштириш;

турлари кўп бўлган маҳсулотни доимий сотиб олишда намунавий-меъёрий шартномалардан фойдаланиш (масалан – буюртмачини автохўжалиги учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, ёки офис учун канцелярия товарларини сотиб олиш) ва бошқалар.

АҚШда давлат буюртмасини шакллантириш ва жойлаштириш иккита асосий йўналишда амалга оширилади:

жорий фаолиятни таъминлаш учун (моддий-техник таъминот);

маълум давлат органини иш йўналиши бўйича харид (аввало илмий тадқиқот ишлари, капитал қўйилмалар).

АҚШ хорижий мамлакатлар орасида давлат харидини ахборот билан таъминлаш соҳасида энг бой тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. АҚШда давлат харидини федерал даражада тартибга солиш бўйича дастлабки қонун 1972 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш бўйича ваколат Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигига берилган.

Умуман, АҚШда давлат хариди тизими марказлаштирилмаган тарзда ташкил этилган.

Хозирги пайтда федерал органлар эҳтиёжлари учун харажатни амалга ошириш Умумий Хизматлар Бошқармаси

(УХБ) – (General Services Administration) зиммасига юклатилган. Вазирлик ва идораларнинг аризаларига асосланиб, УХБ тендер савдоларини ташкил этиш орқали йирик ҳажмдаги улгуржи харидни амалга оширади. Товарлар УХБнинг юхоналарида сакланади ва буюртмачиларга улгуржи баҳолар устига сезиларсиз устама қўшиш билан (УХБнинг фаолият харажатларини қоплаш мақсадида қўшиладиган) қайта сотилади. Буюртмачиларга Умумий хизматлар Бошқармаси томонидан марказлашган ҳолда сотиб олинадиган 4 млн. дан ортиқ товарлар хилмахиллиги таклиф этилади. Умумий хизматлар администрацияси томонидан бажариладиган яна бир муҳим вазифа бу – харид этиш жараёни харажатларини пасайтиришдан иборатdir. Масалан, умумий хизматлар администрацияси томонидан харид учун сарфланган харажатлар умумий харажатларнинг 2,07 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 1,75 фоизга қисқарган.

Миллий мудофаа эҳтиёжлари учун харид Мудофаа вазирлиги – (Departament of Defense) томонидан амалга оширилади. Айрим ихтисослашган харид турлари бошқа идоралар томонидан ҳам амалга оширилади, масалан, Энергетика соҳасидаги тадқиқотлар ва ривожланиш Агентлиги – (Energy Research and Development Agency), Космик тадқиқотлар ва Аэронавтика Миллий Бошқармаси –(National Aeronautics and Space Administarion, NASA) ва бошқалар.

Федерал харид бўйича мониторингни амалга ошириш Харид сиёсати Федерал Бошқармаси – (Office of Federal Procurement Policy) зиммасига юклатилган, харид сиёсати соҳасида идоралараро мувофиқлаштириш эса, Федерал харидни тартибга солувчи Кенгаш томонидан амалга оширилади – (Federal Acquisition Regulatory Council).

АҚШда давлат харидини хуқуқий асосини: Федерал эҳтиёжлар учун харидни амалга ошириш Тартиби (Federal Acquisition Regulations, FAR) ва Мудофаа эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш Тартиби – Қўшимчалар (Defense Federal Acquisition Regulations – Supplement, DFARS) каби хужжатлар ташкил этади. Ушбу хужжатлар харид жараёни

тамойил ва босқичларини жуда ҳам деталлашган тарзда ифодалайди ва бутун федерал хариднинг тизимини тартибга солади.

Харид соҳасига тегишли бўлган барча қонунчиликни икки категорияга ажратиш мумкин.

Биринчи категория – умумфедерал қонунчилик. Мазкур қонунлар давлат харидини ташкил этиш жараёнини тартибга солади, федерал даражадаги ижроий органлар ваколатига тегишли бўлган хариднинг айрим турларини амалга ошириш бўйича юридик меъёрларни белгилайди.

Иккинчи категория –шартномалар шакли ва уларни амалга ошириш бўйича маҳсус қонунчилик бўлиб, у харид жараёнларини ахборот билан таъминлаш ва унинг натижасини таҳлилини амалга оширишни тартибга солади.

АҚШда давлат харидини ташкил этиш, давлатнинг функция ва вазифаларига америкача ёндошувдан келиб чиқиб, учта асосий тамойилга асосланади:

хаққонийлик асосида, яъни давлат буюртмалари бўйича савдода иштирок этаётган пудратчилар учун бир хил рақобат мухитини шакллантириш;

очиқлик асосида ва давлат буюртмаларида коррупцияга қарши курашиш;

тежамкорлик ва самаралик асосида, яъни товар ва хизматларни талаб этилган сифатда ва арzon баҳоларда, харид этиш харажатларини минималлаштиришни таъминлаш.

Электрон технологиялар

АҚШда давлат хариди тизими давлат, хўжалик, илмий-техник комплекслар бўйича 100 га яқин федерал идораларни ўз ичига олади. Улар ҳар йили, товарлар ва хизматларга бўлган талабни марказий бошқарув федерал органи, ўз идора марказлари ва мамлакатнинг йирик шаҳарларида жойлашган федерал ҳукуматнинг 12 та худудий марказлари орқали, жойлаштирадилар.

АҚШ қонунчилиги, давлат хариди бўйича ахборот ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш учун масъул бўлган

органлар фаолиятини ҳам тартибга солиб туради. Ахборот ресурсларни таъминловчи йиғиш, қайта ишлаш ва харид бўйича маълумотларни тарқатиш, федерал эҳтиёжлар учун харид бўйича ахборотлар тизими базасини бошқариш ва шартномаларнинг федерал рўйхатини олиб борувчи органларнинг функция ва ваколатлари қонунчилик бўйича белгилаб берилган. Федерал харидлар бўйича Марказ даврий равища маълумотларни тақдим этиш бўйича Йўриқнома чоп этиб туради. Унда қуйидагилар акс этади:

ҳисобот топширган ва ҳисобот топширмаган идораларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилади;

ҳар бир идора бўйича, маълумотларни йиғиш бўйича зарурий йўриқномалар;

тушунтиришлар (қандай маълумотлар зарур ва қайси давр оралиғида уларни тақдим этиш керак).

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар хариднинг ўсиб бораётган роли етарли даражада акс эттирилмаганлиги сабабли, 1994 йилда, АҚШ қонунчилиги жиддий тафтиш этилди. Тафтиш якунларига асосан, АҚШда харидни тартибга солувчи янги қонунчилик шакллантирилди ва у ахборот билан таъминлаш тизимини замонавийлаштириш ва тизимда ахборот ресурслардан фойдаланишни ташкил этишни такомиллаштирилишига олиб келди. Давлат харидини ташкил этиш жараёни ҳам таҳлил этилди (1994 йилда, бу соҳани назорат этувчи қонун ва қоидалар жами 889 тани ташкил этарди). Шундан сунг, давлат харидини амалга ошириш бўйича ваколатли федерал органларга, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга оширишнинг шакллари, харидни турлари, усуулларини танлашда кенгайтирилган эркинликлар берилди.

Қонун кичик харидлар учун шартнома тузиш жараёнини соддалаштириди ва электрон савдоларни²⁸ амалга оширишни параллел равища қўллаб-қувватлади.

²⁸ Бу ерда, «электрон савдолар» термини фаолиятни амалга оширишни таъминловчи электрон технологияларни назарда тутмоқда, яъни интернет, зълонларнинг электрон доскаси, тўлов карталари, пул ўтказиш, маълумотларни виртуал алмашиш ва бошқалар.

Янги қонунчиликка асосан, харид қиймати 100 минг доллардан паст бўлган савдолар учун қоғозли ҳужжатлар айланмаси бекор қилинди. Бу жуда кўплаб ҳаттоқи кичик ҳажмдаги савдоларда ҳам, мавжуд бўлган мураккаб қоида ва жараёнларни амалга оширишдан халос қилди.

Бугунги кунда Америкадаги ҳар бир федерал идора, шартнома қиймати 25 минг доллардан юқори бўлган, кейинги 5 молия йилидаги барча номахфий тусдаги шартномаларни компьютер маълумотлар базасини шакллантириши ва сақлаши лозим. Ушбу маълумотлар барча идоралар томонидан федерал хариднинг Марказлашган ахборот тизимиغا жўнатилади. Шартномалар бўйича маълумотларни тақдим этишда, федерал идоралар, ҳужжатларнинг стандартлашган шакллари ва маълумотларнинг унификациялашган форматидан фойдаланадилар. Тақдим этиладиган маълумотларга қўшимча тарзда, федерал идоралар, қиймати 5 млн доллар ва ундан юқори бўлган субшартномаларни ҳам идентификациялашган электрон шаклига эга бўлишлари шарт.

Федерал хариднинг ахборотлар тизими, федерал идоралар томонидан ҳар йили тузиладиган жами қиймати 200 млрд долларни ташкил этадиган (қиймати 25 минг доллардан юқори бўлган 400-500 шартномалар ҳамда кичикроқ қийматдаги 17 млн дан ортиқ) шартномаларнинг ҳисоб ахбороти билан таъминлайди. Федерал хариднинг Марказлашган ахборот тизими давлат хариди ҳақидаги жамланган ахборот манбаи ҳисобланади.

Очиқлик ва маълумот олиш имконияти

Федерал хариднинг Марказлашган ахборот тизими маълумотларидан Президентга, Конгрессга ва АҚШ бюджет бошқармасига тақдим этиладиган даврий ҳисботларни шакллантиришда фойдаланилади, шунингдек, ушбу маълумотлар федерал идоралар, ишбилармонлар ва кенг жамоатчиликка тақдим этилади.

Ушбу маълумотларга таяниб, Марказлашган ахборот тизими йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ва тақдим этади. Индивидуал истеъмолчи талабига асосан, пуллик хизмат шаклида, ҳисоботлар тақдим этилиши мумкин. Зарур бўлганда, Марказлашган ахборот тизими мутахассиси талаб қилинадиган ҳисобот таркибини ишлаб чиқишида мижозга кўмаклашади. Ҳужжатни тайёрлаш муддати 5-7 иш куни қилиб белгиланган. Маълумотлар банкидан 1 йиллик маълумотларни қидириш баҳоси, тахминан 400 доллар, ва ҳар бир қўшимча йилдаги маълумотлар учун 100 доллардан қўшимча ҳақ талаб этилади. Махсус ҳисоботлар, рўйхатлар, иқтибослар ҳам қоғозли шаклда, ҳам магнит ташувчиларда тақдим этилади.

Махсус ҳисоботни талаб қилишда, қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади:

- тадқиқот ўтказилиши талаб этиладиган вақт оралиғи (АҚШ молия йили 1 октябрдан 30 сентябргача ҳисобланади);
- мижознинг ҳисоботда олиши зарур бўлган маълумотлари (масалан, шартнома ижроининг номи, номери, шартнома шакли, суммаси ва бошқалар);
- мижозни ахборотни тақдим этилишини ҳохлайдиган таркибий тузилиши (масалан, йиллар бўйича бўлинган ҳолда, идоралар бўйича, ижро этувчи номи бўйича, мураккаблашган варианларда).

Электрон савдолар

Федерал харидни амалга оширишда электрон савдоларни татбиқ этишдан кўзланган мақсад – бу, фақатгина буюртмачиларнинг потенциал пудратчилар билан бўладиган такорий жараёнларини автоматлаштиришгина эмас, балки харид жараёнларини амалга ошириш харажатларини пасайтириш ва ушбу операцияларни амалга ошириш муддатларини кескин қисқартиришдан иборат. АҚШда федерал харидни электрон савдолар орқали амалга ошириш миёси, тижорат тузилмалари ўртасида амалга ошириладиган бундай савдолар ҳажмига нисбатан анча паст даражада. Электрон савдолар,

асосан, қиймати 100 минг долларгача бўлган шартномалар учун соддалаштирилган жараёнларда кўлланилади. Ушбу АҚШда давлат харидини қаттиқ тартибга солиб турилиши ва айrim ҳолларда фақатгина қоғозли савдоларгина харид шартларига мос келиши билан изоҳланади.

Электрон савдоларни қўллаш учун зарурий шароитлар бўлиб: интернет-технологиялардан фойдаланишнинг ривожланган ҳуқуқий базаси; алоқа воситалари; ахборот ҳимояси, кампьютер тармоқларининг хавфсизлигини таъминловчи асосий стандартларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ахборот ресурслари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар харид жараёнини очиқлигини; харид жараёнида тенглик; имзоланган шартномалар ҳақида маълумот олиш мумкинлиги каби юқорида қайд этилган тамойилларни амал қилишини таъминлайди. Конунчиликка мувофиқ, ушбу ресурслардан маълумотларни олиш имконияти, уларни ҳукуматнинг ягона ахборот порталида нашр этиш орқали амалга оширилади. Шартномаларнинг федерал рўйхати ҳам электрон шаклда интернетда жойлаштирилган.

• АҚШ федерал хариди Марказлашган ахборот тизимининг асосий ютуқлари:

• Конгрессга, Президент девонига, федерал идоралар ва хусусий сектор вакилларига давлат хариди бўйича шартномалар соҳасидаги ҳолат ҳақида жуда тез ва аниқ маълумот олиш имкониятини беради;

• турли қизиқувчи томонларга федерал харид ҳақида: йиллар бўйича, идоралар бўйича, шартномалар буйича ва ҳ.к. маълумотлар олишга имкон беради;

Шунинг билан бирга бу тизимнинг куйидаги камчиликларини кўзатиш мумкин:

• айrim олинган федерал идоралар бўйича маълумотларни тўлиқ тақдим эта олмаслиги;

• ушбу маълумотлардан ҳукумат идоралари томонидан ҳам, ёки аҳоли томонидан унчалик ҳам фаол тарзда фойдаланмаслиги;

• тизим бўғинлари ўртасида ахборотларнинг етарли даражада мос келмаслиги ва ҳ.к.

Мазкур изланишда Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг давлат харид тизимини бошқариш амалиётини тадқиқ этамиз.

Ғарб давлатларнинг ҳукуматлари давлат хариди бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича амалий ишларни биринчи бўлиб бошлишга ундан асосий сабаблар сифатида, ушбу давлатлар ҳукуматларининг ўз халқи олдидағи мажбуриятларни бажаришга интилиб, ҳукуматларнинг давлат ва коммунал харажатларининг юқори даражада амалга ошириши, коррупция бўйича нохуш ҳолларнинг тез-тез юз бериши кабиларни кўрсатиш мумкин²⁹.

Иштирокчи мамлакатларнинг кўплиги, улардаги давлат хариди микдорининг турли даражада эканлиги, ривожланиш даражаси ва давлат секторининг ҳажми Европа иттифоқида(ЕИ) давлат харидини тартибга солиш бўйича қонунчиликни ишлаб чиқиша маҳсус ёндошувни талаб этди. Бугунги кунда ЕИ мамлакатларида давлат харидини тартибга солиш, унинг ҳажмидан ва бошқа шартлардан келиб чиқиб, уч даражада тартибга солинади: миллий, ЕИ қонунчилиги ҳамда халқаро қонунчилик асосида.

ЕИда давлат харидини халқаро даражада тартибга солувчи қонунчилик сирасига аввало, Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ)нинг «Ҳукумат хариди тўғрисида»ги Келишувни кўрсатиб ўтиш мумкин. ЕИ даражасида тартибга солиш эса, давлат эҳтиёжлари учун харидни ягона шартлар асосида амалга оширишни таъминловчи қатор ҳуқуқий актлар мавжуд³⁰. Шуни таъкидлаш жоизки, 2004 йилдан 2006 йилгача бўлган давр,

²⁹ Государственные закупки. <http://www.ebrd.com/russian/pages/sector/legal/procurement.shtml>.

³⁰ Куйидаги тўрт ЕИ директиваси давлат харидини тартибга солади:

- 1992 йил 18 июль «Жамоат хизматлари бўйича шартномаларни тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ҳақида»ги 92/50/EEC ракамли Европа Кенгаши дериктиваси;
- 1993 йил 14 июнь «Жамоат учун мол етказиб бериш бўйича шартномаларни тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ҳақида»ги 93/36/EEC ракамли Европа Кенгаши дериктиваси;
- 1993 йил 14 июнь «Жамоат ишлари бўйича шартномаларни тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ҳақида»ги 93/37/EEC ракамли Европа Кенгаши дериктиваси;
- 1993 йил 14 июнь «Сув, энергетика, транспорт, телекоммуникация соҳалари учун харид жараёнини мувофиқлаштириш ҳақида»ги 93/38/EEC ракамли Европа Кенгаши дериктиваси.

ўтиш даври саналиб, бир пайтда «эски» йўриқномалар билан бир вақтда унинг ўрнини босувчи «янги» йўриқномалар билан параллел равишда амал қилди. ЕИда давлат харидини тартибга солувчи ҳукуқий базани такомиллаштириш қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади³¹:

- одатда, табиий монополиялар саналувчи айрим иқтисодиёт секторларини (сув таъминоти, энергетика, транспорт ва почта хизматлари соҳаси) давлат хариди бўйича умумий қонунчиликнинг амал қилиш доирасидан чиқариш;
- янгича бизнесни юритиш ва ҳисоб шакллари: концессия ҳамда хусусий ва давлат сектори ўртасидаги бошқа шаклдаги ҳамкорлик;
- электрон харидни ташкил этиш.

ЕИ давлат харидини нафақат давлат бошқарув органлари фаолиятини жорий таъминоти, балки давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширувчи муҳим қурол сифатида қарайди. Хусусан, ЕИнинг «Ижтимоий сиёсатни юритишида давлат харидидан фойдаланиш тўғрисида» ги Коммюникесида: «...давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб бериш шартномаларини тузишида ижтимоий мақсадларни эътибордан четда қолдирмаслик керак» дейилади.

Ижтимоий дастурларни амалга ошириш мавжуд қонунчилик доирасида амалга оширилиши алоҳида қайд этилган. Шунингдек, харидни амалга ошириш жараёнида ижтимоий ёндошувни таъминлашда қуйидагилар муҳимдир³²:

- иш шароитлари талабларини ўз ичига оловчи шартнома шартларини ишлаб чиқиш;
- мол етказиб берувчини тўғри танлаш;
- қонунчилик бўйича ижтимоий соҳага тўғри келмайдиган мол етказиб берувчиларни мол етказиб берувчилар рўйхатидан чиқариш;
- мол етказиб берувчиларни танлашда қўшимча ижтимоий мезонлардан фойдаланиш.

³¹ А. Храмкин. Международный опыт построения системы госзакупок. http://www.eprg.ru/_goszakaz/public.

³² У Бурханов Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf.

Юқоридаги хужжат давлат буюртмаларини жойлаштиришда экологик сиёсатни ҳам амалга оширишни назарда тутади, яъни зарурий техник-технологик хусусиятларни ишлаб чиқиш, ҳом ашё ва материаллардан фойдаланиш, мос равиша мол етказиб берувчиларни танлаш, экологик талабларни инобатга олган ҳолда энг яхши таклифни баҳолаш учун тавсифномалар бериш ва ҳоказо.

ЕИга кирувчи мамлакатларда давлат хариди ҳозиргача миллий қонунчилик асосида давлат бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Аммо бунда нафақат харидни ташкил этиш бўйича миллий қонунчилик, балки Европа ҳамкорлигининг қонунчилиги ва тавсияларига ҳам катта эътибор қаратилади.

ЕИ давлатларида давлат харидини ташкил этиш бўйича ягона умуммиллий қонун шакллантирилган ва унинг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

- минимал харажат қилиш эвазига давлат эҳтиёжлари учун қилинадиган харидни оптималлаштириш;
- ЕИ ягона бозори ва миллий бозорларда шартномалар тузишда тенг рақобат муҳитини таъминлаш;
- очиқлилик талабларининг бажарилишини таъминлаш;
- ҳаққоний ва очиқ бизнесни амалга оширишга кўмаклашиш;
- кичик бизнес вакилларини давлат буюртмаларини олишига кўмаклашиш.

ЕИ даражасида давлат харидини тартибга солишда, ижтимоий ва экологик барқарорлик принципи бир томондан, рақобатбардошлиқ ва эркин савдо мезонлари иккинчи томондан қарама-қаршиликка дуч келмоқда. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажаришни тартибга солувчи юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий меъёрлар асосида «дискриминация қилмаслик» принципи ётади³³. Яъни, ЕИга аъзо мамлакатларнинг давлат хариди тизимини бошқаришда атайлабдан ички(миллий) манфаатларни устун

³³ Государственные закупки в странах ЕС на примере Италии и Великобритании. <http://www.portal-zakupok.ru/library/168>.

қилмаслик ғояси илгари сурилади. Шундай қилиб, шартномалар тузишда асосий мезон қилиб ёки энг паст баҳо, ёки нисбатан фойдалироқ иқтисодий таклиф, яъни баҳо ва сифат ўртасидаги муносабат олинади.

ЕИда харидни ташкил этиш шакллари, усууларини ишлаб чиқишида, шунингдек, ахборотлар таъминоти тизимини шакллантиришда АҚШ тажрибасидан кенг фойдаланилган. Давлат харидини такомиллаштириш масалалари билан Европада АҚШдан анча кейин шуғулланиша бошлашган, бунинг сабаби - ЕИга кирувчи давлатларнинг қонунчилик тизимидағи турличалик ва ягона келишувга келишнинг мураккаблиги билан изоҳланади. ЕИ мамлакатларида имзоланган шартномалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи асосий ахборот ресурслари, харид таклифи ҳақида бўлиб у «ЕИнинг расмий журнали» да чоп этилиши зарур. Ушбу нашрнинг қоғозли кўриниши 1998 йилда бекор этилган бўлиб, эндиликда расмий электрон маълумотлар базаси «Кундалик электрон тендер» деб юритилади. TEDнинг маълумотлар базасини интернетдан олиш мумкин ва у компакт-дискларда ҳам мавжуд. У ҳар куни 500-750 тача янги зълонлар билан тўлдирилиб, янгиланиб борилади ва ўзида имзоланган шартномалар ҳақида маълумотларни ҳам сақлайди. Шартномалар ва мол етказиб берувчилар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотлар мамлакатларнинг миллий ахборот тизимларида мавжуд, бундан ташқари, давлат хариди иштирокчиларига ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи 200 дан ортиқ ахборот марказлари ҳам фаолият юритадилар³⁴.

ЕИ мамлакатларида харид фаолиятини ташкил этишнинг иккита модели устунлик қиласи: марказлашмаган ва марказлашган.

Иккала усул ҳам барча ривожланган мамлакатларда қўлланилиб келинади. Масалан, Англияда бу вазифалар Давлат ғазначилигининг зиммасига юклатилган.

³⁴ <http://europa.eur.int>.

ЕИда иккала моделнинг бир вактда қўлланилиши кўпроқ самарали эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, харидни умумий бошқариш (меъёрий-хукуқий асосларни шакллантириш, режалаштириш, назорат ва мувофиқлаштириш) фаолияти Молия ёки Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бюджетни шакллантришда амалга оширилади, харид эса маҳсус харид тузилмалари томонидан ташкил этилади. Англияда айнан шу тизим мавжуд бўлиб, асосий мувофиқлаштирувчи орган – Ғазначиликдан ташқари ҳам, соҳага ихтисослашган харид хизматлари бор (масалан, National Health Service Supplies – соғлиқни саклаш миллий тизими учун харид хизмати).

Харидни ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, товарлар ва хизматларни йирик ҳажмда харид этишнинг энг самарали шакли бу очиқ танловлар (тендер) ўтказишидир.

Кўпчилик ривожланган мамлакатлар давлат харидини ташкил этиш асосида тендер савдолари туради. БМТ ва Халқаро Савдо ташкилоти кабилар ўз аъзоларига ушбу турда харидни амалга оширишни тавсия этадилар. Халқаро савдо бўйича БМТнинг Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) давлат харидини амалга ошириш бўйича асос ва намуна бўлиши мумкин бўлган «Товарлар ва хизматлар хариди тўғрисида намунавий қонун»ни таклиф этди³⁵. ХСТ мамлакатларда харидни ташкил этиш бўйича талаблар, аъзо мамлакатлар билан кўп томонли шартномаларда ўз аксини топган. ЕИ мамлакатларининг харид фаолияти ЕИнинг дериктивалари билан тартибга солинади.

Европа харид тизимини бошқариш тамойиллари 1-чизмада акс эттирилган. Мазкур тамойиллар жуда кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилиги асосларини ташкил этади ва халқаро ҳужжатларда, жумладан, ХСТнинг давлат хариди бўйича кўптомонлама шартномаларида ҳам ушбу тамойилларга амал қилиш қаттиқ белгилаб қўйилган.

³⁵ <http://www.cnews.ru/reviews/free/gov2005/part8/europe.shtml>.

- давлат ва жамоат на зоратини таъминлаган ҳолда харидни ташкил этиш шартларига тўлиқ риоя этиш

ҳисоб беришлик

шаффоффлик

- харид ҳақидаги маълумотнинг очиқлиги ва уни олиш имконияти

- дискриминацияга йўл кўймаслик

очиқ рақобат

ҳаққонийлик

- хариднинг барча иштирокчилари учун тенг имкониятлар бериш

1-чизма. Европа харид тизимини бошқариш тамойиллари

Давлат харидини ташкил этишда ишлатиладиган хариднинг очиқ ва ёпиқ бир ҳамда икки босқичли танловлари, хариднинг ягона манбаидан баҳоларни сўраш усулидан ташқари, баъзи мамлакатларда кенг қўлланиладиган таклиф сўровномаси ва рақобатли музокара усуллари ҳам мавжуд. Таклиф сўровномалари энг камида учта мол етказиб берувчига жўнатилиди. Буюртмачи (сотиб оловчи ташкилот) таклифларни баҳолаш мезонларини, унинг нисбий моҳияти ва баҳолашда қандай қўлланилишини белгилайди. Ушбу мезонлар мол етказиб берувчининг бошқарув ва техник талабларга жавоб бериши бўйича, тақдим этилган таклиф орқали кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкинлиги нуқтай назаридан, шунингдек, таклиф этилаётган баҳо, эксплуатация, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини инобатта олган ҳолда

тузилади. Бундай ҳолларда сўровнома юбориш, музокаралар олиб бориш ёки буюртмачи тақдим этилган таклифни қайта кўриб чиқишига рухсат бериши мумкин. Музокаралар сир сакланиш шарти билан олиб борилади ва унда иштирок этиш имконияти, таклифлари рад этилмаган барча талабгорларга берилади. Шундан сўнг, буюртмачи мол етказиб берувчилар охирги таклифларини тақдим этиши лозим бўлган муддатни белгилайди ва тақдим этилган энг яхши таклиф қабул қилинади.

Ейнинг айрим мамлакатларида давлат харидини ташкил этишда миллий мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга 5-10 % миқдорида имтиёзлар тақдим этилади. Айрим ҳолларда бундай имтиёзлар анча юқори ҳам бўлиши мумкин, масалан, Венгрияда бу кўрсаткич маълум вақт оралиғида 20 %ни ташкил этган. Агар қиёслайдиган бўлсак, бизнинг Республикаизда ҳам тендер савдолари бўйича талабгорлар таклифини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга баҳо имтиёзлари тақдим этилган: «...агар тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари иштирок этса, бу корхоналарга товарлар ва хизматлар давлат хариди... тендер савдоларида иштирок этганда 20 фоизгacha миқдорда нарх имтиёзлари берилади»³⁶.

Айрим мамлакатларда давлат буюртмасининг маълум қисми, алоҳида олинган мол етказиб берувчилар учун, хусусан, кичик бизнес вакиллари учун саклаб қолинади. Ҳаттоқи бу мақсадларни амалга ошириш учун йирик буюртмалар, атайин майда бўлакларга бўлиб жойлаштирилиши ҳам мумкин³⁷.

Давлат хариди учун хорижий мол етказиб берувчилар учун ўрнатилган маҳсус тақиқлар билан бирга, анча кўзга

* Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарорига илова қилинган «Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида низом»га маҳсус X-I бўлим киритилган бўлиб, ушбу бўлимнинг 55-пунктида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида галибни аниқлашда баҳо имтиёзларини тақдим этиш шартлари келтирилган.

” Хусусан ушбу соҳага мамлакатимизда ҳам катта эътибор қаратилмокда, жумладан, 2011 йилнинг 7 февралида қабул қилинган ПҚ-1475 сонли «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида» Узбекистон Республикаси Президенти Қарори бунга яққол мисолдир.

кўринмайдиган турдаги тақиқлар – божхона пошлиналари ва нотариф чекловлар (стандартлар, гувоҳномалар, лицензиялар ва ҳ.к.), айрим ҳолларда тўғридан-тўғри тақиқлар ўрнатилади. Бу амалиёт - халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, ХСТнинг фаолияти натижасида секин-аста камаймоқда, аммо ундан тез орада буткул воз кечишнинг иложи йўқ.

Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш бўйича Германия тажрибасини ўрганиш³⁸, ЕИнинг бошқа мамлакатлари тажрибасига нисбатан анча қизиқарлидир. Германия ЕИнинг аъзоси сифатида, давлат хариди соҳасидаги европа қонунчилигига сўзсиз амал қилиши шарт. Акс ҳолда, Европа Комиссияси томонидан маъмурий чоралар қўлланилиши ёки Европа судида жазога тортилиши мумкин. Германия ўзининг миллий қонунчилигини ЕИнинг давлат хариди бўйича қонунчилигига анча муваффақиятли тарзда мослаштириб олган. Чунки рақобат муҳитини шакллантириш ва дискриминацияга йўл қўймаслик, давлат маблағларидан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Германияда давлат хариди мавжуд назорат тизими, ЕИ талабларига жавоб беради, ва шунинг билан бирга айрим ўзига хосликка эга. Унинг назорат доирасига, ЕИ томонидан аниқлик киритилган ва давлат буюртмачисига тенглаштирилган барча ташкилотлар кирадилар. Шундай қилиб, бир қатор хусусий сектор вакиллари давлат буюртмачиси мақомига тенглаштирилган.

Назорат тизими иккита: апелляция (мустақил ташкилот кўринишида) ва суд (суд органи кўринишида) инстанцияни ўз ичига олади. Давлат харидини жойлаштириш бўйича қилинган қарорларни судда кўриб чиқиш имконияти, бу соҳадаги муваффақиятли янгиликлардан ҳисобланади. Қонунчиликка биноан, бу икки инстанция буюртмачи устидан шикоятни тезлаштирилган тарзда кўриб чиқадилар ва инвестиция жараёнларини секинлашувига жиддий салбий таъсир этмайди.

Германияда давлат харидини ташкил этиш марказлашмаган тарзда ташкил этилган. Федерал, ҳудудий ва миллий

³⁸ У.Бурханов. Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf.

ҳокимият органлари, шунингдек, жамият манфаатлари учун фаолият юритаётган хусусий сектор вакиллари, мавжуд қонунчилик асосида ва ўз мажбуриятларини инобатга олган ҳолда буюртмаларни жойлаштирадилар. Бу ерда ҳамон, давлат буюртмаларини жойлаштиришнинг ажратилган тизими амал қиласи: ЕИнинг мос келувчи дериктивалари асосида юқори ва пастки ўлчовлар (пул кўринишида) мавжуд. Шунингдек, буюртмачи фаолияти устидан тушган шикоятларни кўриб чиқишда турли хилдаги тартибдан фойдаланилади.

Давлат хариди тизимни такомиллаштириш ишлари Федерал Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади. Давлат хариди жараёни иштирокчилари ўртасида фикрларнинг доимий ва маҳсулдор алмашинувини йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд меъёрий актларни тушуниш, унга тузатишлар киритиш ва янги таклифлар ишлаб чиқиш доимий тарзда малга оширилади.

Бундан ташқари, Германияда эксперталар ва олимлардан ташкил топган «Давлат буюртмаси Форуми» жамоат ташкилоти фаолият юритади ва ушбу форум доирасида доимий фикрлар алмашинуви, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида давлат хариди соҳасида юзага келаётган янги кўринишларга муносабат шакллантирилади. Шунингдек, форум ҳар йили давлат хариди бўйича энг яхши илмий иш учун мукофот тақдим этади.

Буюртмачиларни қонунни «ижодий» тарзда тушуниши ва конун доирасидан ташқаридаги фаолият билан шуғулланышлари, ёки айрим потенциал пудратчиларни буюртмачи ходимларини «сотиб олиши» (коррупция) билан гирром рақобат усулларидан фойдаланиши, Германияда жуда кам учрайдиган ҳолат.

Шу сабабли, давлат ташкилотларида давлат буюртмасини жойлаштириш билан шуғулланиш учун мустақил шахсларни (ушбу шахсларни ишдан бўшатиш имконияти йўқлигидан) тайинлаш амалиёти мавжуд. Бу шахсларнинг фаолияти юқори турувчи назорат органи Ҳисоб палатаси томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, европа давлат хариди тизимини бошқариш анча илғор тажрибага эга, шунинг билан бир вақтда, тизимда мавжуд айрим камчилик қарши курашиш ва муаммолар ечимини топиш бўйича давлат ҳамда жамоат ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Европа ҳудудида ички интеграция жараёнларининг кучайиб бориши билан, давлат харидини бошқариш механизмлари тобора унификациялашиб бормоқда ва бу Европа ҳудудида ушбу тизимни тартибга солувчи ягона қонунга бўлган талабни янада кучайтирундоқда.

Халқаро молия институтлари тажрибаси. Асосий фаолият мақсади дунёning турли мамлакатларида иқтисодиётнинг маълум соҳаларини ривожлантириш ҳисобланадиган йирик нотижорат ташкилотлар – Халқаро молия институтларининг (ХМИ) жамият маблағлари ҳисобидан харидни амалга ошириш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. ХМИлари йирик миқдордаги маблағларни тўплайди (бадаллик йиғими сифатида иштирокчилардан олинган, шунингдек, тижорат асосида кредит тақдим этиш орқали тўпланган) ва йирик тижорат ҳамда нотижорат тусдаги лойиҳаларни амалга оширади.

Лойиҳалар ХМИлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилар экан, ушбу маблағлардан фойдаланиш ҳамда харидни амалга ошириш тартиби ХМИ томонидан ўрнатилади. ХМИлари томонидан кредит ресурсларини тақдим этиш шартномаларидан ушбу қоида амал қиласди. Чунки бундай шартномалар халқаро мақомга эга, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга оширишда миллий қоидалар эмас, балки ХМИ қоидалари амал қиласди.

Энг машҳур ХМИлар сифатида қуидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Жаҳон банки (ЖБ), ўз ичига Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банкини (ХРТБ), Халқаро ривожланиш ассоциациясини (ХРА) ва бошқа қатор тузилмаларни ўз ичига олади;
- Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ);
- Осиё қитъасида рўйхатдан ўтган мол етказиб берувчилар учун Осиё тикланиш ва тараққиёт банки (ОТТБ);

- турли хил фондлар (Know-How Foundation, USAID) ва бошқа ташкилотлар.

Ҳар қандай лойиҳани амалга оширишда эркин бозордан харид қилинадиган товарлар ва хизматларга эҳтиёж сезилади. Масалан, офис ишини ташкил этиш учун компьютерга, шаҳар сув таъминоти тизимини модернизация қилиш учун янги насосларга, қурилиш ишида инженер хизматига эҳтиёж сезилади.

Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган товарлар ва хизматлар харидини амалга ошириш қоидалари «ХТТА қарзлари ва ХРА кредитлари ҳисобидан харидни амалга ошириш бўйича Кўлланма» келтирилган ва қуидаги усулларни назарда тутади:

- ҳалқаро танлов савдоси;
- миллий танлов савдоси;
- ҳалқаро ёпик савдолар;
- ягона манбадан харид қилиш.

Кўлланмада ҳар бир жараённи амалга ошириш муддатлари аниқ кўрсатилган, ҳар қандай вазиятларда ҳаракатлар кетма-кетлиги, томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, шунингдек, хариднинг мураккаб тури сифатида, ҳалқаро танлов савдоларини амалга ошириш аниқ ёритилган.

Харидни амалга ошириш учун ХМИлар томонидан кўлланиладиган усуллар, шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишда кўлланиладиган қоидалар, жараёнлар кўп жиҳатдан юқорида кўриб ўтилган ЮНСИТРАЛнинг «Товарлар ва хизматлар хариди тўғрисида»ги намунавий қонуни билан ўхшашликка эга. Шундай қилиб, ҳалқаро ҳамжамият етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун жамият маблағларини, солиқ тўловчилар маблағлари бўладими (ривожланган мамлакатларда давлат хариди учун) ёки ХМИлари иштирокчиларининг маблағларини (Жаҳон банки, ЕТТБ лойиҳалари учун харид), уни сарфлашда шартнома тузишнинг танлов технологияларидан фойдаланмоқда.

Умуман, рақобат асосида ташкил этилган харид сотиб олинган товарлар ва хизматларга харажатларни қисқартиришга, харажатларни амалга ошириш самарасини таъминлайди ва дав-

лат маблағлари ҳисобидан буюртмаларни жойлаштиришда коррупция даражасини туширишга ёрдам беради.

Назорат учун саволлар

1. АҚШда давлат харажатларининг бюджетлар ўртасида тақсимланиш даражаси қандай?

2. АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофиқлаштириш органлари кимлар?

3. АҚШда бошқа мамлакатлар амалиётида учрамайдиган харидни соддалаштирилган тартибда амалга ошириш усули қандай?

4. АҚШда харид соҳасига тегишли бўлган барча қонунчилик қандай категорияларга ажратилади ва уларни тушунтириб беринг.

5. АҚШда давлат харидини амалга оширишда қандай электрон технологиялар қўлланилади?

6. ЕИ даражасида давлат эҳтиёjlари учун харидни ягона шартлар асосида амалга оширишни таъминловчи ҳукуқий актларни санаб беринг.

7. ЕИда давлат харидини амалга ошириш қайси тамоилиларга асосланади?

8. Халқаро молия институтларининг жамият маблағлари ҳисобидан харидни амалга ошириш тажрибасини тушунтириб беринг.

3.2. ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Давлат хариди тизими соҳасидаги коррупция узок даврлардан бери мавжуд бўлган ва миллий чегара билмайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашга кўплаб тадқиқотлар бағишланган ва дунё мамлакатлари бўйлаб давлат ва нодавлат дастурлари амалга оширилмоқда, аммо

ушбу тадбирлардан ҳали сезиларли натижаларга эришилаётгани йўқ.

Давлат хариди тизимида коррупциянинг мавжудлиги фақатгина молиявий зарар билан чегараланмайди. Давлат харидини жойлаштириш жараёнида мавжуд коррупциядан давлат ва жамият кўрадиган зарарни шартли равишда тўрт турга бўлиш мумкин:

1. Молиявий йўқотиш – шартномаларни давлат ва жамият учун молиявий зарарли шартларда тузиш. Буни сотиб олинаётган товарлар нархини амалдаги бозор баҳосидан юқори нархларда сотиб олиш, давлат шартномаларида тўловларни кечиктириш эмас, балки олдиндан тўловни амалга ошириш шартларини киритиш ва бошқа кўринишларда кўриш мумкин.

2. Микдорий йўқотиш – етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар ҳажмини керагидан ортиқ ёки кам микдорда бўлиши; товарлар ва хизматларни давлат эҳтиёжлари учун эмас, балки масъул амалдорларнинг шахсий мақсадлари учун харид этиш ва бошқалар.

3. Сифат йўқотиш – сифатсиз товарлар етказиб бериш ва хизматлар бажариш каби зарурий техник талабларни бузган ҳолда шартномаларни тузиш; кафолат муддати ва кафолат муддатидан сўнгги шартларни бажарилишининг нокулай шартлари; бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини текшириш учун етарли назоратнинг талаб этилмаслиги ва ҳоказолар.

4. Сиёсий йўқотиш – мамлакатда инвестицион муҳитнинг ёмонлашуви, фуқаролар томонидан давлат ва давлат тузилмаларига бўлган ишончнинг йўқолиши, мамлакат иқтисодий-молиявий тизимининг издан чиқиши, эркин рақобат тамоийилларининг бузилиши ва бошқалар.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат харидини ташкил этишда коррупцияни бутунлай йўқотишга ҳали ҳеч бир мамлакатда муваффақ бўлинмаган, аммо бу ҳолат коррупциянинг мавжуд даражасини пасайтириш учун олиб бориладиган чора-тадбирларнинг самарасиз ёки натижасиз экан деган фикрни билдиrmайди.

Харид тизими соҳасидаги коррупцияга қарши кураш давлат секторидами ёки тижорат секторида амалга ошириладими, унга комплекс ёндошув бўлишини талаб этади.

Халқаро амалиётда мазкур муаммо ечимида ўз самарасини исботлаган тўртта ёндошув мавжуд:

- Психологик усуллар.
- Техник усуллар.
- Тартибга солувчи жараёнлар.
- Жазо чора-тадбирлари.

Психологик усуллар коррупциянинг бирламчи сабаби бўлган – хизматчининг иш берувчи (ушбу ҳолатда давлат ҳисобидан, яъни бутун фуқаролар маблағлари) ҳисобидан ноқонуний бойишини олдини олишга таъсир этиш имконини беради. Психологик усулларга куйидагилар киради:

Вазифага номзоднинг анкета маълумотларини, унинг биографияси ва олдинги иш жойидан тавсифномани текшириш. Ушбу усул олдинги иш жойидан коррупцион фаолияти ёки жинояти учун ишдан бўшатилган, судланган шахсларни коррупция имконияти мавжуд вазифаларга тайинланишини олдини олишда кенг қўлланиладиган оддий усулдир. Ҳозирда барча давлат органларида вакант ўринлар учун номзодларни текширишда юқоридаги каби текширувлар ходимлар билан ишлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

Номзодларни ишга олишда маҳсус чуқурлаштирилган тестдан ўтказиш (ҳаттоқи «ёлғонни аниқлайдиган детекторлар» - полиграф)дан ҳам фойдаланилади. Жуда кўплаб мавжуд маҳсус тестлар ва компьютер дастурлари иш берувчига номзоднинг аниқ психологик расмини гавдалантириш, шунингдек, унинг иш берувчи ҳисобидан бойлик орттиришга бўлган потенциал интилиш даражасини аниқлашига имкон беради. Ушбу турдаги психологик тестлардан тижорат сектори корхоналари ва ҳарбийлашган тузилмаларда ҳам кенг фойдаланилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишга қабул қилишда полиграф («ёлғонни аниқлайдиган детекторлар»)дан фойдаланиш кўпчилик ҳолларда инсоннинг конституцион

хуқуқларини поймол этиши тұғрисидаги асосли қаршиликтарга ҳам сабаб бўлади.

Ходимларни вақт-вақти билан садоқатлигини текшириб туриш, ва бунда, провокацион усуллардан ҳам фойдаланиш тижорат секторида кенг тарқалган. Айборларни «кўргазма» ҳолда фош этиш ва жазолаш юқори самарали антикоррупцион тадбирлардан ҳисобланади. Босим остидаги психологик муҳит ва ходимларнинг юқори даражадаги қўчиши, ушбу усулнинг қарама-қарши таъсири сифатида намоён бўлади. Айрим ҳолатларда, давлат хизматида мазкур усулдан коррупцияга қарши профилактик тадбир сифатида эмас, балки рақобатчи-амалдорни йўқ қилиш учун кўлланиладиган «ғирром» курашда фойдаланилади.

Ходимларнинг ўз-ўзини назорат қилиш тизимини ташкил этиш (талабгор хабар етказувчилар). Ушбу усулдан йирик тижорат тузилмаларида маҳсус ташкил этилган усул сифатида кенг фойдаланилади. Қанчалик нокулай бўлишига қарамасдан ушбу усул жуда самарали ҳисобланади. Давлат секторида ҳар доим ҳам қўлланавермайди, аммо ўзига хос шаклда намоён бўлади. Кўпчилик ҳолатларда давлат корхоналари тизимида талабгор хабар етказувчилар тизими расмий регламентга эга эмас ва у айрим олинган раҳбарлар учун ахборот манбай ҳисобланади.

Ходимларнинг самарали мотивацияси нафақат харидни амалга оширувчи амалдорларни молиявий рағбатлантиришни билдиради, балки у ходимни иш берувчи билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш хоҳишини рағбатлантирувчи, масалан ташкилотда ўз профессионал карьерасини амалга ошириш каби, маҳсус дастурлардан ташкил топади. Европа мамлакатларида, давлат хариdi учун жавобгар амалдор, маҳсус категорияли ходим сифатида бошқа касбдошларига нисбатан юқори пул мукофоти – вижданан фаолият юритганлиги учун ўзига хос тарздаги мукофот оладилар.

Буюртмани жойлаштириш Комиссияси аъзоларини доимий ротация қилиш, амалдорларни мол етказиб берувчилар билан тил бириктиришларини олдини олади.

Коррупцияга бефарқ бўлмайдиган корпоратив этикани шакллантириш (касбий кодекс ва қизиқишлиар тўқнашувини бошқариш кодексини ишлаб чиқиц, маҳсус ўқув дастурларини амалга ошириш), хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши кураш стратегиясининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ҳар қандай йирик халқаро компанияда этика кодекси – ҳар бир ходимнинг ҳаёт тарзи ва ахлоқини регламенти ҳисобланади. Кодексда ходимларнинг ахлоқий этикаси ва қоидаси, қизиқишлиар тўқнашуви натижасида юзага келадиган қарама-қаршиликларни ҳал этиш йўллари ўз ифодасини топган. Баъзи ҳолатларда, этика кодекси меҳнат шартномасининг таркибий қисми ҳисобланади, унга амал қилмаслик ходимни ишдан бўшатилишга олиб келиши ҳам мумкин. Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олишга қаратилган этика кодексларидан кенг фойдаланилади. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, этика кодекслари ташкилотнинг барча ходимлари учун мажбурий ва доимий тренинг дастурлари ташкил этилгандагина ўз функциясини тўла бажаради.

Техник усууллар битим иштирокчиларини бир-бирлари билан учрашиш имкониятини йўқотиб ёки коррупционерни қўлга тушиб қолиш рискини оширади, сотиб олувчи бўлинмалар ва сотувчилар ўртасида тил бириктиришларни олдини олади ва ушбу имкониятни сезиларли даражада пасайтиради. Бундай усууллар сирасига:

Харид билан шуғулланувчи ходимнинг музокаралар олиб борувчи хоналарини назорат тизими ва видеокузатув ускуналари билан жиҳозлаш. Ушбу тизимнинг аналоги сифатида АҚШ йўл полициясида қўлланиладиган антикоррупцион тизимни келтириш мумкин. Яъни унга кўра, йўл полицияси ходимининг қоидабузар билан муносабати, фақатгина, патруль хизмати машинасида ўрнатилган маҳсус видеокамера қаршисида амалга оширилиши лозим.

Хизмат почта ёзишмаларини мониторинги. Тижорат сектори тузилмаларида кенг қўлланилади, ва асосан, ушбу функция ички хавфсизлик бўлинмасининг вазифасига киради.

Ушбу усулдан давлат хизматида фойдаланишнинг юридик жиҳатдан қанчалик мувофиқлиги баҳсли мавзу бўлиб қолмокда.

Замонавий информацион технологиялардан фойдаланиш (электрон савдолар тизими, интернет-дўкон ва электрон савдо майдонлари) харидни амалга оширувчи ходим ва сотувчини бевосита учрашиш имкониятини пасайтиради, ва ушбу усулдан ҳам давлат сектори, ҳам тижорат тузилмалари кенг фойдаландилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим объектив сабабларга кўра харидни ташкил этишнинг бу тури ҳажми унчалик катта эмас ва кичик ҳажмдаги харидни амалга оширишда қўлланилади.

Мавжуд тижорат ёки маҳсус шакллантирилган каталоглар асосида харидни ташкил этиш ҳам тижорат, ҳам давлат секторида кенг қўлланилади.

Бунга ёрқин мисол сифатида барча федерал бўлинмаларни жорий таъминот (материал-техник таъминот) масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи АҚШнинг Умумий хизматлар Девони тажрибасини келтириш мумкин. Девон доимий тарзда турли хилдаги товарлар/хизматлар учун конкурс эълон қилиб туради ва унинг натижалари (баҳолар, етказиб бериш муддатлари ва бошқа шартлар) маҳсус каталогларга киритилади. АҚШдаги бирор давлат бўлинмаси «стандарт» маҳсулотни харид этиш зарур бўлганда, Умумий хизматлар Девони томонидан жўнатилган каталогдан зарурий товар/хизматни топиб, уни ҳеч қанақа ортиқча жараёнларсиз каталогда кўрсатилган шартлар асосида сотиб оладилар.

Тартибга солувчи усулларни қўллаш – коррупцияни юзага келиш рискини пасайтиришга қаратилган барча расмий ички қоида ва жараёнларни амал қилиш орқали харидни амалга оширишни билдиради. Ушбу ҳолатда коррупцияга қарши турувчи чора-тадбирлар комплекси икки хил йўналишда амалга оширилади:

1. Давлат буюртмасини жойлаштиришнинг потенциал жиҳатдан коррупцияни келтириб чиқарувчи жараёнларини тартибга солувчи самарали қоидалар тизимини шакллантириш.

2. Ушбу қоидаларни амал қилишни назорат этишнинг аниқ механизмларини шакллантириш. Давлат буюртмасини жойлаштириш жараёнларида коррупцияни юзага келиш рискини пасайтирувчи қоидалар тизимида мустақил (дастлабки ва сўнгги) назоратни амалга оширишга имкон берувчи назорат нуқталарини (харид жараёнларига бевосита алоқадор бўлмаган бўлинмалар билан олдиндан келишиб олиш ва бошқалар) мужассамлаштириш лозим.

Жазо чора-тадбирларини қўллашдан мақсад давлат буюртмасини жойлаштиришга масъул бўлган шахсларнинг коррупцион фаолиятининг «фойдасиз» қилиб қўядиган муҳитни шакллантириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган усулларни амалиётда қўллаш ҳар бир усулнинг хусусиятидан келиб чиқиб чегараланган ва давлат томонидан қўшимча молиявий ресурслар ажратилишини талаб этади. Масалан:

1.Психологик усулларнинг қўллаш самараси қўйидагилар билан тавсифланади:

- ушбу йўналишга жалб этиладиган мутахассиснинг квалификация даражаси: сұхбат олиб бориш маҳорати, номзодларни психологик тестдан ўтказиш, номзодлар ва ходимлар ҳақида шахсий маълумот тўплаш ва уни таҳлил этиш, маҳсус асбоблардан фойдаланиш (полиграф, сұхбат ва ёзишмаларни назорат этиш ва бошқалар);

- баҳолаш ва хулоса беришнинг субъективлиги: ходимни ёки маълум вазиятни баҳолаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиша ушбу соҳада эксперт саналган мутахассиснинг хуносаси катта рол ўйнайди. Шунинг учун хато қилиш (ёки билиб туриб) эҳтимоли мавжуд;

- харидни амалга оширувчи бўлинма ходимларига(шунингдек, вижданан фаолият юритадиган ходимларга ҳам) ушбу усулларнинг қўлланилиши, уларнинг ҳукуқларини чегаралashi мумкинлиги билан ёқмаслиги мумкин.

2.Техник усулларни қўллашнинг чегараланганилиги, сотиб олинадиган товар ва хизматларнинг хусусияти ва потенциал

мол етказиб берувчиларда техник воситаларнинг қанчалик кенг тарқалганлиги билан тавсифланади:

- биржадаги стандартлашган ва ўлчаш осон бўлган товарлар ҳамда хизматларга (масалан, нефт маҳсулотлари, кўмир, дон, металл ва бошқалар) нисбатан қўллаш осон ва самаралидир;
- ушбу усулни ўзига хос хусусиятга эга бўлган аниқ ўлчамларга эга бўлмаган товарлар ва хизматлар учун қўллаб бўлмайди. Бундай ҳолатларда, истеъмолчи ва сотувчи товар ҳамда хизматларнинг техник хусусиятларини ўзаро келишиб, аниқлаштириб олишлари лозим бўлади. Мисол тариқасида лойиҳалаштириш, маслаҳат ва қидирув ишлари кабиларни келтириш мумкин.

3. Тартибга солиш усулларининг қўлланилиш самаралилигига фақатгина тартибга солишни тўла ва аниқ бажаргандагина эришиш мумкин. Шундай қилиб, ушбу усул зарурий қоида ва жараёнлар устидан назорат механизмларининг самарали ўрнатилишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

4. Агар «жазодан қочиб қутулиб бўлмаслик» механизми етишмаса, жазо чора-тадбирларини қўллашнинг амалийлик ва бирор натижа бериши унчалик ҳам катта бўлмайди.

Давлат хариди жараёнларида коррупция даражасини пасайтиришга фақатгина комплекс ёндашув, яъни хариднинг барча босқичларида унинг барча усулларидан баланслашган ҳолда фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Алоҳида олинган усуллар ёки соҳалар билан чегараланиб қолиш орқали фақатгина қисқа муддатли натижаларга эришиш мумкин. Аммо маълум вақт ўтгандан сўнг, ноқонуний даромад топишнинг кўриниши ва механизми ўзгаради ва назорат қамраб олмаган соҳаларга ўтади. Натижада, коррупция натижасида йўқотиладиган заарлар олдинги миқёсига чиқиб олади ва ҳатто унинг кўлами янада кенгайиши ҳам мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Давлат харидини ташкил этишда коррупциянинг қандай заарли оқибатлари мавжуд?
2. Давлат хариди жараёнларида коррупциядан давлат ва жамият кўрадиган молиявий заар сиёсий заардан қандай фарқланади?
3. Коррупцияга қарши курашда қўлланиладиган психологияк усуллар нима?
4. Коррупцияга қарши қўлланиладиган усулларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини тушунтириб беринг.
5. Этика кодексининг моҳиятини тушунтиринг.

IV боб. ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

4.1. ДАВЛАТ ХАРИДИННИГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этишининг яқин келажақдаги асосий истиқболли йўналиши бу – интернет ва замонавий технологияларга асосланган электрон харид ҳисобланади. Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилот мутахассислари давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш лойиҳалари бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибалари ҳақида маълумотларни тўплаб, уни тизимлаштирумокдалар.

Давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш ва уни ривожлантириш, дунё миқёсида савдони электрон тарзда ташкил этиш анъанасининг табиий давоми ҳисобланади.

Замонавий тармоқ технологияларидан давлат харидини ташкил этишда фойдаланиш, харидни қоғозли ҳужжат айланмасига асосланган анъанавий тарзда ташкил этишга нисбатан бирқанча ютуқларга эга. Танлов ҳужжатларини «қоғозли» ташкил этиш, танлов ҳақида матбуотда эълон нашр этиш, товар етказиб берувчилар билан мулоқот, танловга иштирок этиш учун аризаларни тўплаш каби технологияларни идеал тарзда ташкил этилганда ҳам, ушбу жараён давлат буюртмачисидан анча куч ва вақт талаб этади. Агар ҳужжатларга тузатиш ва аниқлик киритиш талаб этилса, унда барча жараёнларни деярли бошдан қайта бошлиш керак бўлади. Анъанавий усулда харидни ташкил этишда товар ва хизматлар етказиб берувчиларга ҳам анча нокулайликлар мавжуд, масалан, танлов ҳақида маълумот топиш, ҳужжатлар тўламини сотиб олиш, уни аниқлаштириш ва тўлдириш, аризаларни тақдим этиш зарур.

Интернет-технологияларни жорий этиш, савдони ўтказишга тайёргарлик жараёнларини ва танлов савдоларини самарадорлигини сезиларли даражада оширади, танловга иштирок этишни соддалаштириш ва унинг шаффофлигини ошириш ҳисобига товар ва хизматлар етказиб берувчилар сонини ортишига олиб келади. Давлат буюртмасини жойлаштириш бўйича савдоларга мамлакатнинг чекка ҳудудларидағи кичик ва ўрта корхоналар ҳам иштирок этиш имконияти ошади. Натижада, рақобат кучайиб, анча фойдали таклифлар юзага чиқади.

Жаҳон банки дунёдаги йирик халқаро молия институти сифатида, бугунги кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатларга давлат харидини ташкил этишда электрон савдолар тизимини жорий этиш бўйича кўмаклашмоқда. Мазкур ёрдам маслаҳат шаклида бўлиб, унинг йўналишларини қуидаги 11–чиzmадан кўриш мумкин.

Барча материаллар Жаҳон банкининг сайтида (www.worldbank.org/procurementforum) нашр этилади ва барча хоҳловчилар ундаги мунозараларда иштирок этиши мумкин. Одатда, ушбу материалларни тайёрлаш ва ундаги муаммолар буйича баҳсларда, дунёning турли мамлакатларидан электрон давлат хариди тизими билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этадилар. Ишчи гуруҳ раҳбарлари ўз мамлакатларида бажарилиши кўзда тутилган стратегик лойиҳалар, тактик қадамлар, жараёнда юзага чиқаётган муаммоларни вебсайт фойдаланувчиларига тақдим этадилар.

Нашр этилган материалларнинг таҳлили, давлат харидини электрон тизимини ташкил этишнинг асосий ривожланиш аниъналарини аниқлаш, айрим намунавий моделлар ва уни ташкил этиш усулларини ўрганишга имкон беради.

| Электрон савдоларни жуда тез суръатларда ўсишига интернет, телемулоқот ва ахборот технологиялари катализаторлик ролини ўйнамоқдалар.

Даврий конференция ва семинарлар олиб борилмоқда

Иқтисодий, хуқуқий, техник тусдаги таклифлар ишлаб чиқиш бўйича гурух тузилган

Мавзуга бағишиланган интернет-форум ташкил этилган

11-чизма. Жаҳон банкининг электрон харид тизимини шакллантириш бўйича техник ёрдам шакллари

Давлат эҳтиёжлари учун электрон савдолар тизими АҚШ, Мексика, Чили, Перу, Европа Иттифоқи қабиларда электрон савдолар тизимининг янги бир варианти сифатида юзага келди. Яъни B2B (business-to-business) секторининг ривожланишида янги фрагмент – B2G (business-to-government) ажралиб чиқди. Бу ўз навбатида, зарурий техник, технологик, хуқуқий базани янада такомиллашувига олиб келди. Австралия, Канада, Саудия Арабистони каби давлатларда эса, давлат тузилмаларини замонавийлаштириш дастури доирасида ва «электрон хукумат» (e-government) га ўтиш билан давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш тизими жорий этилди. Яъни «электрон хукумат» дастурини жорий этиш жараёнида хуқуқий асосларни модернизация қилиш, техник ва технологик замин ҳозирлаш, ундан сўнг, давлат харидини электрон ташкил этиш тизими инфратузилмасини босқичма-босқич амалга оширилди. Ушбу дастурни амалга ошириш, давлат билан янги телемулоқот муҳитда яқиндан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган тижорат тузилмаларини эътиборини ўзига тортди ҳамда .

ахборот технологияларига бўлган инвестициялар микдорини ошишига олиб келди.

[Танлов стратегияси ёки стратегияни танлаш қуйидаги омиллар билан аниқланади:

тижоратнинг ва электрон тижоратнинг ривожланганлик даражаси, жумладан:


- қонунчиликнинг тайёрлиги;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилиши;
- интернет технологиялари, техник асос ва телемулоқот инфратузилма тизимининг ривожланганлик даражаси.

Ушбу омилларнинг турли мамлакатлар учун таҳлилини ўрганиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон учун юқоридаги стратегик йўналишлардан, яъни давлат харидини электрон тизимини ташкил этишни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида давлатнинг фаол иштирок этиши муҳим ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатда электрон савдолар тизимини ташкил этишни ишлаб чиқиш босқичлари, ўша мамлакатнинг интернет-технологияларининг техник йўналишлари ривожини ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, электрон савдолар тизимини ишлаб чиқиш, аста-секин танловларни тайёрлашни янги технологик даражага олиб чиқади. Баъзи мамлакатларда шартномаларни тузиш жараёнлари аввалдан автоматлаштирилган бўлиши мумкин ва бу давлат харидини электрон ташкил этиш жараёнини тезлаштиради.

Тендер асосида ташкил этиладиган савдоларни тайёрлаш ва ўтказишнинг намунавий моделини кўриб чиқамиз. Ушбу модел умумлаштирилган модел ҳисобланади. Ҳар бир тендер савдоларни ўтказиш тартиби ўзгача бўлиши мумкин, масалан, кўшимча босқичларни ўз ичига олиши, икки-қадамли таркибдан ташкил топиши ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Аммо биз учун энг муҳими, хорижий мамлакатларда танлов асосида ташкил этиладиган мавжуд савдоларни ташкил этиш тажрибаларини умумлаштириш, интернет-технологияларни кўллаш орқали давлат харидини ташкил этиш самарасини оширишдир.



12-чизма. Очиқ савдолар самарадорлигини ошириш талаблари

Күйидаги 13-чизмада танлов асосида савдоларни ташкил этишни тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий босқичлари акс эттирилган. Горизонтал чизиклар орқали иштирокчиларнинг, яъни буюртмачи ва товар етказиб берувчиларнинг ўзаро муносабати кўрсатилган. Савдода иштирок этувчилар фаолиятини самарадорлигини оширишнинг энг қулай ва содда йўли бу – замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали, ушбу фаолиятни автоматлаштириш ва соддалаштиришdir.

Дастлаб, ушбу жараёнларни автоматлаштириш ва ахборотлаштириш потенциал имкониятларини кўриб чиқамиз, сўнгра – ушбу жараёнларнинг турли мамлакатлар бўйича қайси босқичдалиги, мутахассислар тўқнашган муаммолар ҳақида аниқ мисоллар келтирамиз.

Танлов ҳужжатларини тайёрлаш. Биринчи қадам энг оддий ечим – танлов ҳужжатларини тайёрлаш учун ҳужжат тайёрлашни автоматлаштириш тизимини жорий этишдан

иборат. Бу бир давлат буюртмачиси доирасида муаммони ҳал этса, бир қанча буюртмачилар учун эса, танловда иштирок этиш ҳужжатларини ягоналаштириш (унификациялаш) самарадорлигини оширади. Масалан, бу асосий шаблон-майдонлардан ташкил топган ҳужжатлар прототипини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши мумкин.


Танлов ҳақида эълонларни нашр этиши. Бундай турдаги эълонларни нашр этишда, асосан, оддий турдаги ахборот воситаларида – газета, журнал, ихтисослаштирилган иловаларда нашр этилади. Товар етказиб берувчи ушбу ахборотларни топиб, сотиб олиши керак бўлади, аммо ушбу танлов шартлари ҳали уларга тўғри келадими ёки йўқлиги номаълум. Мол етказиб берувчилар учун тўғри келадиган танловларни қидириш жараёнларини автоматлаштиришнинг амалий ижроси пастлигича қолмоқда.

Қоғозли нашрлар билан бир вақтда, танлов эълонларини интернетда жойлаштириш, барча потенциал иштирокчилар учун ахборот олишни таъминловчи ечим ҳисобланади. Электрон эълонни ҳар қандай мол етказиб берувчи, интернетга уланган ҳолда, ўзофисидан туриб танишиб чиқиш имкониятига эга. Бундан ташқари, мол етказиб берувчини қизиқтириши мумкин бўлган танловларни маҳсус қидирув дастурлари орқали автоматик тарзда аниқлаш мумкин.

Интернетда нашр этиши деганда, одатда, давлат буюртмачиси ёки унга тегишли идора вебсайтининг электрон доскасида эълон беришга айтилади. Нашр этиш жойини марказлаштириш ёки танловлар ҳақидаги эълонни ягоналаштириш орқали самарадорликни ошириш мумкин.

Бундай эълонларнинг прототипини алоҳида тайёрлаш мумкин бўлиб, буюртмачи фақатгина шаблонда қолдирилган бўш майдонларни тўлдиради.

Агар эълонларни тайёрлаш ва ҳужжатларни тайёрлашни танлов материалларини тайёрлаш бўйича ягона тизимга жойлаштирилса, унда танлов ҳужжатлари майдонидаги маълумотлардан фойдаланиб, эълон матнини автоматик тарзда шакллантириш мумкин бўлади.



Товар етказиб бенччи

13-чизма. Танлов асосида савдоларни тайёрлаш ва ташкил этишнинг намунавий модели

Буюртмачи учун факат танлов ҳақидаги эълонни нашр этувчи тугмачани босиш қолади.

Танлов ҳужжатларини тақдим этиш. Одатда, танлов ҳужжатларини тақдим этиш бир-қанча майда қадамлардан ташкил топган бўлади ва улар орасидан қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- буюртмачи томонидан тайёрланган танлов ҳужжатларини тираж этиш;
- мол етказиб берувчини танлов ҳужжатларини олиши ёки сотиб олиши.

Мол етказиб берувчиларни танлов ҳужжатларини сотиб олиш амалиёти, афсуски, кўплаб мамлакатларда қўлланилган ва ҳамон қўлланилиб келмоқда. Бунда ҳужжатлар тўплами ning баҳоси, уни тайёрлаш ва тираж этиш билан боғлиқ харажатлар йигиндисидан ташкил топади. Ҳужжатларни тайёрлашнинг автоматлашган тизимини ишлаб чиқиш орқали, юқоридаги харажатларнинг биринчисини сезиларли микдорда пасайтириш мумкин, ҳужжатлар тўпламини интернетда жойлаштириш орқали эса, иккинчи турдаги харажат микдорини пасайтириш мумкин. Агар ушбу маълумотлар мол етказиб берувчи учун қизиқарли бўлса, унда у танлов ҳужжатлари тўпламини ўзига ёзиб олади.

Танлов шартларини тушунтириши. Бу босқичда, одатда, икки хил ҳолат юзага келади: ёки мол етказиб берувчига нимадир тушунарсиз бўлиб, у буюртмачига мурожаат этади, ёки буюртмачининг ўзи танлов шартлари(ҳужжатлар тўплами)даги айрим ҳолатларни тушунтиришни зарур деб топади.

Биринчи ҳолатда, танлов бўйича мол етказиб берувчи саволларига буюртмачи мутахассислари томонидан берилган тушунтиришларни электрон хатларни барча қизиқувчиларга жўнатиш орқали муаммони самарали тарзда ҳал этиш мумкин.

Иккинчи ҳолатда, танловнинг барча иштирокчиларини оператив тарзда хабардор қилиш учун, ойдинлик киритилган ҳужжатлар ҳақида вебсайтда эълон қилиш, ёки ариза берганлар ва қизиқиш билдирган барча томонларга электрон почта жўнатиш зарур бўлади.

Интернет тезлик ва самарадорлик нүқтаи назаридан, харидни ташкил этишда қолган барча мавжуд вариантыннан устунликка эга.

Танлов аризаларини йиғиши ва рўйхатдан ўтказиш. Автоматлаштириш нүқтаи назаридан бу босқич энг мураккаб ҳисобланади. «Қоғозли» савдоларда анъанавий ҳужжатлар тўпламини, мол етказиб берувчи, ҳужжатларда мол етказиб берувчини аниқловчи муҳр ва имзо билан буюртмачига жўнатади. Ушбу ҳужжатлар тўплами муҳрланган бўлиб, муддатидан олдин очилмайди.

Ҳужжатларни интернет орқали жўнатишда эса, имзо чекувчини аниқлашга имкон берувчи механизм ишлаб чиқилган. Бу – электрон имзо тури бўлиб, «рақамли имзо» деб юритилади. Рақамли имзо технологияси электрон ҳужжатни айнан ким имзолаганини аниқлаш имконини беради. Бунда қалбаки имзо қилиш имконияти умуман мавжуд эмас ва ҳужжатни факат кимга жўнатилган бўлса, ўша ўқиши мумкин бўлади (бу ҳолатда танлов ташкилотчилари). Ушбу ҳолат кўплаб мамлакатларда рақамли имзони, қўл орқали чекилган имзо билан бир қаторда фойдаланишга имкон берувчи конуний актларни қабул қилишига олиб келди.

Конвертларни очиш ва голибни аниқлаш. Ушбу босқичда автоматлаштириш ва интернет-технологияларни қўллаш орқали оптималлаштириш мумкин бўлган иккита қадамни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- нотўғри тузилган аризаларни бекор қилиш;
- топширилган мезонлар бўйича таклифларни гурухлаш.

Аммо, маҳсус автоматлаштирилган тизимни қўллашнинг ўзи ҳам танлов ҳужжатларини нотўғри тўлдиришни олдини олади. Таклифларни жадваллар кўринишида турли гурухларга ажратиш ёки солиширишни компьютерда самарали тарзда амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатда, давлат буюртмачиси эксперти олдига танловга тақдим этилган аризаларни таҳлил этишда ижодий тарзда ёндошувни амалга ошириш қолади холос, барча вақт ва

куч талаб қилувчи ишлар автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади.

Биз юқорида танлов натижаларини матбуотда эълон қилишни алоҳида бўлим сифатида кўриб ўтмадик, аммо шуни таъкидлаш лозимки, натижаларни интернетда нашр этиш тезлик ва самаралик бўйича «қоғозли» нашрдан анча илгор усул ҳисобланади.

Шартнома тузиш. Мазкур босқич танлов асосида савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш доирасидан ташқарига чиқади. Аммо, бу жараёни юқоридаги босқичлар билан туташган бўлиб, бутун танлов асосида электрон савдоларни ташкил этиш самарадорлиги таҳлил этиш учун, шартнома тузиш жараёнини ҳам кўриб чиқамиз. Масалан, Австралияда, давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш инфратузилмасини ишлаб чиқилган бўлиб, кейинги босқич сифатида шартномаларни тузиш ва уни бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши автоматлаштириш жараёни устида ишлар амалга оширилмоқда.

Бу босқичда шартномаларни ва зарурий хужжатларни стандартлаштириш ва унификациялаш талаб этилади. Шунингдек, ҳуқуқшунослярнинг фаоллиги, ҳуқуқий хужжатларда керакли ўзгаришларни амалга ошириш ва автоматлаштириш воситаларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Давлат шартномаларини ижро этишда материалларнинг шаффоғлигини таъминлаш ва албатта, жорий ҳисбот материалларини интернетда нашр этиб бориш анча самарали йўналиш ҳисобланади.

Давлат харидини электрон тизимини ишлаб чиқиши босқичлари. Энди танлов асосида савдоларни ташкил этиш жараёнининг бошланиш қисмига қайтиб, турли мамлакатларнинг янги технологик базага ўтиш йўлида эришган ютуқлари билан танишамиз.

Интернет-технологиялар асосида давлат харидини амалга ошириш самарадорлигини оширмоқчи бўлган барча мамлакатлар, савдолар ҳақидаги бир вақтда ҳам электрон

нашрларда, ҳам қоғозли нашрларда эълонлар беришдан бошлишганлар.

АҚШда федерал агентлик савдолар ҳақида эълонни Commerce Business Daily ҳамда унинг электрон вариантини интернетда нашр қилишлари шарт.

Мексикада давлат хариди тизимидаги савдолар ҳақида эълонлар Federal Official Gazette ва давлат харидига бағишиланган Compranet вебсайтида нашр этилади.

Австралияда маҳсус идора – Department of Contract and Management Services (CAMS) ташкил этилган бўлиб, у электрон давлат харидига оид барча материалларни интернетда эълон қилиб боради (www.contracts.wa.gov.au).

Аргентина, Канада, Колумбия, Корея каби давлатларда давлат хариди билан боғлиқ барча савдолар интернет билан бир қаторда «қоғозли» матбуотда эълон қилиниб борилади. Шуниси эътиборлики, эълонлар интернетда қоғозли вариантга нисбатан анча олдинроқ нашр этилади, ва бунга сабаб, интернетда типографиялардаги каби нашр билан боғлиқ вақт йўқотишлари учрамайди.

Танлов хужжатларини олиш ва танлов шартларини аниқлаштириш каби босқичлар интернет орқали самарали амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, танлов хужжатлари ҳамма мамлакатларда ҳам текинга берилмайди. Жорий қилинган тўловлар сезиларсиз миқдорда кичик бўлиб, кредит кардлар ёрдамида тезда тўловни амалга ошириш мумкин.

Австралияда давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш анча илғор бўлиб, бу ҳам техник жиҳатдан ҳам буюртмачи ва мол етказиб берувчи ўртасидаги мулоқотни замонавий технологиялар асосида ташкил этилганлигида яққол намоён бўлади. Шартномалар ҳақида ахборот мавжуд бўлган вебсайтдан танлов учун зарур барча хужжатлар тўпламини топиш ва ундан фойдаланиш мумкин. Бунда сайтдан фойдаланувчига турли туман ёрдамлар, аниқликлар яратилган бўлиб, қизиқтирган саволни электрон почта орқали сўраш имконияти мавжуд.

Анча мураккаб муаммолар кейинги икки босқичда – ариза бериш ва конвертларни очиш жараёнида юзага келади. Мураккаблик муаллифликни аниқлаш, ариза очилгунча маҳфийликни таъминлаш билан боғлиқдир. Бу босқичда ташкил этилган ва ташкил этилаётган миллий давлат хариди тизимларида «рақамли имзо» технологиясидан, ёки очик қалит (PKI – Public Key Infrastructure) инфратузилмасидан фойдаланилади.

PKI технологияси ҳақида батафсил тўхталимасдан, таъкидлаш лозимки, ушбу технология ёрдамида мол етказиб берувчи компания давлат сертификат маркази – давлат буюртмачиси томонидан мол етказиб берувчиларни аутентификация қилиш мақсадида ташкил этилган марказидан рўйхатдан ўтади. Австралияда бу ташкилот Government Public Key Authority (GPKA) деган ном олиб, кейинчалик Gatekeeper Policy Advisory Committee (GPAC) деган ном билан атала бошлади. Ушбу Қўмита таркибида Австралия Саноат вазирлиги, Федерал ва муниципиал ҳукумат органлари вакиллари ҳам киритилган. Марказий сертификат марказининг жойларда филиаллари мавжуд бўлиб, улар рўйхатдан ўтказиш ва сертификат бериш ҳуқуқига эгадирлар. GPAC нинг олтига филиали мавжуд бўлиб, яна олтига сертификатлаштириш марказлари лецензия олиш арафасида.

Рақамли имзо ва PKI технологиясидан фойдаланиш имкониятини, албатта, қонуний асосда таъминлаш лозим. Бундай қонуний актлар, 1999-2001 йилларда, АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Мексика, Чили, Аргентина, Колумбия ва Австралияда қабул қилинган. 2002 йилда «Электрон рақамли имзо ҳақида» ги қонун Россияда ҳам қабул қилинди. Ушбу қонун электрон рақамли имзони, қофозли асосдаги имзо билан тенглаштирувчи шарт-шароитларни белгилаб беради.

Давлат харидини электрон тарзда ташкил этишининг хорижий мамлакатларда мавжуд модел ва усусларини таҳлили куйидагича хulosса қилиш имконини беради:

1. Давлат харидини электрон тарзда ташкил этишининг асосий иккита стратегик йўналишини кўрсатиш мумкин:

- электрон савдоларни ташкил этишнинг бир модели сифатида;
- хукуматнинг давлат харидини ташкил этиш жараёнларини самарасини ошириш ташаббуси сифатида.

Бу соҳада катта ютуқларга эришган мамлакатларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Дастлабки йўналиш бўйича АҚШ, кейинги йўналиш бўйича Австралия бошқа мамлакатларга нисбатан анча олдинги ўринларни эгаллайди. Стратегияни танлаш бўйича омиллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун иккинчи йўналишни танлаш истиқболли ҳисобланади.

2. Давлат харидини ташкил этиш тизимида савдоларга тайёргарлик ва уни олиб бориш технологияси турли мамлакатларда деярли бир хил ва уни самарасини ошириш усуслари ҳам ўхшашдир:

- савдолар ҳақидаги эълонни интернет билан бир вақтда матбуотда ҳам эълон қилиш ва танлов ҳужжатларини интернет орқали олиш;
- танловга иштирок этиш учун тақдим этиладиган аризаларни қабул қилиш учун рақамли имзо ва сертификатлаштириш механизмларини жорий этиш.

3. Давлат харидини ташкил этишда замонавий технологияларни қўллаш, танлов ҳужжатларини унификациялаш ва танловларни ўтказиш услубиётини ягоналаштиришга хизмат қиласи.

4. Шартномаларни бажарилишини кузатиш тизимини автоматлаштириш айрим мамлакатлардагина ташкил этилган ва бунда интернет технологияларни қўллаш орқали сезиларли самарага эришиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳотлари ва давлат харидини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш асосий истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳада ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди, жумладан:

«Электрон имзо тўғрисида» (11.12.2003й), «Электрон тижорат тўғрисида» (29.04.2004й), «Электрон хужжат айланиши тўғрисида» (29.04.2004й), «Электрон тўловлар тўғрисида» (16.12.2005й) ва бошқалар.

Шунингдек, мазкур қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳукумат томонидан қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (30.01.2007 й. 21-сонли), «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловлар ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (12.06.2007 й. 120-сонли) ва ушбу қарорга илова этилган, 2007–2008 йилларда электрон тижоратни амалга оширишда тўловлар ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Режаси қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишда электрон тижорат механизмларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқди ва ушбу хужжатлар тасдиқланиш босқичида кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги техник ҳамкорликнинг натижаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар, Корея Республикасидаги манфаатдор идоралар билан биргаликда, 2009–2010 йилларда бажарилиши лозим бўлган лойиҳаларни(Корея томони тажрибаси асосида) ишлаб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар, Корея Республикасидаги ваколатли идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида электрон хариднинг ахборот тизими лойиҳасини ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб

чиқилмоқда (Корея томони тажрибаси асосида – «Korean Online Procurement System» -KONEPS).

Шунингдек, «Uzbekistan Development Gateway (UzDG)» компоненти доирасида Иқтисодий ислоҳотлар маркази қошида, Ўзбекистонда биринчи интернет электрон тендер майдони пилот лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳа доимий равишда давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан янгиланиб туриладиган тендер таклифлари бўйича савдоларга хусусий секторнинг иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Лойиҳа ҳамкорлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, UNDP бўлиб, унда ўзбек, рус, инглиз тилларида тендер савдолари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тендерлар www.dgmarket.uz вебсайтида ташкил этилган бўлиб, унда дунёнинг 177 мамлакатидаги очиқ тендерларни топиш ва танишиш имконияти мавжуд. Албатта, ушбу вебсайт орқали биз юқорида хорижий мамлакатлар тажрибасида кўриб ўтган барча операцияларни тўлақонли бажариш имконияти бўлмасада, аммо мазкур танланган йўналиш келажакда республика давлат хариди тизимини тубдан такомиллаштириш учун босилган илк қадам сифатида эътиборга лойикдир.

Юқорида кўриб ўтилган чора-тадбирлар республикада электрон савдо тизимини ривожлантириш учун хукуқий базани шакллантиришда муҳим қадамлар бўлиб ҳисобланади. Электрон савдолар тизими, бизнинг республикамизда ўзининг ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда ва тез орада ушбу тизим замонавий илфор тажрибалар асосида янги босқичга чиқишига умид қиласиз.

Назорат учун саволлар

1. Давлат харидини ташкил этишда интернет-технологияларни жорий этиш анъанавий усуллардан қандай устуворликка эга?

2. Жаҳон банкининг электрон харид тизимини шакллантириш бўйича техник ёрдамини тавсифлаб беринг.

3. Давлат харидини ташкил этишда стратегияни танлаш қайси омиллар билан аниқланади?
4. Очиқ савдолар самарадорлигини ошириш талаблари ни тушунтириб беринг.
5. Тендер савдоларининг умумлаштирилган модели нима?
6. Давлат хариди электрон тизимини ишлаб чиқиш босқичларини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистонда рақамли имзо ва РКІ технологиясидан фойдаланиш имконияти қандай?
8. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини электрон тарзда ташкил этишининг қандай ҳукуқий базаси мавжуд?

4.2. ДАВЛАТ ХАРИДИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТИШ

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментидан турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ўрта маҳсус таълим тизимини ислоҳотлар нафақат ўқув бинолари сонининг ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта туртки берди. 2000 йиллар бошида қурилиш компаниялари ночор аҳволда бўлган бўлишса, ҳозир улар қурилиш-монтаж ва лойиҳаларнинг турли туманлиги ва сифат бўйича хорижий компаниялар билан рақобат қилишмокда. Шунинг билан бир вактда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг турлари ҳам кенгайди. Капитал қурилиш соҳасига давлат буюртмаси аҳоли бандлигини оширишда ҳам муҳим рол ўйнади. Худди шундай мисолни мебел ишлаб чиқариш саноатига нисбатан ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ривожига ва аҳоли

бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этади³⁹:

- очик тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантиришга таъсир этади;
- сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талабларга тенглаштириш орқали, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиш мумкин;
- кичик бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнесни ва рақобатни ривожлантиришга таъсир этиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар фақатгина мамлакат даражасида давлат харидини бошқаришнинг самарали механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Кичик бизнес субъектларини давлат хариди тизими орқали кўллаб-куватлаш бўйича Республикализ Президентининг 2011 йил 7 февралидаги ПҚ-1475 сонли «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори, айнан шу соҳа вакилларини давлат буюртмаларини олиш имкониятларини кенгайтириш, рақобатни янада ривожлантириш ҳамда давлат харидларини амалга оширишда очик-ойдинликни таъминлаш мақсадларини кўзлайди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси тузилиши ва ушбу комиссиянинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

- давлат товар хариди учун йўналтирилган давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, давлат

³⁹ Бурханов У. Давлат хариди. Ўқув кўлланма.infoCom.uz. –Т. 2010.

харидлари соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мунтазам назорат олиб бориш;

- давлат харидларини амалга ошириш самарадорлигини доимий тарзда кузатиб бориш, уларни такомиллаштириш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- давлат харидлари жараёнига кичик бизнес субъектларини фаол ва кенг қамровда жалб этиш учун қулай шартшароитларни яратиш;

- тендер савдоларида қатнашувчи барча субъектлар вакилларининг малакасини оширишга, умумий қабул қилинган ҳалқаро меъёрлар ва стандартларнинг жорий этилишига ёрдамлашиш.

Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, нархи 500 млн. сўмгача бўлган обьектларни қуриш ва реконструкция ишларини бажариш учун пудратчи ташкилот факат кичик бизнес субъектлари орасидан танланиши кўзда тутилган. Шунингдек, рўйхати Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган, ҳар бир шартнома бўйича нархи 300 дан 100 минг АҚШ доллари эквивалентидаги алоҳида турдаги товарлар бўйича давлат харидлари Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдолар воситасида амалга оширилиши алоҳида таъкидланган.

Юқоридаги қарорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси бир ойлик муддат ичида Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини кўллаб-куватлаш Маркази ҳақидаги Низомни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Молия вазирлигига, Иқтисодиёт вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасига – биржа қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Кичик бизнес субъектлари учун молиявий бўнак пули миқдори савдога қўйилувчи товарлар бошланғич нархининг уч

фоизидан ошмаслиги, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг комиссион йигими миқдори эса, ҳар бир томондан битим суммасининг 0,05 фоизидан ошмаслиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу таъкидлаб ўтилган қулайлик ва имтиёзлар республикамизда кичик бизнес субъектларини ривожланишига ва уларнинг давлат буюртмаларини олиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим рағбат ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларидан харид этиладиган давлат эҳтиёжлари учун буюртмаларни кенгайтириш орқали, инновациялар ва рақобатнинг ошиши, бунинг натижасида иқтисодий ўсишга таъсир этиш мумкинлигини хорижий мамлакатлар тажрибаси тасдиқлайди. Шунингдек, кичик бизнес маҳаллий муҳитга ҳам ижобий таъсир этади. Тендерларда кичик бизнес субъектларининг иштироки натижасида кўпроқ таклифнинг тушиши, баҳоларнинг пасайишига ҳамда товарлар сифатининг юқори бўлиши билан, буюртмачиларга қисқа ва узок муддатли фойда келтиради.

Мамлакатимизда давлат харид стратегиясини шакллантиришда, кичик бизнесни иштирокини таъминлашнинг хорижий тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Давлат учун товарлар(ишлар, хизматлар)ни кичик бизнес субъектларидан харид этиш давлат, жамият учун қанчалик фойдали бўлмасин, ушбу жараёнларда юзага чиқиши мумкин бўлган айрим ортиқча харажатларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Буюртмачи учун кичик бизнес харидини амалга оширишининг ортиқча харажатли томонлари:

- айнан кичикроқ мол етказиб берувчи билан ишлашга харакат қилинганилиги учун харид этувчи амалга оширадиган ортиқча харажат. Бу мисол учун, буюртмачини кичик бизнесни ёки кичикроқ фирмаларни давлат хариди тизимидан фойдаланишига қулайроқ имконият берувчи ахборот тизимини ишга тушириш ёки ушлаб туриш харажатларининг ортиши;

- буюртмачи учун навбатдаги энг яхши муқобил таъминотчидан харид қилмасдан, кичик бизнесдан харид қилиш ўртасидаги харажат фарқи;

- етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифатида юзага келиши мумкин бўлган фарқлар;

- кичик бизнес субъектидан қай йўл билан харид қилиш усулининг буюртмачи учун моддий фарқи. Масалан, ушбу – янги узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиши, ёки шартлашишни анча қийин ёки осон қилиши, бошқаришни харажатли эканлиги, ёки ўзгарувчан муҳитга мослашувчан бўлишига олиб келиши мумкин.

Давлат харидини кичик бизнес субъектларидан амалга ошириш билан ҳукуматнинг бошқа органлари зиммасига тушиши мумкин бўлган ташқи харажат қуидагилардан иборат:

- кичик бизнес иштирокини кенгайтириш юзасидан марказий ёки маҳаллий ташаббусни ривожлантириш учун харажатлар;

- ёки давлатнинг бошқа буюртмачилари зиммасига тушадиган харажатлари (кичик бизнес субъектларидан харид қилувчи томонидан инновацияларни промошин қилиш ёки янги таъминот бозорларига юзага келиши каби).

Республикамизда давлат хариди тизимини такомиллашириш ва кичик бизнес субъектларини давлат буюртмаларида иштирокини таъминлаш орқали, иқтисодий ривожланишга таъсир этиш масаласига муҳим йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур стратегияни шакллантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва давлат хариди сиёсатида фойдаланиш, кичик бизнес ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Назорат учун саволлар

1. Давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали соҳалар ривожига қандай таъсир этади?

2. Кичик бизнес субъектларини давлат хариди тизими орқали қўллаб-қувватлаш бўйича Президентимизнинг 2011 йил 7 февралидаги ПҚ-1475-сонли «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб

қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори моҳияти нимадан иборат?

3. Буюртмачи учун кичик бизнес харидини амалга оширишнинг ортиқча харажатли томонлари нималардан иборат бўлиши мумкин?

4. Давлат харидини кичик бизнес субъектларидан амалга ошириш билан ҳукуматнинг бошқа органлари зиммасига тушиши мумкин бўлган ташқи харажат нималардан иборат?

5. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этишда кичик бизнес субъектлари иштироқини таъминлашнинг истиқболли йўналишларини кўрсатинг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАР УЧУН МАВЗУЛАР РҮЙХАТИ

1. Давлат хариди тизимида мавжуд муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари.
2. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини меъёрий-хукуқий асосларини такомиллаштириш.
3. Давлат харидини самарасини ошириш ва уни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш (Performance management).
4. Ўзбекистонда давлат харидини шаффоғлигини ошириш муаммолари.
5. Давлат харидини режалаштиришни такомиллаштириш.
6. Давлат харидини молиялаштиришда хусусий секторни жалб қилиш йўллари (Public-Private partnerships).
7. Давлат секторида инвестицион қарорлар қабул қилиш асослари.
8. Давлат хариди ва шартномаларни бошқариш (Contract management).
9. Давлат секторида лойиҳаларни рискларини ҳисоблаш ва уни молиялаштириш усулларини такомиллаштириш Давлат харидини молиялаштиришнинг муқобил йўллари (нодавлат ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, қарзли молиялаштириш, халқаро грантлар, хусусий сектор билан ҳамкорлик ва ҳ.к).
10. Давлат харидини ташкил этиш бўйича кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш муаммолари.

11. Давлат харидини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўзлаштириш.
12. Газначиликда давлат хариди учун тўловларни амалга оширишни такомиллаштириш йўллари.
13. Бюджетни шакллантиришда давлат харидини режалаштиришни такомиллаштириш йўллари.
14. Давлат хариди тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари.
15. Давлат харидини ташкил этишнинг ахборот тизимини шакллантириш йўллари.
16. Ижтимоий соҳаларда давлат харидини ташкил этиш механизmlарини такомиллаштириш.
17. Давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этиш механизmlарини такомиллаштириш йўллари.

ОРАЛИҚ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН НАМУНАВИЙ ТЕСТЛАР

1. Харид сўзининг маъноси нима?

- А. сотиб олиш;
- Б. сотиш;
- С. қарзга олиш;
- Д. харажатларни амалга ошириш.

2. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлат харидининг микдори ЯИМнинг неча фоизини ташкил этади?

- А. ЯИМнинг 30 фоизини;
- Б. ЯИМнинг 50 фоизини;
- С. ЯИМнинг 11 фоизини;
- Д. Давлат бюджети харажатларининг 80 фоизини.

3. Давлат харидининг предмети нима?

- А. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, ишлар, хизматлар;
- Б. Давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган хом ашё материаллари;
- С. Давлат хариди учун тўланадиган бюджет маблағлари;
- Д. тўғри жавоб йўқ.

4. Куйидагилардан қайси бири давлат харидини ташкил этиш модели эмас?

- А. марказлашган;
- Б. марказлашмаган;
- С. ижтимоий;
- Д. қисман марказлашган.

5. Агар лойиҳани баҳолашда NPV ижобий бўлса....

- А. бундай инвестиция иқтисодий асосланган бўлади;
- Б. қайта ҳисоблаш талаб этилади;
- С. бундай инвестиция салбий бўлади;
- Д. NPVга ДСДДни қўшиб ҳисоблаш зарур бўлади.

6. Давлат секторининг дисконт даражасини ҳисоблаш нима учун зарур?

- А. ҳисоботларни тўғри тақдим этиш учун;
- Б. инвестицион қарорлар қабул қилиш учун;
- С. риск бўлмаган лойиҳаларни танлаш учун;
- Д. бу кўрсаткични ҳисоблаб топиш зарур эмас.

7. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

- А. 26 август 2004 йил;
- Б. 8 август 2003 йил;
- С. 9 феврал 2008 йил;
- Д. 14 декабр 2000 йил.

8. Давлат харидини ташкил этишга кўмаклашадиган ташкилотга қўйидагиларниң қайси бири кирмайди?

- А. Тижорат банклари;
- Б. Молия органлари;
- С. Корхоналар;
- Д. Ҳисоб палатаси.

9. Давлат харидини ташкил этишини марказлашган моделининг қандай камчиликлари бор?

- А. ташкил этиш қимматга тушади;
- Б. эгилувчан;
- С. эгилувчан эмас, аризада кўрсатилган хусусиятлари ўзида акс эттирамайди;
- Д. Молия вазирлиги томонидан назорат этилади.

10. Ўзбекистонда давлат хариди тўғрисидаги қонун қачон қабул этилган?

- А. 14 июн 2009 йил;
- Б. 28 март 2005 йил;
- С. 26 август 2009 йил;
- Д. қабул қилинмаган.

11. АҚШда давлат харидини соддалаштирилган тартиби қачон қўлланилади?

- А. шартнома суммаси 100 минг доллар (йилига 5 млн доллар) дан паст микдорда бўлганда;
- Б. шартнома суммаси 100 минг доллар (йилига 5 млн доллар) дан юқори микдорда бўлганда;
- С. шартнома суммаси 100 минг доллар (йилига 25 млн доллар) микдорда бўлганда;
- Д. томонлар келишганда.

12. Европада давлат харид тизими қайси тамойилларга асосланиб ташкил этилади?

- А. тезкорлик ва арzon;
- Б. шаффофлик, ҳисоб беришилик ва шартларга амал қилишилик, самарали рақобат, ҳаққонийлик;
- С. очиқлик, шаффофлик, тезкорлик, электрон савдолар, марказлашганлик;
- Д. самаралик, ижтимоий, иқтисодий, номахфийлик.

13. Европада давлат харидининг қуйидаги моделлари мавжуд...

- А. тақсимланган, марказлашган;
- Б. аралаш;
- С. очик, ёпиқ, икки поғонали;
- Д. тендер, биржа, ички ва ташқи.

14. Қуйидагилардан қайси бири Юнситрал тамойилига кирмайди?

- А. Очиқлик ва шаффофлик;
- Б. мунозараларни ҳал этиш;
- С. комплекс ёндошув;
- Д. квалификация.

15. Давлат хариdi жараёнида коррупциядан сиёсий йўқотиш нима?

А. шартномаларни давлат ва жамият учун молиявий заарли шартларда тузиш. Буни сотиб олинаётган товарлар нархини амалдаги бозор баҳосидан юқори нархларда сотиб олиш, давлат шартномларида тўловларни кечиктириш эмас, балки олдиндан тўловни амалга ошириш шартларини киритиш ва бошқа кўринишларда кўриш мумкин;

Б. етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар ҳажмини керагидан ортиқ ёки кам миқдорда бўлиши; товарлар ва хизматларни давлат эҳтиёжлари учун эмас, балки масъул амалдорларнинг шахсий мақсадлари учун харид этиш ва бошқалар;

С. сифатсиз товарлар етказиб бериш ва хизматлар бажариш каби зарурий техник талабларни бузган ҳолда шартномаларни тузиш; кафолат муддати ва кафолат муддатидан сўнгги шартларни бажарилишининг нокулай шартлари; бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини текшириш учун етарли назоратнинг талаб этилмаслиги ва ҳоказолар;

Д. мамлакатда инвестицион муҳитнинг ёмонлашуви, фуқаролар томонидан давлат ва давлат тузилмаларига бўлган ишончнинг йўқолиши, мамлакат иқтисодий-молиявий тизимининг издан чиқиши, эркин ракобат тамойилларининг бузилиши ва бошқалар.

16. Коррупция муаммосини ҳал этишга 4 хил ёндашув ...

А. жазо чора-тадбирларини қўллаш, техник усуллар, кузатув, назоратчиларни ёллаш;

Б. психологик усуллар, тартибга солувчи жараёнлар, техник усуллар, жазо чора-тадбирлари;

С. психологик усуллар, тартибга солувчи жараёнлар, иқтисодий усуллар, жазо чора-тадбирлари;

Д. жамоат ёрдами, тартибга солувчи жараёнлар, техник усуллар, жазо чора-тадбирлари.

17. Этика кодекси...

А. ходимларнинг ахлоқий этикаси ва қоидаси, қизиқишилар түқнашуви натижасида юзага келадиган қарама-қаршиликларни ҳал этиш йўллари ўз ифодасини топган;

Б. нафақат харидни амалга оширувчи амалдорларни молиявий рағбатлантиришни билдиради, балки у ходимни иш берувчи билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш хоҳишини рағбатлантирувчи, масалан ташкилотда ўз профессионал карерасини амалга ошириш каби, маҳсус дастурлардан ташкил топади;

С. яхши кийиниш ва сўзлашиш;

Д. тижорат сектори тузилмаларида кенг қўлланилади, ва асосан, ушбу функция ички хавфсизлик бўлинмасининг вазифасига киради.

18. Давлат хариди бўйича хорижий тажрибани ўрганишдан кўзланган мақсад нима?

А. Ўзбекистонда шакллантирилаётган давлат хариди тизими мавжуд олдинги тизимдан фарқ қиласди. Шу сабабли янги тизимини шакллантиришда хорижий илғор тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга;

Б. мавжуд халқаро қонунчилик талаблари шуни талаб қиласди;

С. АҚШ, ЕИ ва ХМТлари Ўзбекистон учун стратегик шериклар ҳисобланадилар;

Д. давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради. Давлат хариди миқдорини ошириб, ижтимоий тангликни юмшатади.

19. «Давлат буюртмаси форуми» нима?

А. АҚШда давлат органлари фаолиятини жамоат назоратига олиш учун тузилган ташкилот бўлиб, у машҳур давлат арбобларидан ташкил топган бўлади;

Б. йирик халқаро маслаҳат ташкилоти;

С. Германияда эксперtlар ва олимлардан ташкил топган жамоат ташкилоти бўлиб, форум доирасида доимий фикрлар

алмашинуви, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида давлат хариди соҳасида юзага келаётган янги кўринишларга муносабат шакллантирилади;

Д. тўғри жавоб берилмаган.

20. «Чегараловчи омил» тушунчаси нимани билдиради?

А. бу талабгорлар ўз танлов таклифларини қийматини ҳисоб-китоб қилиши учун зарур ва етарли бўлган харид қилинаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ва характеристикасини, ишларнинг бажарилиш (товар етказиб бериш, хизматлар) муддати;

Б. келгуси йил учун давлатнинг иқтисодиётга харажатларининг макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети даромадлари прогнозининг сўралган харажат моддаларини молиявий таъминлаш имкониятлари ҳисобланади;

С. бу одатда, ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хукуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши;

Д. барча жавоблар тўғри.

21. Тендер савдоларидан кўзланган асосий мақсад нима?

А. давлат эҳтиёжлари учун қилинадиган хариднинг баҳоси ва сифати ўртасида оптimal даражага эришиш;

Б. бюджет маблағларини тежаш;

С. энг арzon товарлар ва хизматларни харид этиш;

Д. давлат бюджети харажатларини оптimalлаштириш ва қисқартириш.

22. Қандай тендерлар Очиқ тендерлар дейилади?

А. мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча шахслар қатнашиши мумкин;

Б. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади;

С. очиқ савдо майдонларида ўтказилади;

Д. фақат узоқ муддатли шартномага эга ташкилотлар қатнашиши мумкин бўлади.

23. Қандай тендерлар Ёпиқ тендерлар дейилади?

А. мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча шахслар қатнашиши мумкин;

Б. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади;

С. ёпиқ савдо майдонларида ўтказилади;

Д. фақат узоқ муддатли шартномага эга ташкилотлар қатнашиши мумкин бўлади.

24. Қуйидагиларнинг қайси бири тендерларни ташкил этиш тамойилига кирмайди?

А. ошкоралик ва тенглик;

Б. объективлик ва устуворлик;

С. тақорийлик ва тенглик;

Д. устуворлик ва ошкоралик.

25. Давлат харидининг назорат тизими ўз ичига....олади.

А. коррупцияга қарши кураш, ходимларни текшириш, техник назоратни;

Б. бирламчи, жорий, якуний назоратни;

С. фактлар асосида текшириш, ҳужжатлаштириш, жазолаш тадбирларини;

Д. бирламчи, якуний ва режали назоратни.

26. Капитал қурилиш соҳасида давлат харидини ташкил этишда баҳолар мониторингини олиб бориш қайси хуқуқий асосга кўра амалга оширилади?

А. Молия вазирлигининг 2007 йил 9 апрелидаги 798-сонли буйруғи асосида амалга оширилади;

Б. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августидаги 305 сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Низом асосида амалга оширилади;

С. тўғри жавоб келтирилмаган;

Д. ЎзРнинг Давлат бюджети тизими тўғрисидаги қонунига мувофиқ.

27. давлат харидини режалаштиришда мавжуд муаммоларнинг асосий сабаблари қуидагилар ҳисобланади....

А. маблағларнинг чегараланганлиги, харажат-фойда усулидан фойдаланиш, касбий маҳоратнинг етарли эмаслиги;

Б. объективлик ва устуворлик ҳамда такрорийлик ва тенглик тамойилларининг етишмаслиги;

С.бюджет тизимининг такомиллашмаганлиги, харидни режалаштириш услубиётининг етишмаслиги, бюджет даромад ва харажатларини режалаштириш сифатининг пастлиги;

Д. инвестицион дастурлар миқёсининг кенглиги, бюджетнинг ғазна ижросининг такомиллашмаганлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги.

28. Давлат инвестицион дастурларига киритиладиган лойиҳалар нечта босқичда танлаб олинади?

А. марказлашган тарзда;

Б. икки босқичда;

С. уч босқичда;

Д. умумий тарзда.

29. Мажбурият бу...

А. одатда, ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий

мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хукуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади;

Б. томонлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи томон эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув;

С. бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг, товарларни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади;

Д. юридик мажбуриятга мувофиқ товарлар етказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади.

30. Хўжалик шартномаси бу...

А. одатда, ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хукуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади;

Б. томонлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи томон эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув;

С. бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг, товарларни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади;

Д. юридик мажбуриятга мувофиқ товарлар етказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади.

31. Юридик мажбурият бу...

А. одатда, ёзма равища расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хукуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади;

Б. томонлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи томон эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув;

С. бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг, товарларни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади;

Д. юридик мажбуриятга мувофиқ товарлар етказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади.

32. Молиявий мажбурият бу...

А. одатда, ёзма равища расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик хукуқий муносабати

бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади;

Б. тўғри жавоб келтирилмаган;

С. бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг, товарларни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда ғазначилик органларида рўйхатдан ўtkазилганидан кейин вужудга келади;

Д. юридик мажбуриятга мувофиқ товарлар етказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади. Мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши талаб этилади. Масалан, ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи қайдномалари ва бошқа шу каби ҳужжатлар.

**33. Маҳсулотлар сотиб олиш учун бюджет маблаг-
ларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучай-
тиришнинг уч босқичли тизимида иккинчи босқич бу...**

А. офертани қабул қилиб олиш;

Б. шартномани ғазначилик органларида рўйхатдан ўtkазиш;

С. шартномани акцептлаш;

Д. баҳолар мониторингини амалга ошириш.

34. ХАОР нима?

А. харажатларни амалга оширишни режалаштириш;

Б. харажатларни амалга оширишга рухсат;

С. харажатларни акцептлаш орқали режалаштириш;

Д. тўғри жавоб келтирилмаган.

35. Хизматлар кўрсатиш учун савдолар бу....

А. пудрат савдолари сифатида маълум бўлиб, қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда пудратчиларни ёллаш

ва керакли хизматларни бажариш, масалан, кафолат муддати давомида объектни таъмирлаб бориш, персонални эксплуатация хизматларига ўқитиш ва бошқалардан иборат;

Б. техник-иқтисодий, экологик ва турли экспертиза, лойиҳа ишлари, қурилиш лойиҳалари, ишларни сифатини назорат этиш, маълум тадқиқотларни амалга ошириш кабилар учун инженер, юридик, молия-иқтисодий ва бошқа хизматларга йўналтирилган бўлади;

С. давлат ва хусусий сектор учун саноат ва бошқа товар маҳсулотларини харид этишда ишлатилади. Савдонинг предмети бўлиб, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, етказиб бериш, монтаж ва уни ишга тушириш, шунингдек, етказиб берилган товарларни кейинги эксплуатацияси билан боғлиқ қўшимча вазифалар, масалан, техник хизмат кўрсатиш, ремонт, персонални ўқитиш ва сотувдан кейинги харажатлар;

Д. тўғри жавоб келтирилмаган.

36. Куйидаги омилларнинг қайси тендерда ғолибни аниқлаш омили ҳисобланади?

- А. географик белги ва лицензиялар;
- Б. баҳо ва тажриба;
- С. коррупция ва менежмент;
- Д. баҳо ва сифат.

37. Куйидаги хукуқий актларнинг қайси бири товарлар сотиб олиш бўйича тендерларда ғолибни аниқлаш бўйича йўриқномаларни ўзида акс эттирган?

А. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 29 август;

Б. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом»;

С. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 йилда 1475-рақами билан рўйхатга олинган, ЎзР Молия вазириининг 05.05.2005 йилдаги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган

«Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтингчалик Низом»;

Д. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодстат вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қарори билан тасдиқланган «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори баҳоларини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

38. Товарлар етказиб бериш учун тендерларда ғолибни аниқлашда баҳо-сифат омилиниң нисбати қандай бўлади?

- А. 50:50 нисбатда;
- Б. 100:0 нисбатда;
- С. 80-20 нисбатда;
- Д. аниқ нисбат мавжуд эмас.

39. Товарлар ва бажариладиган ишлар учун тендерларни ташкил этишда уларнинг қандай фарқли хусусиятлари мавжуд?

А. товарлар ҳам микдорий ҳам сифат кўрсаткичларини ифодалаш осон бўлган харид предмети ҳисобланади;

Б. пудрат ишларининг комплекс тусга эга эканлиги, қатор номаълум ва ўзгарувчан ўлчамларининг мавжудлиги сабабдан, ушбу ишларни батафсил ифодалаш анча мураккаб ҳолатdir;

С. А ва Б жавоб тўғри;

Д. фақат А жавоб тўғри.

40. Хизматлар кўрсатиш учун тендер савдоларида асосий эътибор бериладиган омил бу...

- А. баҳо;
- Б. сифат;
- С. техник ёрдам;
- Д. комплекс баҳолаш.

41. Интернетда нашр этиш бу...

- А. давлат буюртмаси ёки унга тегишли идора вебсайтинг электрон доскасида эълон бериш;
- Б. савдолар ҳақидаги маълумотларни интернетдан олиш;
- С. электрон технологиялардан фойдаланиш самарасига боғлиқ;
- Д. А ва Б жавоб түғри.

42. Рақамли имзо бу.....

- А. хужжатларни интернет орқали жўнатишда имзо чекувчини аниқлашга имкон берувчи механизм;
- Б. олдин рақамлар аниқ кўрсатилиб, сўнг имзо чекиш;
- С. электрон имзо тури бўлиб, ушбу технология электрон хужжатни айнан ким имзолаганини аниқлаш имконини беради;
- Д. А ва С жавоблар түғри.

43. Танлов асосида савдоларни тайёрлаш ва ташкил этишининг нимунавий моделида учинчи босқич қандай номланади?

- А. шартнома тузиш;
- Б. конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш;
- С. танлов хужжатларини тайёрлаш;
- Д. танлов хужжатларини тақдим этиш.

44. Танлов асосида савдоларни тайёрлаш ва ташкил этишининг нимунавий моделида «танлов шартларини тушунтириш» бу...

- А. якуний босқич;
- Б. «танлов ҳақида маълумотларни нашр этиш»дан сўнг амалга ошириладиган босқич;
- С. «танлов аризаларини йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш»дан олдин бажариладиган босқич;
- Д. А ва С жавоблар түғри.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, меъёрий-хукукий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил 29 август.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 14 декабрь.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил 26 август.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ҳамда вазирликлар буйруқ ва йўриқномалари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом».

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида низом».

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодстат вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қарори билан тасдиқланган «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва хукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг эні юқори баҳоларини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низоми.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари».

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 апрелда рўйхатга олинган 1941-сонли «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ғазна ижроси тартиби ҳақида низом».

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 майда рўйхатга олинган 1969-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида» буйруғи.

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтган 1746-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобваракларини юритиш қоидалари».

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 августда рўйхатдан ўтган 305-сонли «Ҳукумат кафолати остида ва давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш обьектлари учун, буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан сотиб олинадиган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг максимал нархларини ўрнатиш тартиби бўйича йўриқнома».

1.2.9. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўплами. 1-3 жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

II. Китоб ва туркум нашрлар

2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақола тўпламлари:

2.1.1. Балтина А. «Финансовые системы зарубежных стран». Учебное пособие. –М.: ФиС, 2007 г. 304 стр.

- 2.1.2. Бурханов У. Государственные закупки. –Т.: «UzInfoCom», 2010 г. 156 стр.
- 2.1.3. Нешитой А. «Финансы». Учебник. –М.: «Дашков и К», 2007 г. 512 стр.
- 2.1.4. Романовский М. «Финансы» Учебник. –М.: «Юрайт», 2008 г. 462 стр.
- 2.1.5. Ҳайдаров Н. Давлат молиясими бошқариш. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: Академия, 2005. 84 б.
- 2.1.6. Ковалева В. «Финансы», Учебник. –М.: «Проспект», 2008г. 640 стр.
- 2.1.7. Храмкин А. Международный опыт построения системы госзакупок. http://www.epgz.ru/_goszakaz.
- 2.1.8. Максимов Н. Факторы цены и качества в международной практике тендерных торгов.
<http://www.vneshmarket.ru>
- 2.1.9. Yescombe E. Public-private partnerships. Principles of policy and finance. Published by Elsevier ltd. UK.2007.
- 2.1.10. Ann Norton. Integrated Management. CIMA official learning system. Elsevier. Oxford. 2009.
- 2.2.1. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007, 84 б.
- 2.2.2. Маликов Т., Ҳайдаров Н. «Бюджет даромадлари ва харажатлари» ўқув қўлланма, –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007, 245 б.
- 2.2.3. Маликов Т., Ҳайдаров Н. «Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни» ўқув қўлланма, –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008, 84б.
- 2.2.4. Оллоёрсов М., Холмурадов Д. Система Государственных закупок в Узбекистане.
- 2.2.5. Нестерович В.Н., Смирнов В.И. Конкурсные торги на закупку продукции для государственных нужд. М.:Инфра-М, 2000. 360 с.
- 2.2.6. Salvatore Schiavo-Campo, Daniel Tommasi. Managing Government Expenditure. ADB. 1999.

2.2.7. Thomas Dohrmann, Lenny Mendonca. Boosting Government productivity. The online journal of McKinsey & Company. November 2008.

2.3.1. Ваҳобов А., Бурханов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2.3.2. Ваҳобов А. ва бошқалар. Бюджет – солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия, 2005. 264 б.

2.3.3. Ваҳобов А. ва бошқалар. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия. 2008, 260 б.

2.3.4. Фишер С. и др. Экономика. Перевод с английского. Москва. Дело лтд. 1995 г. Стр. 514.

2.3.5. Горбунов-Посадов М., Ермаков А., Корягин Д, Полилова –Т. Предпосылки развертывания электронных торгов для государственных нужд. Препринт ИПМ им. М.В.Келдиша РАН, 2001, № 38, 16 с.

III. Статистик тўпламлар ва интернет сайти материаллари:

3.1. О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования.

3.2. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент, 2008.

3.3. UNCTAD E-commerce and e-development report 2004.

3.4. Impact Assessment of an Action Plan on electronic public procurement. Ramboll Management. 2004.

3.5. APCC (Совет Австрии по закупкам и строительству). Ежегодный отчет (2000-2001 гг). <http://www.apcc.gov.au>.

3.6. Федеральная целевая программа «Электронная Россия». <http://www.e-russia.ru/program>.

3.7. <http://publicfinance.uz/materials>.

3.8. www.b2g-goszakupki.ru.

3.9. <http://www.worldbank.org.ru>.

3.10. <http://europa.eur.int>.

3.11. <http://www.cnews.ru/reviews/free/gov2005/part8/europe.shtml>.

3.12. www.dgmarket.uz.

3.13. www.minfin.ru.

3.14. www.mf.uz.

3.15. www.budget.ru.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Давлат харидининг ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий асослари.....	6
1.1 Давлат харидини ташкил этишнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва уни иқтисодиётга таъсири	6
1.2 Давлат харидини ташкил этишнинг миллмй ва ҳалқаро ҳуқуқий асослари.....	12
1.3 Давлат харидини ташкил этиш моделлари.....	19
II боб. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш механизми.....	35
2.1. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этиш ва бошқаришнинг жорий ҳолати.....	35
2.2 Тендер савдоларини ташкил этиш ва харидни амалга оширишда баҳолар мониторинги.....	50
2.3 Тендер савдоларида ғолибни аниқлашга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	63
III боб. Давлат хариди тизимини бошқаришнинг мамлакатлар хорижий тажрибаси.....	77
3.1 Давлат харид тизимини бошқаришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	77
3.2 Давлат харидини ташкил этишда коррупция ва унга қарши кураш.....	98
IV боб. Давлат харидини ташкил этиш стратегиялари....	107
4.1 Давлат харидини электрон тизимини ишлаб чиқиш стратегиялари.....	107
4.2 Давлат хариди тизимини бошқариш орқали кичик бизнес субъектларининг ривожланишига таъсир этиш.....	122
Оралиқ ва якуний назоратни амалга ошириш учун намунивий тестлар.....	130
Фойдаланилган адабиётлар	144

УМАР БУРХАНОВ, ТҮЛҚИН АТАМУРАДОВ

ДАВЛАТ ХАРИДИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: Ҳ.Ғуломов
Мусаҳҳиҳа: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 30.04.2012 йил.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 10,0. Нашр босма табоги 9,5.
Тиражи 500. Буюртма № 48.**

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



ISBN 978-9943-16-699-8



9 789943 106598

T
FAN VAN
TECHNOLOGIE
KUNDE